

Уильям Эрскин


БОБУР
ҲИНДИСТОНДА

*БОБУР ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИДАГИ
ҲИНДИСТОН ТАРИХИ*

ТОШКЕНТ
ЧУЛПОН НАШРИЕТИ

Инглизчадан қисқартирилган таржима

Таржимон — Ғофуржон Сотимов



Инглиз тарихчиси ва таржимони Уильям Эрскиннинг «Бобур ҳукмронлиги давридаги Ҳиндистон тарихи» асари ноёб тадқиқот намунаси бўлиб, муаллиф мазкур асарда Бобур ва бобурийлар сулоласининг Ҳиндистон тарихи ҳамда Ҳиндистон ярим оролидаги маданият ҳаётининг шаклланишида туганган ўрни ҳақида ҳолис фикр юритади,

Э $\frac{0503030000 - 100}{360 (04) - 95}$ Қўш. 95

ISBN 5—8250—0441—6

© Ғ. Сотимов (Тарж.)

ТАРЖИМОНДАН

Мовароуннаҳр тарихида чуқур из қолдирган, Афғонистон ва Ҳиндистон тарихида эса асрларга татиғулик улкан бурилиш ясаган давлат арбоби, буюк саркарда, серқирра олим ва тенгсиз нозиктағб шоир — Заҳриддин Муҳаммад Бобур ҳақида хорижий тилларда бир неча ўнлаб хилма-хил катта-кичик асарлар яратилган. XVIII асрнинг III чорагида инглизлар Ҳиндистонни босиб олгандан кейин улар жуда кўплаб қимматбаҳо осори атиқалар билан бир қаторда ноёб китоблар ва қўлёзмаларни ҳам ўз юртларига олиб кетганлар. Уларнинг кўплари ҳозирда Британия музейида ва Ҳиндистоннинг миллий музейларида сақланмоқда. Ана шу манбалар асосида инглиз ва ҳинд тарихчи, адабиётчи ва иқтисодчи-файласуфлари Бобур ва бобурийлар ҳақида ҳам самарали изланишлар бўлиб бордилар ва жуда кўплаб илмий-тарихий асарлар яратдилар. Инглиз тарихчиси ва таржимони Уильям Эрскиннинг «Бобур ҳукмронлиги давридаги Ҳиндистон тарихи» асари ана шундай ноёб тадқиқот намуналаридан ҳисобланади.

Муаллиф форс тилини мукаммал билган ва темурийлар сулоласи тарихини синчиклаб ўрганган. Узининг улар ҳақидаги илмий хулосаларини асослашда «Табокати Акбарий», «Тарихи Рашидий», «Хулосат-ул Акбар», «Хулосат-ул таворих», «Шажарат-ул-Атрок» каби кўплаб илмий-тарихий қўлёзмалардан кенг фойдалангани алоҳида таъкидланади. Китоб ношири П. Хардининг айтишига қараганда, Эрскиннинг шахсий кутубхонасида мавжуд бўлган 200 дан ортиқ ана шундай ноёб асарлар ҳозир Британия музейида сақланмоқда.

У. Эрскин Бобур ва бобурийлар сулоласининг Ҳиндистон тарихи, унинг давлат тузуми ҳамда Ҳиндистон ярим оролидаги маданий ҳаётнинг шаклланишида тугган ўрни ҳақида оқилона ва одилона хулосаларни баён қилган беғараз мутахассислардан биридир. Муаллиф

темурийлар ва ўша давр ҳаётига оид жуда кўп шарқ манбаъларини тилга олади, кўчирмалар келтиради ва ғарбда шу мавзуда битилган асарлар билан таққослаб, улардан фарқ қиладиган ўринларга алоҳида тўхталади. Манбаъларга ҳалоллик, холислик билан ёндошади. Тарихий воқеалар, далиллар, ҳужжатлар ва ривоятларни чуқур таҳлил қилиб умумлаштиради.

Асарда Мовароуннаҳрдан Ҳиндистонгача бўлган юришда Бобурга учраган ва унга ҳамроҳ бўлган турли халқларга, уларнинг урф-одатларига, удумлари, маросимлари ва анъаналарига ҳам кенг ўрин берилган. Шунинг учун ҳам бу тадқиқот худди бадиий асардек мароқ билан ўқилади ва китобхонга янги маълумотлар беради. Асарнинг ҳажми жуда катта (600 бетга яқин) бўлганидан ҳозирча уни қисқартирилган ҳолда, яъни Бобур шахсига тааллуқли ўринларнигина ўзбек тилига таржима қилдик. Асар инглиз тилидан илк бор ўзбек тилига тўғридан-тўғри таржима қилинганлиги учун айрим қусурлардан ҳоли бўлмаслиги мумкин. Бу борада билдирилган фикр ва мулоҳазаларни бажонидил қабул қиламиз.

ҒОФУРЖОН СОТИМОВ,
филология фанлари номзоди, доцент.

МУАЛЛИФ ҲАҚИДА

У. Эрскин (1773—1852) XIX асрнинг етук шарқшунос олимларидан бўлиб, у шотландиялик катта ер эгасининг ўғли эди. У Эдинбург университетида таҳсил кўрди. 1803 йилда таниқли файласуф ва иқтисодчи олим Сэр Жеймс Макинтошнинг таклифига биноан унга шахсий котиб сифатида Бомбайга келди ва 1823 йилгача Ҳиндистонда яшади. Қолган умри эса Шотландияда кечди. 1837—38 йилларда Авлиё Андриус черковида роҳиблик қилган. Унинг оиласи жуда катта бўлиб, 14 болани асраб олган эди. «Бобурнома»нинг 1809 йилда инглиз таржимони Жон Лейден (1775—1811) бошлаган таржимасини 1816 йилда тугатиб, Бобурдан Аврангзебгача бўлган темурийлар тарихини яратди. Аввалбошда «Темурийлар авлодидан бўлмиш Бобур ва Ҳумоюн давридаги Ҳиндистон тарихи» деб аталган бу асар 1854 йилда муаллиф вафотидан сўнг нашр этилди.

П. ХАРДИ, ношир.

ҲИНДИСТОН ТАРИХИ

МУҚАДДИМА

Ушбу саҳифалардан асосий мақсад ўқувчига Ҳиндистонда ҳукм сурган темурийлар салтанати тарихини ва айниқса, уч асрлик муддатни қамраб олган давр — Бобурнинг Ҳиндистонни босиб олиши ва ундан кейинги — шу сулоладан чиққан шаҳзодалар ҳукмронлиги даври — (Бобурдан Аврангзебнинг вафотига қадар) тарихини мукаммал ёритиб беришдир.

Шимолий Ҳиндистон тарихини уч даврга бўлиш мумкин:

1. Энг қадимги даврлардан Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг XI аср бошларида Ҳиндистонни ишғол қилишигача бўлган давр. Бу даврни «Ҳиндлар даври» ҳам дейишади.

2. Уша тарихий воқеа (1021 й.— тарж. Ғ. С.) дан XVI аср бошларда Бобурнинг Ҳиндистонга юриши ва босиб олиши даври, яъни 505 йилни ўз ичига олади. Бу даврни «Илк мусулмончилик даври» деб атаса бўлади. Бу давр ғазнавийлар ҳамда турли афғон қабилалари ҳукмронлиги даврини қамраб олади.

3. Бобурнинг ғолибона юришларидан бошлаб, темурийлар салтанатининг кейинги 332 йиллик Ҳиндистонда ҳақиқий ҳукмрон бўлган даврини кўз олдимизда намоён қилади.

Ҳиндистон тарихининг 1 ва 2-давrlари жуда кўп тарихий манбаъларда ёритилганлиги учун биз асосан, 3-даврни ёритишга уриниб кўраимиз. Бу давр тарихи Европа тилларида деярли ёритилмаган. Шунинг учун ушбу асар Ҳиндистоннинг ҳаёти билан қизиқувчилар учун яхшигина манбаъ бўлиб хизмат қилади деган умиддамиз.

ҚИРИШ

Ҳиндистоннинг забт этилишига асли зоти темурийлардан бўлмиш Бобур ва унинг ҳамроҳлари жасорати туфайли эришилди. Унинг ёшлик йиллари ҳам ана шу ирққа мансуб қабилалар орасида ўтганлиги учун давлатни бошқариш ва идора қилиш услубида ҳам бу чўл ўғлонни фаолиятида икки улкан қабила — мўғуллар ва ўзбекларнинг таъсири сезилиб турарди.

Биз қуйида татар деб атаган қабилалар тарихан учта улкан ирққа бўлинадиган ва улар бир-биридан урф-одатлари, тили ва турмуш тарзи билан фарқланадилар:

1. Тунгуслар ёки манжурлар. Осиё шарқида шимолий Хитойда яшаганлар.

2. Монголлар (ёки форслар ва ҳиндлар таъбири билан айтганда мўғуллар). Улар шимолий Тибет марказида, ғарбда Турфон ва Ёйиқ (Урал) дарёси ораллигидаги ҳудудда яшаганлар.

3. Турклар. Улар жуда кўп асрлар давомида Гоби чўллари ва ғарбий Мўғулистон, жанубда Қашқар ва Помир тоғларигача, Хуросон, Каспий ва Қора денгизларигача, ғарбда эса Дон ва Волга бўйларигача, шимолда эса Сибиргача бўлган улкан ҳудудни эгаллаб яшаганлар.

Бу учала қавмлар ичида турклар сон жиҳатдан энг кўп уруғ бўлиб, жуда улкан территорияга тарқалиб кетганлар.

Туркий тилларнинг бирида сўзлашувчи қавмлар қайси уруғга мансублигидан қатъий назар ўзларини турклар деб билардилар.

ЧИНГИЗХОН ВА УНИНГ АВЛОДЛАРИ

Шимолий Осиё даштларида яшовчи ўзига хос даштий удумларга эга бўлган қабила ва уруғлар кейинроқ бошқа мамлакатларга ўрнашиб олганликларидан сўнг маҳаллий аҳолининг кейинги тақдирида муҳим роль ўй-

наганлар. Шунинг учун ҳам Бобур тарихга кириб келган даврдаги туркийлар ва ғарбий мўғулларнинг тарихи ва уларнинг сиёсий бўлиниши ҳақида қисқача изох бериш ўринлидир.

Чингизхоннинг ўзи мўғул эди. Унинг келиб чиқиши ҳақида тарихий манбаъларда турли афсоналар тўқилган. Улардан бирида айтилишича, мўғуллар қабиласи бошлиғи бўлган бир оиладан Аланқува исмли қиз фазодан тушган осмоний мавжудот билан бўлган алоқадан бирданига учта ўғил кўрган. Уша ўғиллардан бирининг тўққизинчи авлодидан Чингизхон туғилган. Иккинчисининг ўн тўртинчи авлодидан эса Амур Темур ёки Темурланг туғилган. Чингизхон ўзининг вафотидан сўнг Эуксиндан тортиб Сарик денгизгача, Меҳрон чўлларидан тортиб узоқ Сибиргача бўлган территорияга ёйилган улкан империяни мерос қолдирган. Бу қудратли империяни у тўрт ўғлига бўлиб берган. Уларнинг каттаси Жўжихон Дашти қипчоқ чўлларига эга бўлган эди. Бироқ отасидан бир неча ой аввал вафот этиши олдидан бу территорияни ўғли Ботухонга мерос қолдирди. Бу мамлакат Сирдарёдан тортиб Орол денгизи ва Каспий денгизи ҳамда Қораденгиз атрофининг бир қисмидан тортиб Дон ва Волга дарёси оралигидаги бой мамлакатларни ҳам қамраб олган.

Иккинчи ўғли Чигатойхонга эса ғарб томонда Дашти Қипчоқдан тортиб Тибет тоғларигача, жанубда Ҳиндистон ва Меҳрон, шимолда Сибирь, шунингдек, Қашғар, Хўтан ва Уйғур вилоятлари, Гоби чўллари, Фарғона давлати ва Тошкент, бутун Мовароуннаҳр, Бадахшон, Балх, Хоразм, Хуросон, Ғазна, Қобул каби вилоятлар берилди.

Учинчи ўғли Уқтойхонга мўғулларнинг аслий юрти қолдирилди. Тўртинчи ўғли Тўлхонга эса Хитой берилган эди. Чингизхон авлодлари кўп худого сиғинувчи бутпарастлар (маъжусийлар—тарж.) бўлиб, Ботухоннинг ўғилларидан бири Ўзбакхон ислом динини қабул қилиб, қипчоқ қабилалари орасида мусулмон динини тарғиб қилди. Мусулмон динини қабул қилганларнинг унга шунчалик эътиқодни баланд эдики, улар ўзларини «ўзбеклар» деб атай бошладилар. Ўзбакхон (ҳижрий 751 йилда) мелодий 1350 йилда вафот этди.

Ўзбакхон вафотидан сўнг қипчоқлар салтанатида ички урушлар бошланиб, мамлакатда улкан тартибсизликлар вужудга келди ва бу тартибсизликлар Темур давригача давом этди.

Темур Мовароуннаҳр тахтига чиққанда унинг иккита

рақибби бор эди. Уларнинг бири Жўжихон авлодидан бўлган Урусхон, иккинчиси эса Тухтамишхон эди. Улар қипчоқ элида «Улуғ хон» мансабига эришиш ниятида эдилар.

Янги сулоланинг асосчиси бўлган Темурбек Мовароуннаҳрда, Самарқанддан 30 милча жанубда Шаҳрисабз ёки Кешда (ҳижрий 736 йил шаъбон ойининг 25 кунида) мелодий 1336 йил 9 апрелда дунёга келди. У Барлос уруғи бошлиғининг ўғли эди. Барлос уруғлари бошқа турк халқлари орасига тарқалиб кетган эди.

Ўз юртида эришган ғолибона юришлар муваффақиятидан сўнг, Темур лашкари Қипчоқ ва Мўғулистон чўллари орқали Осиёнинг барча бой ўлкаларини (Дарданияль бўғозидан Деҳлигача) қўлга киритди ва вафотидан сўнг улкан империяни ўз ўғилларига мерос қилиб қолдирди. Темурнинг вафотидан сўнг унинг салтанати бир неча хонликларга бўлиниб кетди. Мовароуннаҳрга унинг ўғли Шоҳруҳ Мирзо ҳукмронлик қилди.

Темурнинг учинчи ўғли Мироншоҳ Мирзо (Бобур ана шу авлоддан тарқаган) Озарбайжон, Сурия ва Ироққа ҳукмрон бўлди. У асосан Табризда яшарди. Отасидан кейин кўп ўтмай Табриз яқинида туркманлар сардори Юсуф билан бўлган жангда ҳалок бўлди. Ундан сўнг анча вақтгача унинг ўғли (Бобурнинг бобоси) Абусаид Мирзо ҳукмдорлик қилди.

Бобурнинг отаси Султон Умаршайх Мирзо ёшлигидаёқ отасидан қолган Фарғона давлатига эга бўлди. Ингирма олти йилча ҳукмронлик қилгач, 37—38 ёшларида, ўзи яхши кўрган қаптархонанинг дарё ўзанига қулаб кетиши туфайли Ахсида ҳалок бўлди.

Унинг уч ўғли бўлиб, Бобур Мирзо, (Юнусхоннинг қизи Қўтлуғ Нигор хонимдан туғилган), Жаҳонгир Мирзо (ўғул тумани бошлиғининг қизи Фотима Султондан туғилган) ва Носир Мирзо (андижонлик кичик хотини Умайддан туғилган). Унинг бешта қизи бўлиб, иккитаси вафотидан кейин туғилган.

БОБУРНИНГ ТАХТГА ЧИҚИШИ ВА МОВАРОУННАҲРДАН ҚУВИЛИШИГАЧА БУЛИБ ЎТГАН ВОҚЕАЛАР

Заҳриддин Муҳаммад (ҳижрий 888 йилда муҳаррам ойининг 6-куни) мелодий 1483 йилнинг 14 февралда дунёга келди. Унинг исмини ўша даврдаги Мова-

роуннаҳрнинг атоқли уламоларидан бўлган Хожа Насриддин Убайдуллахон танлаган эди.

(Бобур шажараси: Ота томонидан: Бобур Султон Умаршайх Мирзо ўғли, у эса Султон Абдусайд Мирзо ўғли, у эса Султон Муҳаммад Мирзо ўғли, у эса Мирзо Мироншоҳ ўғли, у эса Амир Темур Қўрагон ўғли эди. Онаси томонидан: Қутлуғ Нигор Хоним Юнусхон қизи, у эса Вайсхон ўғли, у эса Шер Алихон ўғли, у эса Муҳаммад Хўжахон ўғли, у эса Хизир Хўжахон ўғли, у эса Туғлоқ Темурхон ўғли, у эса Эсон Буғахон ўғли, у эса Дава Чикон ўғли, у эса Бароқхон ўғли (уни Фиёсиддин ҳам деб аташарди), у эса Сўкач ўғли, у эса Камфор ўғли, у эса Чигатой ўғли, у эса Чингизхон ўғли эди.)

Айтишларича, чигатойлар арабча «Заҳриддин» сўзини талаффуз этишга қийналишгач, ота-оналари уни Бобур деб атадилар ва расмий ҳужжатларда Заҳриддин Муҳаммад Бобур деб юритиларди.

Отаси вафот этганда у эндигина ўн бир ёшдан ўтган эди. Фарғона давлати ҳозир (муаллиф 1845 йилни назарда тутмоқда — тарж.) Қўқон деб юритилади. У пайтларда бу мамлакат ҳудудан кичикроқ бўлса ҳам, Бобурнинг таърифлашича, мева ва ғаллага бой ўлка эди. Бу водийнинг атрофи тоғлар (айримлари доимий қор билан қопланган) билан ўралган бўлиб, жанубий-ғарб томонигина—Хўжанд ва Самарқанд ораси, Сайхун дарёсининг чап қирғоқлари очиқ эди. Бу дарё Сир деб ҳам аталади. У қадимги Жаксартес дарёси бўлиб, Қашқар тоғларидан бошланади ва Фарғона давлатини икки қисмга ажратиб оқади. Тошкент ва Туркистон воҳаларини ялаб ўтиб, чўллар орқали Оролгача етиб боради. Фарғона мамлакати, асосан, еттига даҳага бўлиниб, ундан иккитаси дарёнинг шимолий қирғоғида, қолган бештаси эса жанубий соҳилда жойлашган. Жанубдаги вилоятларнинг энг йириги Андижон бўлиб, салтанатнинг пойтахти ҳисобланарди ва шу ном билан аталувчи асосий қалъа хизматини ўтарди. Уш вилояти шарқ томонда жойлашган, Марғилон эса ғарбда жойлашгандир. Исфара жануби-ғарбий қисмда, тоғлар орасида жойлашган ва ниҳоят Хўжанд қалъаси дарёнинг қуйи қисмида бўлиб, Самарқанд йўли ана шу ердан ўтади. Дарёнинг шимолий қисмидаги вилоятлар Аҳси ва Косон эди. Аҳси салтанатдаги иккинчи мавқени эгаллайдиган қалъа бўлиб, Умаршайх Мирзо кўп

вақтини ўша ерда ўтказар эди. Ундан шимолий шарқда Қосон қасабаси жойлашган.

Ўзи кичкина давлат бўлса ҳам Фарғона тупроғи жуда унумдор, мўътадил иқлимли эди. Ёзда иссиқ ва қишда совуқ бўлса ҳам, мўл ғалла ва мева, нок, анор, бодом ва қовунга бой эди. Унинг боғлари ва узумзорлари машҳур эди. Фарғона давлатида шаҳар аҳолиси тожиклар деб аталиб, улар ҳеч қайси қабиллага мансуб эмас эдилар. Кейинроқ мўғул ва туркий қабилаларнинг қўпайиши билан шаҳарликларнинг қўпчилиги туркийлардан бўлиб, тили ҳам соф туркий бўлган. Бу тил давлат бошқарувчиларининг ҳам сўзлашув тили бўлиб, ўз она тили форс тили бўлган шаҳарликлар учун ҳам тушунарли эди.

(Мамлакатдаги қадимги аҳолини «тожик» ёки баъзан «сартлар» деб аташарди. «Тожик» атамаси Мовароуннаҳрдагина эмас, балки Афғонистон, Эрон ва Туркистонда ҳам ишлатилади. Афтидан у арабча «Тази», «араб» маъносини англатади. Бу сўзни босқинчи Туркий уруғлар Араб давлатчилигига мансуб савдогарлар ва деҳқонларни ўзларидан, яъни давлат бошқарувчиси бўлган кўчманчи қабилла вакилларидан ажратиш учун ишлатганлар. Шунинг учун «Туркий» атамаси уруғ (қабилла) вакилини, «Тожик» атамаси эса шаҳарликларни ва маҳаллий деҳқонларни англатган. Туркийлар «тожик» сўзини қандайдир менсимаслик маъносиде ишлатганлар, «Турк» сўзи эса тожиклар томонидан «қўпол», «тартибсиз» маъносиде ишлатилган).

Бобурнинг Самарқандга биринчи юриши муваффақиятли бўлди. Ун беш ёшли Бобурни Самарқанд беклари ва оқсоқоллари шаҳар ташқарисига чиқиб кутиб олдилар. «Йўл устида,— деб ёзади Бобур,— бизни шаҳарнинг обрўли кишилари ва беклар кутиб олдилар, улар ортидан ёш сарбозлар келарди. Шаҳар қалъасига киргач, биз Бўстон саройга келдик (1497 йил, ноябрь) Роббий-ал-охир ойининг охирига бориб, Аллоҳнинг иродаси билан бутун шаҳар ва Самарқанд мамлакати бизнинг ихтиёримизда бўлди».

Бобур ихтиёрига ўтган бу улкан шаҳар дунёнинг энг бой ва машҳур шаҳарларидан эди. У Темур давлатининг маркази бўлган эди. Бобур унинг масжид ва мадрасаларини, сарой ва мақбараларини ҳайрат билан тасвирлайди. Улуғбек мадрасаси, шаҳзода томонидан тузилган астрономик жадвал («Зижи Курагоний» жадвали — тарж.) ўз вақтида ҳаммаи лол қолдиргани ва ҳо-

зирда ҳам фан тарихида муҳим роль ўйнаётганини таъкидлайди.

Самарқандга очиқ юз билан таклиф қилинган Бобур ўз лашкарига шаҳарни талашга йўл қўймади. Бу эса катта бойлик умидида келган сарбозларда норозилик уйғотиб, улар уйларига қайтиб кета бошладилар. Барча мўғул сарбозлар ҳам кетиб қолишди. Охирида мўғул беклари ичида таниқли Султон Аҳмад Танбал ҳам Бобурни ташлаб уйга қайтди. Бу ишларни тўхтатиш ва қочоқларни жазолаш учун Бобур Андижондаги ишбошчиси Хожа Мавлоно қозини Узун Ҳасанга жўнатади.

Лекин кейин маълум бўлишича, Узун Ҳасаннинг ўзи душман чиқиб қолади. Аҳмад Танбал келиб унга қўшилгач, улар бир гуруҳ бўлиб Андижон ва Ахсини Бобурнинг укаси Жаҳонгир Мирзога олиб бериш пайида эдилар, чунки Самарқанд салтанатини Бобур учун етарли деб ҳисоблашарди. Андижон ва Ахси Бобурнинг тоғаси, Тошкент ҳокими Султон Маҳмудхоннинг ҳам назарида бўлиб, у ҳам бу жойларни эгаллаш учун кўз тиқиб турган эди.

Қочоқ аскарларни қайтариш учун Бобур ўзининг ишончли вакили Тўлан Бекни ўз одамлари билан юборди. Бундан хабар топган Узун Ҳасан билан Аҳмад Танбал бир гуруҳ аскар юбориб, уни қўлга олдилар ва сўнг қатл қилдилар. Андижон ҳокими Али Дўст Тоғойи ва Бобур оиласининг пири бўлмиш Хўжа Мавлоно қози қочоқ аскарларни тўхтатиш ва уларни юпатиш учун кўп уриндилар. Хўжа Мавлоно қози ўз ихтиёридаги 18 минг бош қўйини Бобур томонида қолган сарбозларга, уларнинг оилаларига бўлиб берди ва Бобурнинг онаси ва бувиси Самарқандга чопар юбориб, Андижон қалъаси Жаҳонгир Мирзо бошлиқ гуруҳлар қамалида чорасиз аҳволда қолгани ва тезда бу ерга етиб келиши зарурлигини билдирдилар.

Самарқандга бу нохуш хабар етиб келганида (1498 йилда) Бобур оғир касаллик билан бетоб ётган эди. Ҳатто тўрт кун давомида унинг оғзинга сув томизиб туришди. Унинг энг садоқатли беклари ҳам бу аҳволни кўриб, ҳамма нарсадан умид узиб, аста ўзларини четга ола бошладилар. Бир неча кундан сўнг ниҳоят дард чекинди ва Бобур соғая бошлади, бироқ Бобур жуда озиб кетган ва гапиришга ниҳоятда қийналар эди. Касаллик тўла чекинмай туриб унинг содиқ дўстларидан шунчалик ташвишли хабарлар келиб турдики, Бобур Самарқандда бўлган 100 кунлик ҳукмдорликдан воз кечиб, 1498 йил март ойида Андижон сари йўл олди. Бир ҳафтадан

сўнг Хўжандга етиб келганида, у Самарқанддан йўлга чиққан куни Андижон қалъаси қамал қилингани ҳақида хабар эшитди.

Маълум бўлишича, Бобур ўлим билан олишиб ётган хос хонага кириб аҳволдан воқиф бўлган Узун Ҳасан Андижонга келибоқ, Султон Бобурнинг тилдан қолгани ва унинг оғзига сув томизилаётгани ҳақидаги хабарни шаҳар доруғаси Али Дўстга етказган ва шаҳар дарвозаси яқинида қалъа девори устида турган доруға ортиқча қаршилик кўрсатиш бефойда эканига ишониб, шаҳарни топширган эди. Бобурга садоқат кўрсатгани учун Хўжа Мавлоно қози шаҳар дарвозасига шармандаларча осилиб унинг оиласига қарашли мол-мулк талон-тарож қилинди.

Бобур жуда қийин аҳволда қолган эди. «Андижонни сақлаб қолиш учун,— деб ёзади Бобур,— мен Самарқанддан воз кечган эдим, энди эса бирини сақлаш учун иккинчисини ҳам бой берганимни сезиб турибман».

Унинг пойтахти ва отасидан мерос қолган салтанатида газабнок ганимлар унинг укаси номидан изғиб юришарди. Қўшинининг кўпчилиги ундан юз ўгирган эди. Бирон жойда унга йўл кўрсатувчи умид нури кўринмас эди. Бундай ёлғиз аҳволга у биринчи бор тушиши эди. «Мен таққирлик ва хўрлик қурбони бўлдим,— дейди у.— Мен мустақил шаҳзода бўлганимдан буён бу аҳволда ўз юртим ва тарафдорларимдан ажраб қолмаган эдим. Эсимни танибманки, бу тарзда хўрлик ва азобни кўрмаганман».

Нима қилишини билмаган ҳолда Фарғона ва Самарқанддан қувилган Бобур бошпана ва ёрдам сўраб тоғаси Султон Маҳмудхон ҳузурига—Тошкент томон йўл олди.

Кучли ирода ва юмшоқ кўнгил эгаси бўлмиш Бобурни бундай муваффақиятсизлик ва ютқизиш бука олмас эди. Отасининг салтанатини тиклаш мақсадида (Мўғул хони Султон Маҳмудхон) тоғасидан ёрдам сўраш учун яна бир бор улкан дарё (Сирдарё—тар.) ни кесиб ўтди. Бобурнинг онаси юқорида айтганимиздек, хоннинг онаси эди. Жаҳонгирнинг онаси ҳам мўғуллар қабиласидан бўлиб, лекин бошқа уруғдан эди. Анча иккиланишлардан сўнг Султон Маҳмудхон Бобур Мирзога саккиз юз мўғулдан иборат кичкинагина қўшин бериб, Хўжанддан бир мил (1,6 км) наридаги Носух қалъасида истиқомат қилиб туришни маслаҳат берди. Лекин уни ишончли тарзда қўлда тутиб туришга анча узоқлик қилгани учун яна шаҳарга қайтиб келди. Хўжанд ҳам нисбаган кичкина-

роқ қасаба бўлганидан икки юз кишилик қўшинни зўрға сақлаб туриши мумкин эди. Шунинг учун Бобурнинг иккинчи тоғаси Маҳаммад Хусайн Курагон Дўғлатга, **Султон Маҳмудхон қўл остида ўзи бошқариб турган Уратепа яқинидаги (Ерайлак туманида) Бешоғар қишлоғида қишлашга рухсат беришни илтимос қилди.** Бу қишлоқ расман марҳум Хўжа Қозининг мулки бўлиб, унинг Самарқанд йўлида жойлашганлиги Бобурга маъқул тушди. Қиш ичи у гоҳ музокара, гоҳ уруш билан Ерайлак воҳасининг анчагина қисмини қўлга киритди.

Бобур 100 кунлик эгаллашдан сўнг Самарқандни ташлаб чиққач, салтанат марказини унинг амакисининг ўғли Бухоро султони Султон Али Мирзо эгаллаб олган эди. Ерайлак воҳаси эса Самарқандга тегишли ерлар эди. Бобурнинг фаол ҳаракатларидан хавфсизраган Султон Али Мирзо бу томонга қўшин тортиб кела бошлади. Уч юзга яқин кишиси бўлган Бобур, ўзи эгаллаб турган жойларни ташлаб, Уратепа жанубидаги тоғлар орасидаги Илокс деб аталган қишлоққа қараб йўл олди. Узини икки йилдан ортиқ муддат ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлаб турган Хўжанд халқининг кўнглини бузмаслик учун Бобур шу йўлни танлаган эди.

Илоксда қувғинда, хўрликда бир оз вақт яшашга **мажбур бўлди.** «Ўша ерда турган пайтимда,— деб хотирлайди Бобур,— мен каби қувғинга учраган, дарбадарликда яшайётган Хўжа Абул Макортим мени кўргани келди. Бундан мен у билан ўз ҳолатимни муҳокама қилиш, бу ерда қолиш ёки қолмаслик, нима ишга қўл уриш ёки урмаслик ҳақида маслаҳатлашишга уриндим. Менинг ҳолатимни кўриб у шу даражада хафа бўлдики, кўз ёшларини тўкиб дуо қилгач, хайрлашиб жўнаб кетди. Худди ўша кунни пешин намози пайтида пастликдан бир отлик келаётганини хабар қилишди. У Андижонни топширган Али Дўстнинг хизматкорларидан бўлиб, ўз хўжайинидан хат олиб келган эди. Хатда айтилишича, мени қаттиқ хафа қилиб қўйганини ва менинг ўтган хафагарчиликларни кечиримизга ишончи комил эканини айтиб, мени Марғилонга келишга ва бу ерда ўз айбонни ювиш учун қўлдан келган бор хизматни бажо келтиришни айтган эди».

Дарҳол бу таклиф қабул қилиниб, ҳамроҳлар билан Марғилон томон йўлга чиқилди, икки кун тинимсиз йўл юриб, юз милча масофа ўтилгач, учинчи кунни эрта тонгда Марғилонга тўрт милча қолганида, бир оз тўхтаб Али Дўстнинг таклифи қалбаки эмасми экани ҳақда ўйлаб,

у хоинлик сари йил тутмадими экан, деган мулоҳаза билан маслаҳатга тўхташди.

Лекин орқага қайтишнинг иложи йўқ. Отлар ҳориган, кийим-кечак ва озуқанинг ҳам охири кўришиб қолган эди. Шунинг учун улар яна йўлда давом этиб, тонгда шаҳар дарвозаси устида уларни кутиб турган Али Дўстни кўрдилар. У жазоланмаелигига кафолат олгандан сўнг дарвозани очди ва ўз хўжайинига мулозамат кўрсатиб, қалъа ичидаги уйлардан бирига Бобурни бошлади. Бу пайтда Бобурнинг ҳамроҳлари 240 кишига яқин эди. Марғилондаги ҳаёт аввалгисидан анча дуруст бўлди.

Узун Ҳасан ва Танбал қаттиқ чоралар билан халқни анча бездириб қўйган бўлиб, Бобурнинг ҳукмдорлиги халқ учун зарур экани сезилиб қолган эди. Аҳволни билиш учун у Қосимбекни юз кишилик аскар билан Андижон жанубига жўнатди. Бу пайт Иброҳим Сори ҳам шунча аскар билан Сирдарё бўйларида аҳволни ўрганиш учун изғиб юрган эди.

Бобурнинг ҳаракатидан ташвишга тушган Узун Ҳасан билан Танбал қўлига яроқ тутишга қодир бўлган барчани оёққа турғазиб Марғилонни қамал қилиш учун йўлга чиқди. Бобур қўшини оз бўлса ҳам унга йўлда деҳқон ва кўчманчи қабилалардан аскар қўшилди ва кейинги кунларда анча муваффақиятли юриш бўлди. Илгари юборилган Қосимбек қўшинлари маҳаллий аҳоли ёрдамида Иброҳим Сори аскарларни Аҳси қалъасигача қувиб борди. Бундан хабар топган Узун Ҳасан Марғилонга борган тўдасини тезда қайтариб, уларга Сирдарёни кесиб ўтиб Аҳсини қутқаришни топширди. Лекин танлаган йигитлар чиққан қайиқни сув мўлжалланган жойдан анча нарироққа, отлиқ аскарлар кирса бўладиган саёз жойгача оқизиб кетди. Бундан фойдаланган Бобурнинг отлиқ аскарлари дарёнинг сувини кечиб кириб, уларни асир олди ва ўлимга маҳкум қилди. Буни эшитган Узун Ҳасан тезда Андижонга чекиншига буйруқ берди. Лекин шаҳарга яқинлашгач, шаҳар ҳокими Бобур томонига ўтганини билдирди. Бу кутилмаган ҳол Узун Ҳасаннинг ҳамроҳларини довдиратиб қўйди. Унинг қўшини тарқаб кетди. Узун Ҳасан ўзи бошқариб турган Аҳсига қочди. Султон Аҳмад Танбал эса ўзи ҳоким бўлган Ушга қараб йўл олди. Унга йўлда Жаҳонгир Мирзо қўшилди. Жаҳонгир Мирзо энди Узун Ҳасандан ажраб, унинг рақиби бўлган Аҳмад Танбалга қўшилаётган эди. Тақдир тақозоси билан (ҳижрий 904 йил, Зулқайда) мелодий 1499 йил июнь ойида икки йиллик қувғиндан

сўнг Бобур яна қайтиб, ўз пойтахти Андижонга кириб келди. Эндигина ўн олти ёшдан ўтган Бобур тақдирнинг кўп машаққатларига дучор бўлган эди.

Аҳмад Танбал Уша етиб келгач, бу ерда ўзининг ортиқча эканини кўрди. Унинг адолатсизликларидан безор бўлган шаҳар халқи уни таёқ ва тошлар билан қувиб чиқарди ва Бобурнинг келишини талаб қилди. Танбал Жаҳонгир Мирзо билан ҳамкорликда ўзларига яқин кишиларни олиб Қашғарга яқин тоғлар орасидаги Ёркенд томон йўл олди.

Бобур эса Андижонда вақтни беҳуда ўтказмай ўз муваффақиятини мустаҳкамлай бошлади ва энг ёвуз душмани бўлмиш Узун Ҳасанни Аҳсигача таъқиб қилиб борди. Қаршилиқ қилишнинг беҳуда эканини тушунган Узун Ҳасан таслим бўлди ва оиласи, мол-мулки ва ҳамроҳларини олиб шаҳардан чиқиб кетди, Қоратегин орқали Хисорга йўл олди. Шаҳар Бобурга топширилди.

Бобур ўз ҳукмронлигини ўрната бошлаган дастлабки кунларда унга ҳамроҳ бўлган аскарлар ва маҳаллий бекларнинг кўплари оғир машаққат билан қўлга киритилган мол-мулкни Узун Ҳасандан қолган мўғул аскарлари билан бирга баҳам кўришни истамаганликларини баён қилишиб, уларга жавоб беришни талаб қилдилар. Бобур уларга жавоб беришга мажбур бўлди. Аскарлари сони оз бўлган Бобурнинг уларни қўйиб юбориши, ўзининг ҳолисона тан олишича, мисли кўрилмаган эҳтиётсизлик бўлган эди. Чунки Бобурнинг кейинги муваффақиятсизликлари, айнан ана шу мўғул аскарлари исёни билан бошланган эди. Исёнчилар тўрт мингга яқин навар эди. Улар Аҳмад Танбал ва Жаҳонгир Мирзога одам юбориб, ўзлари ҳам улар томон йўл олдилар.

Бобурнинг сарой аъёнлари бу воқеани аҳамиятсиз ҳодиса ҳисоблаб, унинг ўзи аралашувига арзимайдиган иш деб қарадилар ва улар ордидан Қосимбек бошлиқ оз сонли қўшин юборилиб, унга исёнчиларнинг таъзирини бериб қўйиш топширилди. Лекин вазият улар ўйлаганчалик энгил эмас эди. Мўғуллар Танбал лашкарларига қўшилиб улгурган эди.

Қосимбек қўшинлари Ясси дарёсининг irmoғини кечиб ўтиши биланоқ қўшинлар юзма-юз келдилар. Кескин жангдан сўнг Қосимбекнинг сарбозлари душман қўлига тушдилар. Зўрға қочиб қутулган Қосимбек ва унинг ҳамроҳларини Танбал қўшини Андижондан бир фарсанг масофагача қувиб келди.

Икки йиллик тартибсизликлардан кейин эндигина

изга тушаётган шаҳар ҳаёти учун бу воқеа жуда бевақт рўй берган эди. Бобурнинг содиқ кишилари жойларда тартиб ўрнатиш билан банд эди ва дарҳол унга ёрдамга етиб кела олмас эдилар. Танбал ва Жаҳонгир Мирзо кескин ҳаракатлар билан шаҳарга тажовуз қилиб турар эдилар. Лекин Бобур лашкарлари оз сонли бўлса-да, душман ҳаракатини зимдан кузатиб, у кутмаган ерда пайдо бўлар ва уни чекинишга мажбур қиларди. Ҳарбий ҳаракатлар учун шаҳар атрофидаги ҳар бир уй, ҳар бир боғ, ҳар бир йўлакдан усталик билан фойдаланилди. Бир ойлик беҳуда уринишлардан сўнг рақиблар Иброҳим Сори Бобур учун сақлаб турган Уш қалъаси томон йўл олди.

Бобур бу орада тезлик билан тарқаб кетган кучларни тўплаб август ойининг охирларида Ушга яқин келди ва рақиблар шимолга, Узган томонга чекинди. Эртаси эрталаб Танбал қўшинлари тунда чап бериб Андижонга йўл олгани маълум бўлди. Улар тунда шаҳар деворларига нарвон қўйиб чиқаётганида соқчилар сезиб қолиб, шовқин кўтардилар ва ҳужум қайтарилди. Бобур Узгандан қайтаётиб Ушга кирди ва Маду қалъасида яшириниб ётган Танбалнинг укаси Қобилни бир неча жангчилари билан асир олди.

Тез орада Бобур ва Танбал қўшинлари юзма-юз келди. Бобур қўшини кучсизроқ бўлгани сабабли, турли ҳарбий чоралар қидириб турган пайтда исён кўтаргани учун Хисордан қувиб чиқарилган мўғуллар қўшини келиб Бобур лашкарларига қўшилди. Кутилмаган мададан илҳомланган Бобур қўшини жангга кириб, Хўтандаги жангда рақиб устидан ғолиб келди. Танбал ва Жаҳонгир Мирзо Ёркент томонга қочди. Бобур лашкарлари озуқа камайиб қолгани учун Андижонга йўл олди.

Қиш кириб қолганига қарамасдан Бобур ўз қўшинларини мустаҳкамлаш мақсадида, икки дарё оралиғидаги Сув ораси деган жойда ҳарбий машқларни йўлга қўйди. Лекин Қамбар Али ва бошқа ҳарбий бошлиқлар совуқ тушиб қолгани туфайли аскарларга уйга кетишларига рухсат беришларини талаб қилди. «Агар қиш ичи ана шу ерда турганимизда, — деб хотирлайди Бобур, — душманлар сони ўз-ўзидан камайиб кетарди».

Жанг майдонида Бобурнинг қўли баланд келганини тушунган Танбал чор атрофдан ёрдам қидира бошлади ва Султон Муҳаммадхон саройида катта мавқега эга бўлган акасига мурожаат қилди. Тез орада 5—6 минг

кишилик қўшин билан Султон Муҳаммадхоннинг ўғли Бобурнинг шимолий ҳудуддаги Қосон қалъасини қамал қила бошлади. Бобур ўз аскарларига рухсат бериб юборганидан хабар топган Танбал ҳам қўл остидаги аскарларини тўплаб, Ёркентдан Сув орасига йўл олди.

Хон аскарлари Қосон аτροφига етиб келганидан хабар топган Бобур тезда қўл остидаги жангчиларини тўплаб, тун бўйи йўл юриб, эрта тонгда Ахсига етиб келди. «Қишнинг қаҳратон кунлари эди,— деб хотирлайди Бобур,— тунги совуқ шу даражада кучли эдики, навкарларнинг кўпчилигининг қўл ва оёқларини совуқ уриб кетди, баъзиларининг қулоқлари олма қоқидек буришиб қолган эди». Ахси ёнида Сирдарёни кечиб ўтиб, шитоб билан Қосон томонга йўл олдилар ва бир-икки мил масофа қолганда хон аскарлари Бобурнинг келаётганини эшитиб дарҳол орқага қайтиб кетгани ҳақида хабар келди.

Бу орада Бобурнинг Андижонда йўқлигини сезган Аҳмад Танбал қамалчиларга қўшилиш учун Сирдарёни кесиб ўнг қирғоққа ўтди ва Қосон томон шошилди. Бобур бу ерга етиб келган кун чашшоҳда Танбал аскарлари яқинлашиб келаётгани ҳақида хабар келди. Хон аскарлари Қосонни ташлаб кетгани ҳақидаги хабарни эшитиб ҳафсаласи пир бўлган Танбал қўшинини тўхтатди.

Сезгир лашкарбоши ва навқирон жангчи, қони қайнаб турган Бобур вақтни қўлдан бермай душманни қувишга қарор қилди. Лекин кекса сарбозлар ва уларнинг сардорлари кун қайтиб қолганини ва эрталаб душманни қувиш лозимлигини уқтирдилар ва уларнинг маслаҳати қабул қилинди. Эрталаб жангга отланишганда душман кетиб бўлган эди. Хавфни сезган Танбал қўшинга чекинишни буюрди ва тун бўйи уларни тўхтатмасдан Архиан қалъасигача бориб ўша ерга яширинишди.

Бобур улар билан 5—6 ҳафта юзма-юз жангсиз турди. Бобур аскарлари етарлича кучга эга бўлмагани учун ҳужумга ўта олмасди. Танбал қўшинларининг эса, Бобур қўшинини ёриб чиқиб кетишга кўзи етмасди. Анчадан кейин Аҳмад Танбалнинг Бобурдан норози бўлган аскарбошилардан бири Андижон адирлари орасидан чиқиб, тунда Танбалга бориб қўшилди. Бобур унинг йўлини тўсишга уринди-ю, лекин вақт ўтган эди. Танбал Бешхаран қалъасига яширинишга муяссар бўлди. Жанг майдонлари орасидаги масофа бир-икки милга борарди ва кун бўйи оз-моз



жанг бўлиб турарди, лекин вазият ўзгармади. Натижа-
сиз урушлар жонларига теккан Али Дўст, Қамбар Али
сингари ого сарбозлар тазйиқ билан Бобурни сулҳ ту-
зишга кўндиришга ҳаракат қилдилар. Сукутнинг розилик
аломати дейишиб, Бобурнинг розилигисиз сулҳ шартла-
ри белгиланди. Сулҳ шартларига кўра, Сирдарё Бо-
бур ва укаси Жаҳонгир салтанати ўртасида чегара
булиши, Ахси, Қосон ва улар атрофидаги мулк Жаҳон-
гирга тегиши, Танбалга эса оиласи ва мол-мулкнинг ўз-
гандан олиб чиқиб кетиш учун имконият берилиши ке-
рак эди. Шаҳзодалар ўз салтанатидаги ишларни йўлга
қўйиб, хотиржам бўлгач, иккаласи бирлашиб, Самар-
қандга юриш қилиши ва салтанат қўлга киргач, Анди-
жон тахти Жаҳонгир Мирзога, Самарқанд тахти эса Бо-
бурга берилиши керак эди. Бу сулҳ (хижрий 905 йил
Ражаб ойининг охирида) мелодий 1500 йил февраль ойи
охирида тузилди. Эртаси куни Жаҳонгир ва Танбал бу
сулҳни Бобур тасдиқлагунча кутиб турди, сўнгра Жаҳон-
гир Ахсига, Бобур эса Андижонга йўл олдилар. Ҳар ик-
кала томондан асирлар озод қилинди.

САМАРҚАНДНИНГ ИККИНЧИ БОР ОЛИНИШИ ВА БОЙ БЕРИЛИШИ

Шундай қилиб салтанати анчагина кичрайиб қолган
пайтда Бобур роса ўн етти ёшга тўлган эди. Унинг асо-
сий йўриқчиси Мир Али Дўст — чингизий бўлиб, яқин қа-
риндошларидан, яъни, тахминан, бувисининг укаларидан
эди. Андижонни Узун Ҳасанга бой берган ҳам айнан шу
киши эди. У мол-дунёга ўч, хасис, бадбашара, дағал муо-
малали, ясама ҳаракатли, ўзбошимча киши бўлганидан
Бобур уни ёқтирмас, лекин айнан шу кишининг Марғи-
лонга таклифи туфайли яна ўз салтанатига эга бўлган-
лиги учун ҳам у билан муроса қилишга мажбур бўларди.
Олижаноб ва қувноқ шаҳзоданинг бундай кишини ёқти-
риши мумкин ҳам эмас эди. Мир Али Дўст Бобурнинг
кўнглига яқин кишиларни имкони борича ундан узоқ-
лаштиришга ҳаракат қиларди. Бобур дўст сифатида кў-
радиган Ҳалифани ишдан бўшатди. Иброҳим Сору беклик
ҳуқуқларидан маҳрум қилиниб, зиндонга ташланди. Бо-
бурнинг содиқ вазирларидан бўлган доно ва қобилиятли
Қосимбек эса ишдан қувилди, машҳур саркардалардан
жўплари эса ўз ҳуқуқларидан маҳрум қилинди.

Али Дуст Танбалга ишонар, ўзини яқин тутар, унга қаршилиқ қилувчиларни четга суриб чиқарарди. Ўзини эса шаҳзодалардек тутиб, чексиз имкониятлардан фойдаланган ҳолда иш юритар эди. «Менинг аҳволим қил устида турар ва кўп ҳолларда сукут сақлашга мажбур бўлардим,— деб ёзади ўша вақтдаги сарой тарихчиси.— Жуда кўп номаъқулчиликлар ота-бола томонидан қиллинар эди». Худди шу пайтда (1500 й. март) Бобур Мирзо Самарқанднинг марҳум султони, амакиси Султон Аҳмад Мирзонинг қизи Ойша Султон Бегимга уйланган эди. Аслида Бобур Мирзо ёшлигида бу қизга унаштириб қўйилган эди.

Мовароуннаҳрдаги вазият анча нотинч бўлиб, ҳеч бир шаҳзода бу ерда ҳукмронликни узоқ уддалаб туролмас эди. Бир неча уринишлардан кейин салтанатни эгаллашга кўзи етмаган Муҳаммад Мажид Тархон ва унинг сафдошлари Мўғул Хон ва Султон Али Мирзо билан ҳамкорликда ҳеч бир иш чиқмагач, умид кўзларини Бобур Мирзога тикдилар ва унга ўз хизматларини таклиф этдилар.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, сарой вазиятидан кўнгли зада бўлган Бобур бу таклифга дарҳол кўнди. Самарқанд анчадан буён унинг орзуси эди ва укаси билан сулҳ тузилгач, Самарқанд сари юриши мумкин эди. Шунинг учун у ҳеч иккиланмай, таклифни қабул қилиш ва Аҳсидаги укаси Жаҳонгирга одам юбориб, дарҳол йўлга чиқишни буюрди ва қўл остидаги кичикроқ қўшин билан юришга отланди.

Ўша пайтда июнь ойи бўлиб, юриш учун қулай вақт эди. У эндигина тўрт кунлик йўл босган эдики, Танбалнинг укаси собиқ зиндонбанд Ҳалил Аҳси сулҳидан сўнг озодликка чиққан ва Ёркентга акасининг мол-мулки ва оилаларини олиб келишга юборилган эди. Турли баҳоналар билан вақтни ўтказиб юборган Ҳалил Бобурнинг Самарқандга юришини эшитгач, кучсизроқ ҳимояда бўлган Ўшга ҳужум қилди. Бундай сотқинликни кутмаган Бобур бу воқеадан ранжиган бўлса ҳам, Самарқанднинг обрўли аъёнлари кутиб турганини ва Андижон тахтини темурийлар макони бўлиш Самарқанд тахти билан таққослаб бўлмаслигини тушуниб ўз йўлидан қайтмади. Унга йўл-йўлакай, сафдошлар ва сарбозлар қўшилиб бораверди. Аммо бу орада ҳамиша сергак душмани Танбал унинг отамерос салтанатига бостириб кириб Андижон қалъаси ва атроф қишлоқларни вайрон қилди.

Бу пайтда Бобур Уратепадан ўтиб Самарқандга беш

милча масофадаги Иуратхон (хон юрти — тарж.)га ҳеч қандай қаршиликсиз етиб келганда бу жанг майдонида ўзининг ёлғиз эмаслигини кўрди. Султон Али томонидан икки марта бу ерга таклиф қилинган Туркистон ўзбекларининг сардори Шайбонийхон Сирдарёдан ўтиб, Бухоро тархонларини таслим қилди ва Самарқанд томон ғолибона юриш қилиб келаётган эди.

Иуратхонда Бобур Муҳаммад Мажид Тархон билан бирлашди. Бу эса Самарқанд бойларини, айниқса, Самарқанднинг обрўли аъёнларидан бўлмиш Хўжа Яҳёни ранжитди. Мовароуннаҳрда бундай авлиёларнинг обрўси катта бўлиб, Бобур у билан яхши муносабат ўрната олганда Самарқандга жангсиз кириши ҳам мумкин эди. Андижонда Хўжа Мавлоно қозидан Бобур қандай ёрдам олиб тургани ҳақида биз юқорида гапириб ўтган эдик. Бу пайтда Самарқандда икки ака-ука авлиёлар бўлиб, иккинчиси Хожика Хўжа эди.

Шайбонийхон лашкарлари аввал бошда фақат ўзининг туркий ўзбекларидан иборат бўлган бўлса, ғолибона юришлар натижасида Мўғул Хон аскарлари ва Волга бўйидан Қашғаргача бўлган урушда турли ирқ ва миллат вакиллари ҳисобига кўпайиб келаётган эди. Самарқанд султони Султони Али Мирзони унинг онаси Зухра бегим оқанинг сотқинлиги учун осонгина қўлга олган Шайбонийхон уни ўлимга буюрди, онасини эса ҳарамда сарбозларга қўйиб берди, Хўжа Яҳёни эса Хуросонга сургун қилди. Йўлда уни ҳам қатл этишди. Бобур эса Самарқанд қамалини ёриб чиқиб, Самарқанд беклари билан Кеш қўрғонига йўл олди.

Шу ерда у Самарқанд топширилганини эшитиб, ўзининг хавфда қолганини сизди ва Муҳаммад Мажид билан бирга Хисор Шодмон вилояти томон йўл олди. Чағониён деган жойга етганда бир гуруҳ Самарқанд беклари Хисор ва Қундуз ҳокими Ҳусравшоҳ хизматига ўтиб кетдилар. Лашкарларидан, уйдан ва Ватанидан жудо бўлган Бобур бир нечагина содиқ кишилари билан қолиб, тақдирнинг ёзуғидан таажжубда турар эди. Бобур Ҳусравшоҳ ҳукмронлик қилаётган салтанат ҳудудига яқинлашганда Бойсунғур Мирзонинг ўлимига ҳали бир йил ҳам тўлмаган эди (1499 й, 17 август). Бобур Самарқандни (1497 й) олишидан олдинроқ шаҳарни ташлаб чиқиб кетган Бойсунғур Мирзони Ҳусравшоҳ ўзига келиб қўшилишига ва биргалашиб Балхга юришга таклиф этган ва Бойсунғур Мирзо бу таклифга рози бўлиб, унинг ҳузурига келган эди. Бироқ Ҳусравшоҳ номардларча

уни ва унинг лашкарбоши ва амалдорларини ҳибсга олиб, Бойсунғур Мирзонинг кўзларини ўйиб олди ҳамда ҳаммаларини дорга осишга буюрди ва бутун Хисор вилоятларини эгаллаб олди.

Ўз қариндошларининг қотили бўлган Ҳусравшоҳ ҳукмронлик қилаётган ҳудудда қолишни Бобур ўзига маъқул кўрмади. Муваффақиятсизликлардан ниҳоятда кўнгли чўккан, толиққан Бобур ҳатто Ҳусравшоҳ салтанати ҳудудини кесиб ўтишга ҳам ҳазар қилди ва мўғул чўлларида кўчманчиларнинг каттагина гуруҳига ҳукмронлик қилаётган кичик тоғаси Аҳмад ёки Илочи хон олдига Қоратегин орқали ўтиб боришга ва ундан ёрдам сўрашга қарор қилди. Эҳтимол, Самарқанд сари Хисорнинг улкан чўққиларини ошиб ўтишда, дашту саҳроларда уни яна бирор омад кутиб тургандир.

Камруд водийсига кириб боришда Бобур дарё бўйлаб, унинг эгри-бугри йрмоқлари ва шоввалари оша тоғ оралаб юрди. Ҳамроҳларининг кўплари бу мажбурий дарбадарликдан ҳориган, кийимлари йиртилиб, тоғ чўққиларини ошишдаги азобларга чидамасдан, Бобурнинг омадсизлигидан ноумид аҳволга тушиб, келажакдан эса ҳеч бир омад шарпаси сезилмагач, уни ташлаб кетишди. Унинг бир неча содиқ дўстлари ва хизматкорлар 4—5 кун давомида Бобурнинг омадига ишонч боғлаб чуқур жарликлар тубидан, тор сўқмоқлар бўйлаб тоғ йўлидан сирғаниб, йўл юрдилар.

Кўплаб от ва туялар йўл азобидан ҳолдан тойгач, уларни ташлаб кетишга тўғри келди. Ниҳоят Сиратоқ довонига етиб келдилар.

«Бунчалик тор ва тубсиз йўлдан ҳеч қачон юрмаганман,— деб эслайди Бобур.— Жуда хавфли йўллардан, тубсиз жарликлардан, одам ютадиган ғорлардан ва баланд чўққилардан ўтиб, кўп кишиларимиз ва нарсаларимиздан ажралган ҳолда ҳориб-чарчаб ниҳоятда Фон («Бобурнома»да Кан деб берилган — тарж.) воҳаси чегараларига етиб келдик».

Душманларига чап бериш учун жуда катта масофани айланиб ўтган Бобур тоғнинг ғарб томонидаги Фон (Кан) воҳасига тушгандагина Шайбонийхон келгандан буён бўлиб ўтган воқеалар ҳақида батафсил маълумот олди. Маълум бўлишича, унинг бекари Самарқандни олиш ниятида ҳар тарафга тарқалиб кетган экан. Иброҳим Тархон ўзини Шерозга урган, Қамбар Али Хўжа Дийдор қалъаси шаҳарга яқин бўлгани учун ундан чи-

ҳиб Ёрайлакка кетган ва қалъани ҳимоя қилишга уринган эди.

Фонда (Малик томонидан — тарж) яхши кутиб олинмаган Бобур Самарқанд яқинидаги Кештуд шаҳрига келиб тушди. Шаҳарни талаш билан банд бўлган ўзбеклар душман келишидан беҳабар бўлган бўлишлари ва Бобурнинг келиши уларни лол қолдириши керак эди.

Кештуд вайронага айлантирилиб, у ерда ҳеч ким йўқ эди. Ундан ўтиб Қухак дарёси қирғоғида жойлашдилар. Дарёдан ўтиб Қосимбек бошлиқ бир гуруҳ аскарларни Работ Хужани кутилмаганда босишга жўнатдилар. Улар бориб қалъа деворига энди нарвон қўйишганда шаҳар аскарларига хабар берилиб, оёққа турғазилди ва рақибни тезликда орқага қувдилар. Иброҳим Тархон ҳам аскарлари билан келиб садоқатини изҳор қилди. Бироқ бу ёрдамларга қарамасдан Бобурнинг аскарлари оз, уларнинг ерлари эса душман қўлида бўлиб, улардан ёрдам кутиб бўлмас эди. Шайбонийхон Хўжа Дийдор яқинида етти-саккиз минглик лашкари билан чодир тиккан эди, Самарқандда эса 500—600 кишилик қўшини бор эди. Илгари Бобур лашкарида хизматда бўлиб, кейин Шайбонийхонга ўтиб кетган Ҳамза Султон ва Махди Султон икки мингга яқин сарбози билан яқин атрофга жойлашган эди.

Бобурнинг эса бор-йўғи 240 кишилик қўшини бўлиб, шаҳарга қўққисдан хужум қилибгина уни эгаллаш мумкин эди. Даштлик ўзбекларнинг ваҳшийлигидан безор бўлган шаҳар халқи Бобурни ўзининг қадрдон султони сифатида кутиб олиб, унга ёрдам бериши мумкин эди. Бордию ёрдам бермаганда ҳам, даштний ўзбекларнинг ёнини олиб Бобурга қарши жанг қилмасдилар. Ана шундай умид билан Бобур чошғоҳдан сўнг йўлга чиқиб, ярим кечада шаҳарга — Иуратхонга етиб келишди. Шаҳардагилар бундан хабар топиб, қаршилик кўрсатдилар ва Бобур сарбозлари яқин боришга журъат қилмай, эргалаб Ёрайлакка қайтиб кетишди. Қўйидаги ҳолатлар Бобурнинг бу ташвиш билан қанчалик хаёлан банд бўлганини кўрсатади. «Бир кун, — деб хотирлайди Бобур, — Асфидак қўрғонинда бир неча яқин кишиларим билан суҳбатлашиб ўтирар эдик. Суҳбат ҳар хил мавзуда борар эди. Мен айтдим, қани айтингларчи, худо буюрса, Самарқандни қачон оламиз? Баъзилар «Баҳорда» дейишди. У пайтда йиғим-терим пайти (кўз) эди. Баъзилар «бир ойда» дедилар, «Қирқ кунда,» деди кимдир, яна кимдир, «Йи-

гирма кунда», деди. Нуён Кукалдош: «Икки ҳафтада оламиз», деди. Тангри унинг сўзларини рост келтирди. Биз ўн тўрт кунда Самарқандни олдик.

Худди шу кунларда ажойиб туш кўрдим. Тушимда ҳурматли Хўжа Убайдулло келган эмиш. Мен уни чиқиб кутиб олдим. У ичкари кириб ўтирди. Унга дастурхон тузалди, лекин дастурхонга етарлича эътибор берилмаган эди. Бу эса Улуғ Ҳазратни ранжитди. Мулло Бобо буни кузатиб менга ишора қилди. Мен ҳам, бу менинг ишим эмас, дастурхон ёзган кишининг ишидир, деган ишорани қилдим. Хўжа бўлиб ўтган ишни тушунди ва менинг узимдан қониққандай бўлди. У ўрнидан турганда мен уни кузатишга чиқдим. Айвонга чиққанда бир қўлимдан ушлаб, шундай баланд кўтардики, бир оёғим ердан ўзилди. У туркий тилда: «Шайх маслаҳат берди», деб айтди. Ана шу тушдан бир кун кейин мен Самарқандни олдим».

Биринчи муваффақиятсизликдан чўчимаган Бобур яна бир бор таваккал қилишга қарор қилди. Пешиндан кейин уз қароргоҳидан чиқиб шаҳар томонга оқадиган Мағок дарёси устидаги кўприкка ярим кечада етиб келдилар. Шу ерда тўхтаб, етмиш-саксон энг яхши кишиларини олдинга юбориб, сездирмай деворга қўйиладиган шотилар билан Ошиқлар ғори деб аталган жойнинг рўпарасидан деворга чиқишни тайинлади. Деворга чиққач, улар Феруза дарвозасига келиб қўриқчиларни ўлдириб, дарвозани олишлари ва кейин Бобурга хабар қилишлари лозим эди. Деворга бўлган ҳужум удаланди. Соқчиларга сездирмай девор устига чиқилди. Ҳужумчилар қалъа девори устидан юриб, дарвоза соқчиларини бошлиғи билан ўлдириб, болта билан қулфни синдирдилар ва дарвозани ланг очдилар. Шу заҳотиёқ Бобур етиб келиб ичкари кирди ва ҳамроҳларидан илгариллаб кетди. Лекин тезда улар ҳам келиб қўшилдилар. Улар келганда шаҳар аҳли қаттиқ уйқуда эди. Шовқин-сурондан уйғонган дўкандорлар қўрқув аралаш эшикларидан мўралар, нима ҳодиса бўлаётганини эшитибок тушунгач, хурсанд бўлишарди. Шаҳар халқи Бобурнинг келганини эшитибок даштий хўжайин (Шайбонийдан—тарж) дан безор бўлгани учун уни олқишлар эдилар. Улар дарҳол оёққа туриб, ўзбекларни тутиб таёқлар билан уриб беш юзга яқинини ўлдирдилар. Шаҳар доруғаси (ҳокими) дарҳол савдогар ва дўкандорлар каби ёш Султонни қутлагани Хонақога келди, уларга озиқ-овқат, кийим-кечаклар келтириб, дуо қилдилар.

Бобур тўғри Улуғбек мадрасасига келиб, у ерда улкан супага чиқиб ўтирди ва кутловларни қабул қилди. Тушга яқин ўзбеклар шаҳардан қувиб чиқарилган бўлса ҳам, Темир дарвозани ҳалиям эгаллаб тургани ҳақида хабар келди. Бобур дарҳол атрофига ўн беш-йигирма йигитини олиб шу ерга етиб келди. Маълум бўлишича, сломон уларни шаҳардан қувиб чиқарган экан.

Қуёш чиқаётганда Шайбонийхон юз-элликтача отликлари билан Темир дарвозага етиб келганда шаҳарнинг қўлдан кетганига ишонч ҳосил қилди. Шошилишда у асосий лашкарларини орқада қолдириб келган эди. «Бу жуда ажойиб имконият бўлган эди,— дейди Бобур,— лекин менинг кишиларим жуда оз эди. Шайбоний ўзининг кечикканини сезиб, асосий кучларини кутиш учун орқага қайтди.»

Бобур бу пайтда ўн саккиз ёшда бўлишига, ҳали тажрибасиз, кўп иш кўрмаганлигига қарамай, ўзининг баҳодирона руҳи ва узоқни кўра билиши (нозик диди) туфайли бу улкан ғалабани қўлга киритди.

Бобур бу ғалабани Ҳусайн Бойқаронинг (Ёдгор Мирзодан—тарж) усталик билан Ҳиротни тортиб олиши билан қиёслаб, унинг тажрибали подшоҳ бўлганини, ўзининг эса ҳали ёш эканини таъкидлаб, устиворлигини кўрсатади. Бобур ўзини буюк пойтахт тахтида кўриб турган бўлса ҳам, ҳали қиладиган ишлари жуда кўп эди. Ўз тахтини ана шундай шиддат ва жасорат билан ҳимоя қилиши лозим эди. Унинг ғаними кучли эди, мамлакат эса тарқоқ ҳолда, унинг қўшини эса жуда оз эди. Хайриятки, у вазиятни яхши тушунарди. Вазиятни яққол кўриш, тарафдорларини ва рақиб ҳаракатини ўз кўзи билан кузатиш учун шаҳар ташқарисига чиқиб, Боғсаройга жойлашди. Ерлик аҳоли бу ерда уни мамнуният билан кутиб олди.

Улкан шаҳарнинг маданиятли, обрўли, нозик табнат кишилари даштий ўзбекларнинг очкўзлигини, қўпол хатти-ҳаракатларини, ғалати ваҳшийсифат кийимларини кўрқув ва нафрат аралаш кузатиб турар эди.

Дехқонлар ва қишлоқ аҳолиси ҳам талончи ва сурбет душмандан қутулганига хурсанд эди. Ёш Султоннинг (Бобурнинг—тарж) Самарқанддаги муваффақиятини эшитиши биланок жуда кўп қалъалар унинг қўлига топширилди. У ердаги ўзбеклар ва соқчилар қувилмасданок қочиб қолдилар. Айрим қалъалар аҳолиси эса ўзбек аскарларга қарши туриб, янги ҳужумдан сақланиш учун шаҳар деворларини мустаҳкамлашга киришдилар.

Шу муваффақиятсизлик кунларида Шайбонийхон ва унинг аъёнларининг хотини ва оилалари ўз юклари билан анча бойроқ ва иқлими муътадилроқ шаҳарда яшаш учун Туркистонга етиб келди. Шайбонийхон ҳалиям Самарқанд атрофидан кетолмай изғиб юрарди. Бутун мамлакат аҳолисининг ўзига душманлик қилаётганини, барча қалъаларининг зудлик билан Бобур қўлига ўтаётганини кўрган Шайбоний тез орада лашкарини чақириб олиб, Самарқанддек шаҳри азим унинг қўлидан чиқиб кетганига ўкиниб, Бухоро томон йўл олди.

Омад Шайбонийдан юз ўгирган эди. Кейинги уч-тўрт ой ичида Самарқанд ва Бухоро ўртасидаги Сўғд ва Миёнқалда жойлашган энг мустаҳкам қалъалар Бобурга бўйсунга бошлади. Самарқанд жанубидаги Аму тарафдаги Ғузор ва Қарши қўрғонлари Бухорода ҳукмрон бўлиб турган Боқи Тархон ихтиёрига ўтди. Бухоро жанубидаги Қорақўлни эса Аму ортидаги Марвдан келган кўшинлар эгаллади. Ўзбеклар ҳар тарафдан қувилиб фақат Бухоро атрофида тўпландилар.

Бобурнинг ишлари шу қиш ичи анча юришиб турган бўлса ҳам, уни хавф ва душмандан ҳолис деб бўлмас эди. Ўзбеклар аҳолиси ва бойлиги кўп бўлган Бухорони эгаллаб олган ва атроф даштдаги кўчманчилар билан яна қилич яланғочлаб ваҳшиёна юриш бошлашлари мумкин эди. Бир юз қирқ йилдан буён Бобур авлодларининг пойтахти, санъат ва билим маскани ва бой салтанат бўлиб келган Самарқанд кейинги йилларда ҳокимият бошқарувида йўл қўйилган хатоликлар ва тез-тез юз бериб турган исён ва ўзаро урушлар туфайли кучсизлашиб қолган, унинг бойликлари таланган, ҳарбий қудрати эса анча сусайган эди. Буларни қайта тиклаш учун эса анча вақт талаб қилинар эди. Бироқ вақт тигиз эди. Шунинг учун Бобур ён атрофидаги темирйиллар салтанати ҳукмдорлигига элчилар юбориб, улардан ёрдам сўради. Ўзининг ота юртидан Танбал фақат юз киши юборди, тоғаси Султон Маҳмудхон Тошкентдан тўрт-беш юз кишилик қўшин юборди, энг қудратли шоҳ бўлмиш Ҳусайн Мирзо (Бойқаро)дан эса ҳеч ким келмади, унинг ўғли Бадруззамон ҳам Балхдан ҳеч кимни юбормади. Хусравшоҳ ҳам Қундуздан ҳеч кимни юбормади. Шунинг учун Бобур фақат ўзининг кучларигагина таяниши мумкин эди, холос.

Шайбонийхон чекинишни маъқул кўрган бўлса ҳам, унинг қудрати ҳали тўла синдирилмаган эди. Эрта баҳорда у яна қўшин тўплай бошлади. Қорақўлни эгаллаб

олганлар уни сақлаб туролмас эди. Шайбоний ҳужум билан Сўғддаги Дабусий қалъасини олди. Бу эса Бобурни май ойининг бошида жанг майдонига ҳозирлик кўришга чорлади ва Бухоро сари йўлга чиқди. Шайбоний унга қарши юриб, тўрт мил масофага келиб чодир тикди. Бобур ўзи жойлашган атрофни хандақлар билан қўрғон қилиб ўраб мустаҳкамлади. Олдинги илғор гуруҳлар ўртасида қисқа урушлар бўлиб турди. Шайбоний бир кечадаёқ босиб олмоқчи бўлиб уринди-ю, бироқ қалъанинг мустаҳкамлиги ва яхши қўриқланаётганини кўриб, орқага қайтди. Жангнинг зарур эканини сезган Бобур унга тайёргарлик қила бошлади. Икки кун ичиде унга 2—3 минг кишилик қўшин келиб қўшилиши керак эди. Мунажжимлар унга нотўғри маълумот беришди. Айтишларича, саккиз юлдуз бугун ҳар иккала қўшин ўртасида эмниш. Уша пайт тақозосига кўра қўшин тўрт қисмга бўлинди: илғор, ўнг қанот, чап қанот ва марказий қўшинлардан иборат бўлди. Самарқанддан Бухоро томон оқадиган Кўҳак дарёси бўйида рақибга рупара бўлдилар. Душман сон жиҳатидан устун турар, ўнг қанотдагилар Бобурнинг чап қанотидаги аскарларидан устунлик қила бошлади. Кейинроқ марказий қисмда ҳам қаттиқ жанг бўлиб, душман ғолиб кела бошлади. Бобур атрофида 10—15 киши қолган эди. Улар билан дарёга тушиб, чуқур жойларида сузиб нариги қирғоққа ўтдилар. Душман уларни таъқиб қила олмас эди. Уша кунни кечқурун дарёнинг юқорироқ қисмидан яна кечиб ўтиб Самарқандга кириб келдилар.

Ҳеч қайси жанг бунчалик талафотли бўлиши мумкин эмас эди. Бобурнинг жуда кўп жасур йигитлари ва тажрибали қўмондонлари шаҳид бўлдилар. Улар орасида Иброҳим Тархон, Иброҳим Сору, Танбалнинг укаси Ҳалла ҳамда унинг энг яхши жангчилари майдондан қайтмадилар. Қочоқлар ва ваҳимачилар қувиб бориб таландилар ва чоғиб ташландилар.

Айниқса, Бобурнинг ўнг қанотидаги мўғуллар жуда фаол қатнашдилар. Жангдан омон чиққанлар эса Шайбонийга қарши курашишнинг иложи йўқ деб, ҳар томонга қоча бошладилар. Муҳаммад Мажид Тархон бир вақтлар келиб Бобурга қўшилган эди, энди эса Қундузга, Ҳусравшоҳ ҳузурига қочди, баъзилар Уратепага қочди, Қамбар Али ва бошқалар Самарқандга келиб онласи ва юкларини олиб, шаҳардан чиқиб кетди. Бобурга умид билан қараганлар эса жуда оз қолди. Бобур вақтини қўлдан бой бермай тезда содиқ қолган бекарлар ва сарбоз-

лар билан кенгаш ўтказди. Шаҳарни охириги имконият-гача мудофаа қилишга қарор қилинди. Ёш Султон ўз қароргоҳини шаҳар маркази яқинидаги Улуғбек мадрасаси устига ўрнатиб Қосимбек билан мудофаани бошқариб турди. Бошқа беклар ва лашкарбошилар шаҳар дарвозаларига бўлиниб ҳар бирига алоҳида мудофаа қилиш учун жой ажратилиб берилди.

Икки-уч кун ичида Шайбонийхон келиб шаҳар яқинига жойлашди. Шаҳар атрофидаги қишлоқ ва овуллардаги бекорчилар аввалги ҳужумларидан руҳланган ҳолда Шайбоний аскарларига тўп-тўп бўлиб ҳужум қилиб турдилар. Улар кўпинча мадраса ёнига келиб «Сардоримизга шон-шараф» деб қичқиритиб, урушга чорлар эдилар. Шайбонийхон эса лашкари кучли ва кўп сонли бўлишига қарамай шаҳарга яқин келмай, уни қамал қилиб ётар эди. Бир кун Шайбонийхон темир дарвозага ҳужум уюштирди. Уни қўриқлаб турган соқчи сарбозлар шаҳар ташқарисига анча узоқлаб чиқдилар ва талафот билан қайтдилар. Шаҳар энди бутунлай қамалда қолган эди. Озиқ-овқат ва ичимлик сув, отларга эса ем-хашак етишмас эди. Баъзи кунлар Бобур Мирзо ўзи ёки ҳамроҳ сарбозлар билан ҳимояни кўздан кечириш учун кечки пайтдан тонг отгунча қалъа деворлари устида юрар эди. Шайбонийхон тез-тез Темир дарвоза ва Шайхзода дарвозаси орқасида жанг уюштириб турарди. Мудофаада турган беклардан Кучбек, Шоҳ Суфи ва бошқалар яхши жасорат кўрсатдилар. Душман қалъа деворига тирмашганда Кучбек икки марта мақтовга лойиқ жасорат кўрсатди. Ҳар тўрт ойгача Шайбонийхон ноғора чалиб шовқин-сурон билан ҳужум қилса ҳам шаҳарни ололмади. Лекин очлик, сувсизлик қамалдаги шаҳар аҳолисининг тинч-мадорини қуритган ва қаршилик қилишга имконият қолмаган эди. Юборилган элчиларга жавобан ҳеч қандай ёрдам келмади. «Агар ёрдамни куттишга илтиж бўлганда ёки бирон-бир озуқа бўлганда эди, мен ҳеч қачон унга (Шайбонийга) қўлоқ солмаган бўлар эдим»,— дейди Бобур. Ана шундай тазйиқ остида Шайбонийнинг таслим бўлиш ҳақидаги таклифига Бобур рози бўлди ва тун ярмида Шайхзода дарвозасидан чиқиб шаҳарни тарк этди. Унга онаси Қутлуғ-Нигор хоним ҳамроҳ бўлди. У билан иккита аёл Бечка халифа ва Минглик Қукалдош чиқди. Бобурнинг эгачиси Хонзода Бегим Шайбоний қўлига тушди. Бу мағлубият ҳақида Бобур истамайгина, қисқача гапириб ўтади. Лекин унинг жияни Ҳайдар Мирзонинг айтишича, Бобурнинг опаси

Хонзода Бегимнинг Шайбонийхонга тегиши ўша сулҳнинг асосий шартларидан бири бўлиб, Бобурнинг шаҳардан беҳалал чиқиб кетишининг кафолати эди. Хонзода Шайбонийдан ўғил кўрди, лекин бу ўғил ёшлигидаёқ вафот этди. Самарқанд қамали беш ой давом этиб, 1501 йилнинг сентябрида шаҳар қамалдан қутулди. Қисқа вақт ичда шаҳарни икки марта қўлга киритиб, икки марта бой берган Бобур шаҳардан қувилгандан кейинги саргузаштларини жуда қизиқ баён қилади.

Самарқанддан чиқаётганда у ўн тўққиз ёшда эди. «Тун қоронғусида Сўғднинг ирмоқлари орасида анча уриниб, йўлдан адашдик. Анча қийинчиликлардан сўнг тонга яқин Хўжа Дийдор қалъаси ёнидан ўтдик. Бомдод намози пайтида Қорабуғи тепаликларига келдик, унинг шимол томонидан ўтиб, Ҳардек қишлоғининг пасти ки қисми билан Илон Ўти томон юрдик. Йўлда Қамбар Али ва Қосимбек билан от пойга қилдик. Менинг отим ўзиб кетди. Мен улар қанчалик орда қолиб кетганини кўриш учун ортага қайрилган эдим, эгарини қайшии узилиб кетди. мен бешим билан ерга йиқилдим. Мен дарҳол ортага қайта миридим-у, лекин кечгача ўзимга келолмадим, бутун олам кўз олдимдан ўтиб, кўзим тинди. Пешин намозидан сўнг Илон Ўтига келиб бир отни сўйиб, тилик-лаб кабоб қилиб едик. Бир оз отларга дам бериб, тонг сотишидан аввал Халилиялан ўтиб Жиззахга келдик. Бу ерда Тоҳир Дулдой ҳоким эди. Биз бу ерда семиз гўштлар, тоза буғдой нонлар, ширин қовунлар ва энг яхши узумларни арзон нархда сотиб олиб едик. Шундай қилиб, ана шундай қийинчиликдан мана бундай хурсандчиликка, ўшандай хавфдан, мана бундай омонликка чиқдик. Ҳаётда бунчалик ҳузур қилмаган эдим, ҳаётимда ҳеч қачон ана шундай азоб ва тушкунликдан мана бундай ҳузур-ҳаловат ва хурсандчиликка тушмаганман. Икки-уч кун Жиззахда дам олиб ҳордиқ чиқарган, Ўратепа томон йўл олдик». Йўл-йўлакай улар Пошогарга кириб бир оз айланиб кейин йўлда давом этдилар.

ШАЙБОНИЙХОННИНГ ТОШКЕНТ ВА ФАРҒОНИ ОЛИШИ. БОБУРНИНГ ҚУВИБ ЧИҚАРИЛИШИ

1501 йил. Бу пайтда Фарғона давлати Жаҳонгир Мирзо ва Султон Аҳмад Танбал қўлида эди. Бобур ўзининг эски мулкига қайтиб боришга таваккал қилмади. Ўратепада Бобур холасининг эри Муҳаммад Хусайн Мир-

зо Дуғлат ҳукмдор эди. Қувилган Бобур унинг олдига келганда унга Деҳқат қишлоғида қишлошга рухсат берилди. Бобур у ерда юкларини қолдириб Тошкентга, тоғаси Султон Маҳмудхон ҳузурига йўл олди ва у ерда онасининг кўпгина қариндошлари билан учрашди. Бобурга Уратепани беришга Хон кўндирилган эди, бироқ у Уратепага келганда Муҳаммад Хусайн Мирзо Султон Маҳмудхон билан хуфиёна келишган ҳолда қалъани беришдан бош тортди. Шунинг учун Бобур тоғлар орасида жойлашган бир қишлоқда истиқомат қилишга мажбур бўлди. Бу қишлоқнинг аҳолиси туркий эмас, балки сартлар ёки тожиклар бўлса ҳам, даштликлар сингари мол, қўй ва йилқи боқиш билан шуғулланар эди. Уларнинг қўйлари қирқ мингдан ортиқ эди. Бобурнинг одамлари деҳқонлар ва чўпонлар уйларида яшадилар. Тушқунлик ва омадсизликдан ҳориган Бобурнинг кўнгли шу ерда бир оз таскин топгандай бўлди.

«Мен шу ернинг оқсоқолларидан бирининг уйида яшадим,—деб ҳикоя қилади Бобур.—У 70—80 ёшлардаги кекса киши бўлса ҳам, унинг онаси ҳалиям ҳаёт бўлиб, ёши бир юз ўн бирда эди. Ўша аёлнинг қариндошларидан бири Темурбек лашқари билан Ҳиндистонга юриш қилганда унга ҳамроҳ бўлган экан. Ўшанда бўлиб ўтган воқеалар бу кампирнинг хотирасида яхши сақланиб қолган бўлиб, бизга у ҳақда кўп гапириб берар эди. Деҳқат қишлоғининг ўзидаёқ бу кампирнинг невара, чевара ва эваралари яшар, агар вафот этганларини ҳам қўшса, улар жами 200 га етар экан. Унинг эвараларидан бири 26 ёшли қора соқолли йигит эди. Деҳқатда турганимда яқин атрофдаги тоғларда ялангоёқ кезиб юрдим. Ялангоёқ юришдан оёқларимнинг териси шу даражада дағаллашиб кетган эдики, ҳатто айрим қоя ва тошларни оёғим сезмай қолган эди. Ана шундай сайр кунларининг бирида пешин ва аср намози пайти орасида сўқмоқ бўйлаб сигир ҳайдаб кетаётган бир йигитни учратдим. Мен ундан йўлни кўрсатиб беришини сўрадим, у эса сигирдан кўз узмасдан унинг ортидан катта йўлга чиққунча юришимни ва ўшандагина қаерда эканимни билишимни айтди. Бу ҳазилдан кулган ҳамроҳим Хўжа Асадулло: «Сигир йўлдан адашса, биз ақлли одамлар нима қиламиз?»—деди. Биз кулишиб йўлда давом этдик».

Бу чекка қишлоқдаги кекса кампирнинг Ҳиндистон муъжизалари ҳақидаги ҳикоялари, эҳтимол, ёш шахзоданинг қалбини алангалатган, ўша узоқ ўлкаларга саёҳат

қилиш фикрини қўзғотган бўлса ажаб эмас. Бу орзуни рўёбга чиқариш нияти эса уни кейинроқ ўз ҳаётида улкан муваффақиятларга олиб келди.

Қиш келиб, унинг ҳамроҳларидан баъзилари Андижонга қайтиб кетишга рухсат сўрай бошладилар. Унинг бош вазири Қосимбек, мана шу фурсатдан фойдаланиб, кетувчилар орқали укаси Жаҳонгир Мирзога бирорта кийинини совға тариқасида бериб юборишини маслаҳат берди. «Унга оқ сувсар телпагимни юборишга келишдик. Танбалга ҳам бирор нарса совға қилсак нима қилади?— деб сўраб қолди бек яна. Бу фикр менга маъқул бўлмаса-да, Қосимбекнинг тазйиқи остида Нуён Қўқалдошнинг Самарқандда тайёрлатган катта қиличини олиб Танбалга юбордим». Кейинроқ бўлиб ўтган воқеаларда Бобурнинг бошига келиб тушган худди ўша қилич эди.

Бобур шу тарзда ҳаёт кечираркан, Шайбонийхон Самарқанд ва унинг атрофидаги ҳудудларни эгаллай бошлагач, мўғул хони билан иккаласи ўртасида келишмовчилик пайдо бўлди ва бу муносабат душманликка айланди.

Мўғул хони Шайбонийнинг барча муваффақиятларини шу кунгача қувватлаб, ўзининг ғамхўрлиги остида бу ишлар амалга ошаётганини кузатиб турар эди. Бироқ Шайбонийхоннинг Сирдарёдан ўтиб Шоҳруҳия ва Бешкент деворларигача борганини эшитиб ғазабга тўлди. Бундан хабар топган Бобур тоғасига ёрдам бериш учун отланди. «Жуда қаттиқ совуқ эди,— деб эслайди Бобур,— Ходарвеш даштининг шамолли кучли эсар ва бадан-баданимиздан ўтиб кетар эди. Совуқнинг кучидан икки-уч кунда икки-уч шеригимиздан ажралдик. Мен ғул қилиш заруратини сездим ва шу мақсадда дарё ўртасидаги совуқ оқимдан ҳали музлаб улгурмаган ирмоққа тушиб, ўн икки марта шўнғидим. Қақшатқич совуқ бадан-баданимдан ўтиб кетди. Сирдарёдан ўтиб Бешкентга келгач, Шайбонийнинг бу атрофдан кетганини эшитдим». Бу ҳақда Хонга хабар жўнатгач, Бобур Оҳангарон томон йўл олди ва у ерда яқин қариндоши (тутинган оғаси) Нуён Қўқалдошнинг ўлганини эшитди.

«Ҳақиқатни ҳеч ким билолмасди,— дейди Бобур,— унинг ўлими менга жуда қаттиқ таъсир қилди. Бир ҳафта — ўн кунгача йиғлаб юрдим». Шаҳзодадаги бунчалик кўнгилчанлик кишини ҳайратга соларди. Унинг кишиларга бўлган муносабати ҳамиша самимий ва манманликдан узоқда эди. Яна у қишлаш учун Деҳқатга қайтиб келди.

Баҳор келиши билан Шайбоний Уратепага юриш қилди. Деҳқат пастликдаги қишлоқ бўлгани учун Бобур уни ташлаб, Оббурдон орқали тоғ устидан Масихо қишлоғига келди ва у ерда анча туриб қолди. Бобурдек шаҳзоданинг ҳаётида қизиқ воқеалар шунчалик кўп бўлгандики, осийлик шаҳзодалар тарихи бунга сира ўхшамайди. Бу ҳикоялар жуда узун бўлса ҳам, биз унинг баъзи жойларини эътиборингизга ҳавола қиламиз. «Оббурдон — деб ҳикоя қилади Бобур,— Масихо қишлоғидан қуйроқда жойлашган. Ундан қуйроқда бир булоқ бор, булоқ бўйида эса битта қабр (тоши) бор. Бундан юқориси Масихога тегишлидир. Булоқнинг қуйи қисми эса Елғор (Поллар бўлиши керак. тарж)га тегишли жойлар эди. Булоқ бўйидаги тошга бир байтни ўйиб ёздирдим». У Масихо (Масчо)да эканида шоир Мулла Ҳижрий зиёратга келди. Қувғиндаги ҳаётини бир оз юмшатиш ва ўзини юпатиш мақсадида Бобур ўз она тили бўлмиш туркийда ғазаллар машқ қилиб турди.

Шайбонийнинг Уратепага юришини эшитгач юк анжомларини Масихода қолдириб, аскарни ва аслаҳаларни озлигига қарамай, тун охирига Деҳқатдан қуйроққа, душманга бир оз зарба бериш учун тушдилар. Лекин Шайбоний ҳамма ёқни талаб кетиб бўлган эди. Бобур яна изига қайтди. Бу ерда ўзининг аҳволини яна бир бор таҳлил қилиб кўрди. Уйсиз, Ватансиз бу тоғлар орасида санқиб юриб, беҳуда вақт ўтказишнинг ҳеч қизиғи йўқ эди. Шунинг учун у яна бир бор тоғаси олдига бориб, уни ўз фойдасига кўндиришга уриниб кўрмоқчи бўлди. Шу мақсадда у Қурбон ҳайти қуни Оббурдон орқали Шохруҳияга келди ва унинг пойтахти Тошкентда Хон билан учрашди. Қосимбек эса мўғуллар билан жанжаллашиб қолгани учун, ажралиб Хисорга кетди. Худди шу пайтда Танбал ўз қўшинлари билан Хонга қарши йўлга чиққан эди. Оҳангаронда Қамбар Али бошчилигида қочдилар ва Хонга қўшилдилар. Бундан чўчиган Танбал қайтиб дарёни кесиб ўтди ва Уратепа томон йўл олди. Танбалнинг бу юриши Хонни чўчитиб қўйди. У қўшинни йиғиб кўриқдан ўтказди ва Сирдарё томон йўл олди-ю, бироқ Уратепага етмай орқага қайтди. Бобурнинг таъбирича, бу юриш беҳуда юриш бўлиб, бунда Хон на бирорта қалъани қўлга киритди ва на бирорта душманни ўлдирди. Бундай бўшанглик ёш Бобурнинг ғайрат-шижоатига сира мос келмас эди.

Бобурнинг бу ерда ўтказган кунлари уни сира қониқтирмас эди. Чунки унинг на уй-жойи, одамлари ва на

ҳокимияти бор эди. У саройга тоғаси олдига кирганда баъзан бир ёки икки киши унга ҳамроҳлик қилар эди. Саройда худди ўз уйида юргандек, ялангбош, ялангоёқ юрар эди. Лекин онаси ўз қариндошлари даврасида эди. Бобур тез-тез бувиси Шоҳ бегим билан учрашиб турар, зериккан пайтларида ғазал битишни машқ қиларди.

Анча муддат қийинчиликдан сўнг, Бобур тоғасига ўз режаларини баён қилиб, Хоннинг укаси Султон Аҳмадхон билан биргаликда Шайбонийхоннинг йўли тўсимаса, кейин кеч бўлиб қолишини айтмоқчи бўлиб турган пайтда Султон Аҳмадхон Бобурга бир қатор мўғулча сарпо ва эгарланган от совға қилиб, Мўғулистондан келиб қолди.

Султон Аҳмадхон ўзи билан бир ярим мингга яқин навкар олиб келган эди. Шундай бўлса ҳам ака-ука хонлар Андижонга—Аҳмад Танбалга қарши ҳужум қилишга қарор қилдилар. Бироқ улар Шайбонийхоннинг Танбалга ёрдамга келиши ёки Тошкентга юриб қолиши мумкинлигидан хавфсирар эдилар. Шунинг учун Тошкентда Султон Маҳмудхоннинг катта ўғли катта куч билан Шайбоний йўлини тўсиш учун Муҳаммад Ҳусайн Мирзога ёрдамчи куч юборилди. Ака-ука хонлар ўттиз минг кишилик қўшин билан тоғ оша Ахсининг ғарбига қараб юрдилар. Танбалнинг диққатини жалб қилиш ва унинг орқасидан айланиб ўтиш учун Бобур мўғуллардан иборат қўшин билан Ўш ва Ўзган томонга юрди. Танбал хонларга қарши ўз кучларини Ахсида тўплаб турган эди. Ака-ука хонлар ўз жиянлари юрtingа нима мақсадда юриш қилганини Бобур аниқ изоҳлаб бера олмайди. Кейинги воқеалар эса, улар Бобурни баҳона қилиб бу ўлкани ўзлари учун босиб олмоқчи эканликлари сезилиб қолди.

Бобур Сирдарёни кечиб, Ахсининг шимолидан ўтиб Ўш ва унинг атрофларини осонлик билан қўлга олди. Маҳаллий аҳоли уни олқишлар билан кутиб олди. Қашғар чегарасида турган, Фарғона давлатининг аввалги маркази бўлмиш Ўзган ҳам ўзининг ҳомийлигини кўрсатди. Марғилон халқи ҳам Танбалнинг аскарларини қувиб чиқариб Бобурга қўшилди. Шундай қилиб қисқа вақт ичида Андижонни ҳисобга олмаганда Сирдарё жанубидаги бутун ўлка Бобурни шоҳ сифатида тан олди. Танбал эса Ахси қалъасида кучли қўшин билан урунга ҳозирланиб ётарди.

Бобур андижонликлар сабрсизлик билан кутаётганига ишонган ҳолда шаҳардаги дўстлари билан алоқа ўр-

натиш ва кутилмаганда шаҳарни олиш мақсадида тунда икки гуруҳ қўшин юборди. Лекин келишилган шартли белги (пороль) ни тушунмаган мўғуллардан иборат икки гуруҳ тунда бир-бирини душман фаҳмлаб ўзаро уруш чиқишига сабаб бўлдилар ва чекиндилар. Танбалнинг аскарлари Ахсидан қоча бошлаганини эшитган Бобур Ушдан тўғри Андижонга юра бошлади. Йўлда у Танбалнинг укаси озроқ қўшин билан шаҳарга чекинаётганини ва улар тезда шаҳарни топириши мумкинлигига ишонч ҳосил қилди.

Бу орада Бобур Танбалнинг Ахсидаги ерларидан воз кечиб, Андижонга чекигани ҳақидаги хабарни эшитди ва хотиржамлик билан Хоқон арғидан кечиб ўтиб, шу яқин атрофдаги қишлоқда назоратчиларга ҳафсаласизлик билан қараб ухлаб қолди. Ярим тунда душман бостириб келгани ҳақидаги шовқин-сурон билан уйғониб, атрофдаги ўнга яқин кишилари билан сапчиб отга миниб, Танбалнинг ўзи бошлиқ бўлган гуруҳга дуч келди. Шу орада унинг ўнг болдирига камон ўқи келиб тегди ва бунинг устига рўпарасидан чиққан Танбал зарб билан бўйнига қилич солди ва унинг зарбидан Бобур анча додираб қолди-ю, лекин ўзини йўқотмади. Бу қилич ўша Бобур Масихо қишлоғидан савға қилиб бериб юборган қилич эди. Қилич зарбидан Бобур кийган дубулға қирқилмаган бўлса ҳам унинг бошига анча зарба етган эди. Бу орада яна бир зарба келиб унинг садоғи (ўқдон)га тегди. Атрофида душман кўпая бошлади ва қолган учтўрт киши билан чекинишга мажбур бўлди. Душман қаршилигини ёриб чиқиб, атроф йўллар билан Уш томон жўнадилар. Уша жангда анчагина тажрибали жангчилар ҳалок бўлдилар.

Танбалнинг қувончи узоққа бормади. Чунки уни таъқиб қилиб келган мўғул хонлари Ахсидан Андижонга етиб келган эдилар. Бобур ҳам Ушдан келиб уларга қўшилди. Шу орада Султон Маҳмудхон Андижон ва дарёнинг қуйи қисмидаги ерларни узоқдан келган укаси Султон Аҳмадхонга беришга қарор қилганини эълон қилди. Бобурга эса Ахси берилди. Султон Аҳмаднинг бу ерда бўлиши Шайбонийга қарши Самарқандга биргалашиб юришга имкон беради деб асосланди. Самарқанд олингач, у Бобурга берилиб Ахси ҳам Султон Аҳмадхонга берилиши мўлжалланган эди. Бундай тақсимотдан Бобур норози бўлса ҳам, унга кўнишдан бошқа илож йўқ эди. Султон Аҳмад билан хайрлашиш учун бир қўлида ҳасса билан оқсоқланиб келганида ёш хон Бобурни чодир ар-

қонларигача келиб кутиб олди ва уни қўлтиқлаб, унинг қаҳрамонларча жанг қилганини айтиб мақтади. Чодир ичидаги аҳвол, уй анжомлари ва меваларнинг қўйилиши Бобурга ёқмади. Чунки бутун умрини даштда ўтказган мўғулча ҳаёт тарзи шунн тақозо этар эди. Ёш хон ўз жарроҳини чақиртириб, Бобурнинг болдиридаги ярасига малҳам қўйиб боғлаттирди. Бобур жарроҳнинг ўз ишини усталлик билан бажарганига қойил қолди.

Ахсига кетаётиб Бобур йўлда Косон йўлидаги Навкенд ва Ахсидаги энг кучли қалъалардан бўлган Попни қўлга олди. Бу орада Андижонда қамалда ўтирган Аҳбал Танбал Ахсидаги укаси Шайх Боязид орқали Бобурга таклиф айттирди. Бу таклифга кўра, Бобур Танбал билан бирлашиб, Андижондан мўғулларни чиқариб юбориши керак эди. Лекин Бобур ўз тоғаларидан воз кеча олмас эди ва уларни бу гапдан хабардор қилди. Улар Боязидни ҳибсга олишни буюрдилар. Бобур Ахсидаги ташқи қалъада отасининг саройини эгаллади. Қамалда ўтирган Танбалнинг бу режаси амалга ошмагач, Шайбонийга одам жўнатиб, унга Фарғона давлатини топширишини, бунинг учун қўшин билан келиб Андижондан ака-ука мўғул хонларини қувиб чиқаришини сўради. Шайбоний бу таклифни мамнуният билан қабул қилиб, тезда йўлга чиқишини хабар қилди. Унинг келаётганини эшитган ака-ука хонлар тезда Андижон қамалидан воз кечиб, Марғилон ва Хўжанд орқали Сирдарёдан ўтиб, Тошкентга қайтдилар. Мўғулларнинг хатти-ҳаракатидан безор бўлган Ўш ва Марғилон халқи уларни қувиб чиқардилар. Бобур энди ҳайрон бўлиб қолди. Тоғалари Тошкентга жўнаб кетгач, улардан ортиқча ёрдам кутишга ҳожат қолмаган эди. Эртаси куни эрталаб Фарғона давлатининг номигагина ҳукмдори бўлиб турган укаси Жаҳонгир Танбалнинг Марғилондаги ҳарбий истеҳкомидан қочиб Ахсига келди. Энди эса Шайх Боязид ҳам эсанкираб қолган эди. Бобурнинг айрим беклари Боязидни ҳибсга олиб, Ахси қалъасини қўлга олишни маслаҳат бердилар. Боязид қалъа ичига кириб яширинди. Қалъага кирадиган кўприкка соқчилар қўйилмаган эди. Бу орада икки-уч минг кишилик отлиқлар билан Андижондан Танбал етиб келди.

Бобурнинг эса бу пайтда юзтадан ортиқроқ кишиси бор эди холос. Қолганлари эса аскар тўплаш ва бошқа ташвишлар билан атроф қишлоқларга тарқаб кетган эди. Унинг ўзи эса қалъа томони очиқ бўлган шаҳарчада эди. Шаҳар ҳимоясига кўзи етмас эди. Шу орада Боя-

зид билан Қамбар Али Танбал номидан тинч сулҳ тузиш ниятида келдилар. Жаҳонгир Мирзо Иброҳим Чопук билан етиб келди. Бу пайтда Бобур отасининг мақбараси ёнидаги айвонда эди. Улар Боязидни қўлга олиш лозимлигини айтиб Бобурга шипшидилар, лекин вазиятга кўра Бобур буни маъқул кўрмади. Жаҳонгир Иброҳимга тўхтаб туриш ҳақида ишора қилди. Лекин Иброҳим унинг ишорасини тушунмади ёки атайлабми, учтўрт киши бўлиб Боязидни ҳибсга олдилар. Энди эса ҳеч қандай сулҳга ишонч қолмаган эди. Отларга миниб жадаллик билан жангга киришиш лозим эди. Танбал аскарлари ҳужумга ўтиб, Бобурнинг оз сонли қўшинларини кўчама-кўча сиқиб чиқара бошладилар. Шаҳар дарвозаларидан бирига ҳужум қилиб ташқарига ёриб чиқдилар. Бу орада Боязид ҳам ҳибсдан қочди ва ҳужумчиларга қўшилди. Шаҳар ташқарисида Бобур укаси ва унинг ҳамроҳларини кутмоқчи бўлди, бироқ душман кучлари Бобурнинг 20—30 кишидан иборат навқарларини босиб келмоқда эди. Ҳамма нарса бой берилганига ишонч ҳосил қилган Бобур укасини ҳам кутмай, тезда кўприк сари от қўйди. Рўпарадан чиққан душман аскарлари билан қаттиқ жанг қилиб, бир неча от ва кишиларидан ажралиб, Санг қишлоғига етиб келишганда ҳаммаси бўлиб саккиз киши қолишган эди. Санг дарёси бўйлаб сўқмоқлар билан юриб очиқ даштга чиқдилар. Узоқдан отлиқлар шарпаси кўринди. Бобурнинг кишилари панага ўтдилар. Лекин тез орада душман етиб келди. Қаттиқ жанг бўлди. Қолган етти ҳамроҳидан фақатгина Мирза Қули Қўкалдош қолди. Иккаласи узоқ от қўйиб, душмандан узоқлашдилар. Мирзо Қулининг оти чарчаб, деярли юролмай қолди. Қолган йўлда Бобур ёлғиз ўзи қолди. Душманнинг икки кишиси оти чарчаб юролмай қолган Бобурни таъқиб қилиб келардилар. Уларнинг бири Бобо Сайромий, иккинчиси эса Банда Али эди. Қуёш ботай деганда улар Бобурга етиб келиб, унга укалари ҳибсга олинганини айтиб, узини ҳам орқага қайтишга ундадилар. Танбал уни тахтга ўтқазмоқчи эканини таъкидладилар. Лекин Бобур уларга Танбалга ишонмаслигини, борди-ю улар Бобурга ҳалол хизмат қилмоқчи бўлсалар, онт ичишларини ва тоғалари бўлмиш мўғул хонлари олдига олиб боришларини ва уларга катта лавозим ва ҳурмат кўрсатилажагини айтди. Улар Қуръон номи билан онт ичиб, у қаерга борса, бирга боришларини ва садоқат билан хизмат қилишларини билдирдилар.

Тоғ оралаб анча юрдилар. Бобур ҳамроҳларини Гова йўлига олиб чиқишини сўради, чунки бу жойлар мўғул хонларига қарашли эди. Тонгга яқин Қарноқ қишлоғига яқин жойга келишди. Отларини ўтга қўйиб, ўткинчи бир отлиқни учратишди. У илгари Бобурга хизмат қилган беклардан бири бўлиб, ҳозир дайдиб юрганлардан экан. Қарноқда Бобурга қиш бўлгани учун бир пўстин беришди ва хавфсизроқ ҳовлилардан бирига жойлаштиришди. Бобур дам олаётганда уй томида қоровуллик қилиб турган Бобо Сайромий шу қишлоқ доруғаси Юсуф келганини айтди. Юсуф доруға Танбалнинг содиқ кишиларидан эди. У Аҳси йўлида бир кишини учратганини ва Бобур шу ерда эканидан Шайх Боязид хабар топиб, уни бу ерга жўнатганини айтди. Лекин Бобур ишонамади ва намоз ўқигач, ўзини тақдир қўлига топширмоқчи бўлди. Бобур эсдалиқларидан унинг ҳаётининг шу дамлари жуда оғир кечганини ва қандайдир мўъжиза билан бу ердан чиқиб, тоғалари мўғул хонларига қўшилгани ҳикоя қилинади.

Шайбонийхон қайтадан Андижонга юриш қилиб, Танбални қатл этиб, мўғул тоғаларини ҳибсга олганда Бобур Андижондан чиқиб Исфара ва Қоратегини орқали қорли Хисор тоғлари оша она аъзолари билан Хуросонга йўл олган эди. Бу воқеа 1504 йилнинг июнида бўлган эди.

КОБУЛНИНГ ОЛИНИШИ. БОБУРНИНГ КОБУЛ ВА МОВАРОУННАҲРДАГИ САРГУЗАШТЛАРИ

1504 йил июнь ойига келиб Бобур отасидан мерос қолган салтанатдан умидвор бўлишига ҳеч қандай асос йўқлиги ва ортиқча бу ерларда бўлиш ҳаёти учун ҳам хавfli эканига ишонч ҳосил қилди. Шайбонийхон ва унинг кўп сонли ўзбекларига қарши урушиш имкони бўлмаслигига кўзи етгач, ўзининг келажакдаги омадини синаяб кўриш учун Хуросон давлатини танлади. Бу ўлкада деярли ярим аср давомида темурийлар авлоди ва шу жумладан. Бобурнинг ҳам қариндошларидан бўлмиш Ҳусайн Мирзо Бойқаро ҳукмронлик қилиб келарди. Бойқаро ўз даврининг энг кучли ҳукмдорларидан бири бўлиб, унинг саройида машҳур шоир ва санъаткорлар, лашкарбошилар ва омадсиз шаҳзодаларни кўриш мумкин эди.

Ҳижрий 910 йилнинг муҳаррам ойида икки укаси ва жияни Мирзохон ҳамроҳлигида таваккал қилиб бу ўлкага йўл олганда Бобур эндигина 22 ёшда эди. Фарғона давлатининг жанубий чегараларидаги улкан тоғларнинг қорли чуққиларига етиб келгач, у она юртига охириги марта узоқ тикилиб, анчагача туриб қолди. Уша вақтда Хисор водийси ва Қундуз Ҳусравшоҳга тегишли эди. Олдиндан унга юборилган элчилардан кутилгандай итиқ хабар бўлмади. Бобурнинг сафдошлари икки-уч юз агрофилаги кишилар бўлиб, унинг бу сафарида онаси ҳам ҳамроҳ эди. Кишиларининг усти юпун, оёқларида чорик, қўлларида эса тўқмоқ, жуда кўпчилик пивёда эди. Фақатгина иккита чодир бўлиб, Бобурнинг чодирини онасига берган эдилар. Ўзига эса ҳар тўхталган жойда осонгина ёйилиб, яна йиғиштириб олинадиган ўтов тикиб беришарди. Бобур Хуросонга умид кўзи билан қараб турган бўлса ҳам, икки дарё оралиғидаги ястаниб ётган улкан ўлкадаги умумий тартибсизликлар орасидан унга эмад ҳамроҳ бўлиши мумкинлигига катта умид боғлаб турарди. Ҳар кунни унинг шериклари, янги ҳамроҳлар келиб қўшиллар эди ва унга Ҳусравшоҳ қўл остидаги туркий ва мўғул қабилалари Ҳусравшоҳдан норози кайфиятда эканидан хабар бериб туришарди. Бу кўчманчи қабилалардан кўп нарса кўтиш мумкин эди. Шунинг учун Бобур улар томонга йўл олди. Йўлда Ҳусравшоҳдан келаётган элчига дуч келишди. Элчи тўғри уларга ҳурмат кўрсатиш баҳонасида юборилган бўлса ҳам, унинг мақсади жосуслик бўлиб, Бобурнинг қундалик юришлари ҳажми, унга қўшилаётганлар сони ва қаерларда тўхташи ҳақида Ҳусравшоҳга хабар бериб туриш учун юборилган эди. Бобурнинг хабар беришича, Темур салтанатининг бир бўлаги бўлмиш бу ўлкада Ҳусравшоҳ, ўзига яраша ихчамгина мамлакатни идора қилиб турган бир пайтда, омадсиз қунларида бу мамлакат ҳудудидан икки марта ўтган бўлса ҳам, Бобурнинг ўша темирйиллар авлодидан эканига қарамай, унга мушрўйлик кўрсатмади, чунки ёш шахзоданинг ғайрат-шижоати ва имконияти ҳамда элга машҳур қобилиятларини Ҳусравшоҳ тан олгани келмас эди.

Бобур Ҳусравшоҳга тегишли ҳудудни оралаб келаркан, кўплаб унга қарашли сарбозлар ва лашкарбошилар келиб Бобур ҳамроҳларига қўшилавердилар. Улар Амударё қуйидаги Термиздан юқорироқдаги Қабодиён шаҳрига етиб келишганда Ҳусравшоҳнинг укаси бўлмиш Боқи Чоғаниёнийнинг ишончли кишилари келиб, Боқи

Бобурга келиб қўшилмоқчи ва уни султоним деб тан олмоқчи эканини билдирдилар. Бу пайтда Боқи Чоғаниёний Термиз ва унинг атроф вилоятларига ҳукмронлик қилар ва ўз акаси Ҳусравшоҳ билан аразлашиб юрган эди.

Амударёдан Ўбаж деган кечув орқали ўтиш пайтида Боқи ўзи ҳам келиб, Бобурга дарёнинг чап қирғоғи бўйлаб юриш ва Термизда учрашишни таклиф қилди. Бобур кейинроқ Ҳусравшоҳнинг жияни Аҳмад Қосимга қарашли бўлган Айбак ва Бомиён ўртасидаги Кахмерд деб аталган тоғ орасидаги воҳага келиб юклари ва оила аъзоларини Ажар қалъасида қолдирди. Энди улар боши оққан томонга боришлари мумкин эди.

Бобур ва унинг оиласи шуҳрати тобора орта борди ва бу ҳол Ҳусравшоҳнинг юрагига гўлгула сола бошлади. Кундан-кун Ҳусравшоҳ саркардалари, бутун-бутун уруғлар ва водийда кўчиб юрган қабилалар келиб Бобурга қўшила бошладилар. Уларнинг қўлаб Бобур томон интилишларининг босси бир томондан бу уруғ ва қабилалар ҳамда улар сарбозларининг Ҳусравшоҳ олиб борган сиёсатдан, адолатсизликлардан норозиликлари бўлса, иккинчи томондан, Шайбонийхон ва унинг ўзбекларининг шиддат билан бутун-бутун ўлкаларни босиб келаётгани ва яқин орада Хисорга ҳужум қилиши ҳақидаги ваҳимали хабарлар эди ва унга қарши туриши мумкин бўлган қудратли куч фақатгина Бобур бўлиши мумкинлигини сезишарди.

Ҳақиқатан ҳам Шайбоний Андижонни олиб, Танбални қатл қилгач, Самарқандга келиб Хисорга, Ҳуросонга қарашли ерларга юришга тайёргарлик кўраётган эди. Мўғул хонларининг лашкарлари қўшилгач, унинг қўшини икки баробар қўпайган эди. Тез орада Хисор ва Кундузни ҳам қўлга киритди.

Бобур Ажарда бир оз турган пайтда Хиротдан, Ҳусайн Мирзодан хат келди. Уша пайтда Шайбонийнинг қўшинини жанг майдонида кўтиб олишга қодир, теги кучга эга бўлган Бойқаро Мурғоб дарёси бўйларида ҳимояга ўтмоқчи эканини билдириб, Бобурни ҳам Ҳусравшоҳ билан бирга ҳимояга ўтишга таклиф этган эди. Бобурнинг фикрича, бу режа фойдасизгина бўлиб қолмай, ҳалокатга олиб келиши ҳам мумкин эди. Шу орада Ҳусравшоҳга қарашли Толикан деган жойда жойлашган урушқоқ ва кучли мўғул қўшинлари Ҳусравшоҳ билан очикдан-очик жанжаллашиб қолдилар ва Бобур Сурхоб дарёсига келиб Кахмердда тўхталганда 3—4 минг киши-

лик мўғуллар келиб унга қўшилди. Лашкари анча сусайиб қолган Ҳусравшоҳ эса Шайбонийнинг лашкара шитоб билан Қундузга келаётганини эшитиб, унга қарши туршига кўзи етмай шаҳарни ташлаб, Кобулга жўнаб қолди. Чўри орқали тоғли сўқмоқлардан кетатуриб Бобур жойлашган ерга яқинлашганда Ҳусравшоҳ ўзининг ютқазганини англади ва Бобур Мирзога одам юбориб, ўзининг таслим бўлганини тан олди. Бу ишга унинг укаси Боқи воситачилик қилди. Келишувга кўра, Ҳусравшоҳ барча ҳудуддан воз кечди ва унинг ҳаёти, хусусий бойликлари сақлаб қолинди. Андороб дарёсидан ўтиб Доши воҳасига келиб тўхташганда шу атрофга яқин ерга жойлашган Ҳусравшоҳ келиб Бобурга таъзим бажо айлади ва унга келтирилган совға-саломларини топширди. Бобурнинг Ҳусравшоҳга нафрати кучли эди. У келтирган совғалар ва отларни шундайлигича хазинага топширишга буйруқ берилди. Ваҳоланки, ўша пайтда шаҳзоданинг ўзи миниб юрадиган битта оти ва онаси фойдаланадиган яна битта оти бор эди. Ҳусравшоҳнинг таслим бўлгани ҳаммага маълум бўлгач, шу кунлик унга содиқ бўлган кишилари ундан юз ўгириб ўзи ёлғиз қолди. Унинг шахсий бойликлари (олтин, қумуш, гавҳарлари) бир неча хачир ва туяларга ортилиб Бобур тайинлаган соқчилар билан Хуросонга жўнатилди. Унинг айрим қолган нарсалари эса Бобурнинг кишилари қўлига ўтди.

Боқи Чоғаниёний Бобурга қўшилгандан буён унга вазир ва маслаҳатчи бўлиб қолган эди. Унинг маслаҳатига кўра Жаҳонгир (унинг маслаҳатчиси мўғул Қамбар Алига кетишга рухсат этилган эди) Хуросонга ҳоким этиб тайинланди ва у ерга жўнатилди. Акасига қарши қанча ҳаракатлар қилганига қарамай унинг машаққатли сафаринда ҳамроҳ бўлган Жаҳонгир учун бу жуда катта сийлов эди.

Бобурнинг лашкари Ҳусравшоҳдан юз ўгирган аскар ва қабилалар ҳисобига, айниқса жангари қабилла бўлмиш мўғуллар ҳисобига кўпайиб кетган бўлса ҳам, Амударё ва Ҳиндикуш тоғлари ўртасидаги улкан ҳудудни эгаллаб келаётган Шайбоний қўшинига қарши Қундуз ва Хисорга боришни маъқул кўрмади. Шу кунларда унинг қўшини Бобур жойлашган жойдан унча узоқ бўлмаган Дошу ҳудудига шиддат билан келаётган эди. Бобурнинг ўз душманига нисбатан нафрати чексиз эди, лекин ғолибликка эришиш мумкин бўлмаган бу шароит ҳам унинг шижоатини сусайтиролмас эди. Босқинчилар-

га қарши юборилган бир гуруҳ отлиқлар уларнинг адабини бериб, бир нечаларнинг каллаларини олиб келдилар. Лекин мамлакатда тартибсизлик ҳукм суриб турган бир пайтда, Бобур ўз ишларини ҳали тўла йўлга қўлиб олмагунча шиддат билан келаётган душманга қаршилик кўрсатиш яхши натижага олиб келмаслигига имони комил эди. Шунинг учун ҳам шаронтни ҳисобга олиш лозим эди. Қобул унга бағрини очиб тургандек туюлар эди. Ўзининг қариндошин (Мирзо Улугбекнинг ўғли—тарж) Абдураззоқ шу мамлакат ҳукмдори бўлиб, яқиндагина Зунун Аргунининг ўғли Муқим томонидан тахтдан ағдарилган, лекин Муқим ҳали давлат ишларини тўла қўлга олишга ҳам улгурмаган эди. Шунинг учун Ҳусравшоҳдан қолган қурол, соват ва от анжомларини олиб шиддат билан янги давлатни тузиш учун йўлга олганди.

Бир неча кун давомида даҳшатли жарликлар ёқалаб, тор сўқмоқлар орқали Ҳиндикуш тоғини ошиб ўтиб, Гарбанд деган жойга келишди. Уштор шаҳрига келганларида янги хабар келди: унда айтилишича, Шерка аргун (Муқим аргунининг бекаридан) анчагина куч билан Борон дарёси бўйида Панжшир орқали ўтиб, ҳозир Ломгонда турган собиқ хон Абдураззоққа қўшилмоқчи бўлганларнинг йўлини ўсиб турган экан, лекин Бобурнинг келадиганидан бехабар экан. Уни кутмаганда босиш учун Бобур тезда йўлга отланиб, тун бўйи юрдилар. Тўрт сафарга Сухайл юлдузининг кўрилиши уларга янги иқлимга, бошқа юртга келганидан далолат берарди. «Шу пайтгача,—деб эслайди Бобур,— Сухайл (Конопус) юлдузини кўрмаган эдим. Лекин чўкки тепасига чиққач, жанубдан Сухайл жуда яқин кўринди. Бу Сухайл бўлиши мумкин эмас, дедим мен. Бу ҳақиқатан ҳам Сухайл юлдузи, дейинди менга. Боқи Чоғаниёний таниқли форс шоирининг газалидан бир байт ўқиди». Қуёш уфқдан найза бўли ютарилгач, Санжад воҳасининг қўли қисмига олиб келдилар. Олдинда кетаётган аскарлар Қорабўғнинг пастроғида Шерак қишлоғига келдилар ва дарҳол аҳолиси билан урушиб, асосий қўшин еғиб келгач, энг яхши кишиларини асир қилиб олдилар.

Бобурнинг қўшини кундан-кун кўнаяр эди. Кўчманчи қабилалар (мўғуллар) Ҳусравшоҳ даврида маҳаллий аҳолини талаш ва уларга зулм қилишга урганиб қолган эди. Анча маданиятли ва ривожланган мамлакатга кириб келинаётгани учун бундай ҳол ерли аҳолини чўчитиб, безор қилиши мумкин эди. Бунинг олдини олиш

учун хазорлар гуруҳининг бошлиғи Сойдим Али дарбоннинг аскарларидан бири ерли кишилардан бирининг бир кўза мойини куч билан тортиб олгани учун, тутиб келтирилиб, шу ернинг қонунига биноан ҳаммаининг кўз олдига намуна учун калтакланди ва таёқлар зарбидан аскар шу ердаёқ жон берди. Ана шундан кейин ерлик аҳоли химоя остига олинди.

Мусофирликда ўзининг миллий қўшинига эга бўлиш иштиёқи, турли сайёр қабилалардан ташкил топган қўшин ва унинг навкарларини иш билан банд қилиш, ўтроқ ҳаётга ўргатиш кейинги даврларда ҳам Бобурни қийнаётган масалалардан бўлиб қолган эди. Кобулга етишга оз қолган эди. Шунинг учун ҳам кенгашиб қилинадиган ишларни режалаштириб олиш зарурати туғилди. Вақт кузга яқинлаб қолгани учун баъзилар чодирларини қуйроққа кучириб қишловдан сўнг ҳаракат бошлашни маслаҳат бердилар. Боқи Чоғаниёний ва баъзилари эса, аксинча, дарҳол вақтни бой бермай пойтахтни қўлга олиш зарурлигини айтдилар. Ана шу таклиф қабул қилинди. Шунга кўра чодирлар Кобул яқинидаги Або яйловига кучирилди. Шу ерга етганларида Ачар қалъасида қолдирилган оила аъзолари, шу жумладан Бобурнинг онаси ҳам, анча йўл қийинчиликларидан сўнг етиб келдилар. Бу ердан Чолоқ яйловига кўчдилар. Шаҳарни қамал қилишни режалаб лашкар шаҳарни ҳар томондан ўраш учун тақсимланди.

Кобулнинг қамал қилиниши уни яқиндагина қўлга олган Муқим учун кутилмаган ҳодиса бўлди, чунки у ҳали қамалдан чиқиш чораларини кўришга ҳам улгурмаган эди. Шаҳар фуқароси ҳам Бобурга пешвоз эди. Шунинг учун ҳам Муқимнинг шаҳарни топширишдан бошқа иложи йўқ эди. Битимга кўра, унинг оиласи ва ҳамроҳларига бешкаст шаҳардан чиқиб кетишларига руҳсат берилди. Қамал бир неча кун давом этди холос.

Шундай қилиб, 1504 йил октябрь ойининг бошларида Фарғонадек муъжазгина давлатини ташлаб, дарбадарликка юз тутганидан уч ойдан кўпроқ вақт ўтгач, Бобур Мирзо Кобул ва Ғазнадек улкан давлатнинг тахтига муяссар бўлди. Бобурга насиб этган бу салтанат кейинги ҳаётининг кўп қисми давомида унинг асосий севимли Ватани бўлиб қолди ва икки аср давомида Ҳиндистон империяси таркибидан турди ва яқин-яқинлардаги афғонлар сулоласи даврида ҳам ўша улуғ шоҳ номи билан аталиб келди. Бу салтанат Бобурнинг бебаҳо эсдаликларида ба-

тафсил ва ҳафсала билан тўла тасвирлаб берилган. Бобурнинг бу улкан ғалабага тўла эришганига ишонч ҳосил қилинган, бу юришда унга ҳамроҳ бўлиб, кўмаклашган аскарбошилар ва уларнинг ҳамроҳлари мукофотлар билан сийланди.

Укаси Жаҳонгирга Ғазнани берди, иккинчи укаси Носир Мирзога Ламғон ва Нижров вилоятларини берди. Улуғроқ бекларга ҳам биттадан вилоят ҳадя қилинди, ички хизматдаги амалдорларга ҳам ер-мулк ва бошқа совғалар берилди. Унинг машаққатли юришларида қатнашган, кўмаклашган кўчманчилар ва уларнинг оилаларига бўлиб бериш учун Кобул, Ғазна ва унга бўйсунувчи қишлоқлар аҳолисидан ўттиз минг пуд дон йиғишга буйруқ берилди.

«Бу пайтда мен Кобулнинг бойликлари ва захираси билан ҳали яхши танишиб улгурмаган эдим, шунинг учун бу миқдор анча кўп бўлиб, халқ бироз қийналиб қолди», деб эслайди Бобур. Бироз вақт ўтгач Кобулнинг собиқ ҳукмдори Абдураззоқ келиб Бобурга таъзим бажо айлади ва унинг ҳокимиятини тан олди. Бу ҳолда мамлакатдаги вазиятни анча барқарорлаштиришга ёрдам берди.

Бобур Кобулда унчалик узоқ турмади. (Асосан Маъсуд бошлиқ бўлган хазорларни от ва қўй солигини тўлашдан бош тортганлари учун жазолаш билан банд бўлди.) Шу орада Дарёхоннинг ўгли Ёр Ҳусайн отасининг ҳиндларга чегарадош бўлган Берадаги қароргоҳидан келиб, ўз юртига Бобурни таклиф этиб қолди. Бу таклиф шаҳзоданинг хоҳишига шундай мос тушдики, у бир неча кун ичида Ҳиндистонга юриш бошлашга қарор қилди.

Бу сафарга юришда Бобур, ҳозир биз Ҳиндистон деб атайдиган мамлакат ҳудудига кириб улгурмаган бўлса ҳам, бу юришни тарихчилар Бобурнинг Ҳиндистонга биринчи юриши деб ҳисоблайдилар. Ўз қўшинларини кўздан кечириб чиққач ва сўраб-сўриштиргач, ҳижрий 910 йил шаъбон ойи (1505 й, январь)да Қобулдан чиқдилар. Жағдалакни кесиб ўтгач, олти кун деганда Одинапур (ҳозир Жалолобод)га етиб келдилар. Бу ерда Бобур бутунлай бошқа оламга — иқлими ҳам, мамлакатининг кўриниши ҳам бошқача — қорли тоғдан иборат бўлган Кобул мамлакатидан иссиқ, тропик иқлимга кириб қолди. «Мен илгари ҳеч қачон иссиқ иқлимга мамлакатни ҳам, Ҳиндистонни ҳам кўрмаган эдим. Етиб келгач, мен бирдан янги оламга рўпара келдим: мевалар, дарахтлар, ўсимликлар, ёввойи ҳайвонлар ҳаммаси бошқача эди.

Менинг ҳайратдан оғзим очилиб қолди, ҳақиқатан ҳам ҳайрон қоларли эди»,— деб ҳикоя қилади Бобур. У Хайбар йўлидан ўтиб Бекрам (ҳозирги Пешовар)га етиб келди. Бу ерда илгари мўлжалланганидек, Ҳиндистонни кесиб ўтиш таклифи муҳокама қилиниб, ундан воз кечилди ва қўшин жануб томонга—Кўхак, Бангаш, Бану ва Дашти Дамон орқали талончилик қилиш йўлига бошланди. Йўл-йўлакай Ҳиндистонга қарашли бўлган, дарёнинг ўнг қирғоғидаги Мултон воҳасига ҳам кириб етдилар. Дарё бўйлаб бир неча кун юрилгач, шимолий-ғарбий томонга Сивистон чегаралари бўйлаб, Дюклар юрти оралаб Обистадех деб аталган ерга келдилар. Сўнгра Ғазнага ўтиб, ундан Кобулга май ойидагина етиб келдилар. Тўрт ой давомида бу фавқулодда машаққатли айланма йўлни босиб ўтдилар. Бу юришнинг биринчи ярмида Бобур лашкарлари тоғ ва чаңгалзорларда яшовчи жангари афғонлар билан қаттиқ жанглар қилдилар, лекин кўп ўлжа ололмадилар. Бироқ Ҳиндистонга қарашли жойларда чорва жуда кўп ва улардан уч юз-тўрт юзини қўлга киритдилар ва қайтишга мажбур бўлдилар. Ҳиндистондан Обистадехгача деярли экин экилмас ва ўсимлик ҳам кам эди. Далалар шунчалик бўм-бўш ва қупқуруқ эдики, узоқ сафардан ҳориган отлар силласи қуриб сафдан чиқа бошлади. Отларга, ҳатто Бобурнинг отига ҳам озуқа топиб бўлмас, уларнинг мадорсизлигидан ҳатто Бобурнинг чодирини ҳам ташиб юриш малол келгани учун йўлда ташлаб кетишга мажбур бўлдилар. Сафарнинг иккинчи ярми эса ундан ҳам оғир кечди. Тинимсиз қуйган жала ҳаммаёқни ивитиб, дарёдек тошиб ҳамма нарсани оқизиб кетди. Кобулни олгандан сўнг кўп ўтмай қилинган бу биринчи юриш натижасида Бобур Ғарбий Ҳиндистон билан яхши танишиб олди.

Ана шу сафар давомида аввалги уддабурон шахзодага эътиқоди юқори бўлган Боқи Чоғаниёний, энди унга ҳасад кўзи билан қарай бошлади ва қора ниятини амалга ошириш воситаси сифатида Бобурнинг укаси Жаҳонгир Мирзога умид кўзини тикди. Улар тил бириктириб, Бобурни ҳибсга олиб, Ҳиндистонга сўргун қилиш мақсадида фитна уюштирдилар. Боқининг содиқ кишилари кўп бўлиб, лашкар ичиди ҳам унинг таъсири анча сезиларли эди. У билан оҳишта, шошмасдан муомала қилишга тўғри келарди. Буни сезган Бобур хавфли вазирининг хизматидан воз кечиш имкониятларини қидира бошлади.

Кобулга келгач, бу ерда ўзи йўқлигида бўлиб ўтган воқеалардан хабар топди. Укаси Носир Мирзо ўзига эр-

гашиб, сафарга боришга буйруқ қилинганига қарамай, Ҳиндикуш тоғидан ошиб ўтиб, Бадахшонга йўл олган эди. Бу ерда у Ҳусравшоҳ қўшинини енгиб уни ўлдиргач, Муборақшоҳ ва Муҳаммад Қурчи ёрдамида ўзини Бадахшон шоҳи деб эълон қилди. Икки-уч йил шоҳлик қилгач, Шайбоний аскарлари томонидан қувиб юборилди ва анча қўзғинда тентираб юргач, яна Кобулга, акаси Бобур олдинга бош эгиб келди.

Афғон сафаридан қайтгач, Бобур Кандаҳорга юришни мўлжаллади. Шу орада безгак касалига учраб қолди, лекин тезда соғайиб кетди. Бунинг устига (1505 йилги) даҳшатли эпидемия бутун мамлакатни хонавайрон қилган эди. Эпидемия оқибатларини тугатиш ва аҳолига ёрдам бериш бир ойга чўзилиб кетди. Сўнгра қўшинларини Кандаҳорга ва йўл-йўлакай қир-адирларда яшовчи қабилаларни талаш учун жанубга бошлади. Укаси Жаҳонгир ва Боқи Чоғаниёний Газна ва Кандаҳор ўртасидаги Қолот (ҳозир Қилоти—Гилжи)га ҳужум қилишни маслаҳат бердилар. Жуда кўп талафот ҳисобига Қолот олинди-ю, лекин уни сақлаб туришнинг имкони йўқ эди. Шунинг учун бўлса керак кейинроқ бу қалъа Бобур қўли остидаги шаҳарлар қаторидан чиқариб юборилган эди. Жаҳонгир ва Боқига бу қалъа таклиф қилинганда улар қабул қилмадилар.

Кейинги пайтларда Боқи билан Бобур ўрталарига анча совуқлик тушди. Бобур бугунги кунини шухратига кўпроқ Боқининг хизмати ва қўшини туфайли эришгани учун миннатдор бўлиб, уни ўзига вазир қилиб олган эди. Нонуър ва очкўз Боқи эди шоҳни ҳам назар-писанд қилмай қўйган ва Жаҳонгир билан тил бириктириб, Бобурни ўртадан олиб ташлаш пайида юрар эди. Лекин тақдир ҳар иккаласини ҳам ниҳоятга яраша nasibасини берди. Боқи Чоғаниёний катта бойликлари ва oilаси билан Ҳиндистонга кетаётган пайтда йўлда Ёр Ҳусайнга қарашли қароқчилар қўлига тушиб ўлдирилди, моли талонда қолди, одамлари эса ҳар қаёққа тирқираб кетди. Келаси йил эрта баҳорда Жаҳонгир Мирзо ўзига ажратилган мулкдан норози бўлибми ёки бошқа аразданми, ҳуллас, икки мўғул қабиласи бошлиқлари ҳамроҳлигида Кобулдан чиқиб Газнага кетди.

ХУРОСОН САФАРИ. ХОН МИРЗО ИСЕНИ

Халқ орасида таъсири анча кучли бўлган вазир ва бесабр укасининг кетиб қолиши янги жойда эндигина

хотиржам бўлган Бобурни яна эҳтиёткорлик чораларини кўришга мажбур қилди. Бусиз ҳам у беташвиш эмас эди. Унинг ёвуз душмани Шайбоний Хисор ва Қундузни буйсундиргач, Самарқандга қайтиб янги юришлар учун ҳозирлик кўрмоқда эди. 1505 йил июнь ойида Бобурнинг онаси Қутлуғ Нигор хоним вафот этди.

Бу орада Шайбоний Хоразмни босиб олиб Балхни қамал қилди. Шайбонийга қарши юриш учун Ҳусайн Мирзо Бобурни ўз ҳузурига таклиф қилди, лекин ярим йўлда Бобур Ҳусайн Мирзонинг вафот этганини эшитди. Бобур Хиротга келиб унинг муқаддас масжид ва мадрасаларини, қаср ва саройларини мароқ билан тамоша қилди, олиму уламолари билан мириқиб суҳбатлашди ва 1506 йил декабрь ойида тоғ оралаб Қобулга йўл олди. Қор ёға бошлаган эди, бу йўллардан эса ҳатто ёзда ҳам юриш машаққатли эди. Бобурнинг ақл-заковати, олдиндан кўра билиш ҳиссиёти уни бир дақиқа ҳам вақтни бой бермай, шиддат билан олға юришга ундар эди. Қор кундан-кун қалинлашиб, отларнинг тиззасига, кейинроқ эса қорнигача кўтарилди, бунинг устига уларнинг йўлбўсичиси йўлни йўқотиб қўйди.

Яқиндагина вазирлик лавозимига қайта тайинланган Қосимбек Фаррах ва Қандахор орқали қуйи йўлни айланиб утиш урнига қисқароқ тоғ нулидан юршни тавсия этган эди. Хижолатчиликдан чиқиш учун у ўз ўғиллари ва одамлари билан отдан тушиб, қорни суриб йўл очдилар. Эртаси кун қор ниҳоятда қалинлашиб кетгач, отларни изига қайтариб, шу агрофда қишлаётган ҳазорларни топишга ва улардан йўл сўрашга одам жунатилди. Лекин ҳаракатлар зое кетди. Биронта инсон зотини топишнинг иложи йўқ эди. Барча бу йўлдан воз кетишни истар эди ва қунироқдан юришни маъқул курарди. Бу ерда туриб қолиш хавфли эканини англашгач, яна қорли йўлни забт этишга жазм қилинди. Бир ҳафта лавомида улар мислсиз қийинчиликларга дуч келишди, икки-уч милдан ортиқ йўл босишнинг иложи бўлмади. Бобур вазир Қосимбек билан бошқаларнинг умидсизликка тушган руҳини кўтариш учун йигирматача кишиен билан олдинга ўтиб йўл бошладилар. Баъзи жойларда белигача, баъзан эса кўкракларигача қорга ботиб кетишар, бироқ йўлдан қайтишмас эди. Олдиндагилар ҳолдан тейгач, уларнинг ўрнига бошқалар ўтарди. Ундан кейин улар очган жойга от олиб келиниб унинг ёрдамида кўкраги билан йўл очишар, ҳориган отларни тез-тез алмаштиришар эди. Шу тарзда жуда қаттиқ уринишди. Қўшиннинг деярли

кўпчилиги совуққа қотди ва руҳан ҳафсаласи пир бўлди. «Бу ерда обрў, мартаба ҳақида сўз юритишнинг мавриди эмас эди», деб эслайди Бобур.

Шу тарзда икки-уч кун уринишгач, ниҳоят Зирин довонининг қуйи қисмига чиқишди. Қор қалин, бўрон тинмас, очилган йўлакдан бир киши зўрға ўтарди, кунлар эса жуда қисқа эди. Аҳвол шу даражада умидсиз эдики, улар энди шу ерда ўлим билан юзма-юз келишларини кўз олдига келтира бошладилар. Қоронғи туша бошлаган пайтда олдиндагилар бир ғорга дуч келдилар ва шу ерда жон сақлашга қарор қилинди. Лекин бу ғор бир неча кишигагина бошпана бўлиши мумкин эди. Бобурни ғорга таклиф этишганда у рад жавобини берди ва ғор оғзига яқинроқ жойда қор уюмини ўйиб, шамолдан сақланиши учун ўзига жой ҳозирлади. Ҳуфтон намозини ўқиб бўлгунча унинг бўрқига ёққан қор анча қалинлашиб қолган эди. Барча кишилар ташқарида турганда ғорга кириб жон сақлашни ўзига эп кўрмади. У ҳар сафар ҳам қийинчиликларни ўз одамлари билан бирга баҳам кўришни маъқул кўрар эди. Шу орада ғорни текшириб чиққан кишилар ичкари анча кенг эканини, ҳамма ғорга сиғиши мумкин эканини хабар қилди. Ҳамма ғорга таклиф қилинди, бир оз исиниб, чарчаганлар анча жонланиб, ҳазил-мутойиба билан тонг оттиришди. Эрталаб қор ва бўрон бир оз пасайгач, яна машаққатли йўлни очиш билан кун бўйи банд бўлдилар. Кўпларнинг оёқ-қўлларини совуқ уриб кетди. Эрталаб муъжазгина бир водийдан чиқдилар ва пастга туша бошладилар. Шундай пайтда довондан ўтиб келаётган одамларни кўрган маҳаллий аҳоли ҳайратдан ёқа ушладилар. Бундай пайтда довондан ўтишга ҳеч кимнинг ақли бовар қилмас эди. Ёки—Ўланг аҳолиси уларни яхши кутиб олди, уйларидан жой беришди, отларга ем-хашак, ўзларига эса қўйлар сўйиб сийлашди. Лекин куйироқда уларни туркий хазорлар қабиласи душманлик билан кутиб олди. Бироқ, уларни қийинчиликсиз енгдилар.

Кобулга яқинлашганларида Хуросон сафари олдиндан Бобурнинг кўнглига келган баъзи шубҳа ва тахминлари тўғри эканини тасдиқловчи нохуш хабарлар эшитди. Хуросонга жўнашдан олдин Бобур холасининг эри бўлмиш Муҳаммад Ҳусайн Мирзо Дуғлатни ҳузурига чорлаб, сафар давомида Кобул ва унинг вилоятларини назорат қилиб туришни унга топширган эди. Ҳусайн бу таклифни қабул қилишдан олдин шаҳзодага билдирил-

ган ишонч учун миннатдорчилик изҳор қилиб, Маккага ҳаж сафарини мўлжаллаётганини айтди ва лекин шаҳзода буюрсалар, ундан воз кечиши мумкинлигини таъкидлади. Сўнгра Бобур унинг вилоятлар билан алоқасини енгиллаштириш мақсадида ўзининг яқин кишиларидан Низомиддин Халифа, Мулла Бобо Пошоғарий, Мир Аҳмад Қосим Қўхбур ва бошқалар билан таништирди ва Муҳаммад Ҳусайн Мирзога ҳокимиятни топшириб сафарга отланган эди.

Сафарга жўналгач, бир неча ой давомида Хуросон ва Қобул ўртасида хабарлар келиб-кетиб турди. Хуросондан қайтишдаги довол ошниш қийинчиликлари ва йўлда хазорлар билан бўлган жанглар натижасида ўртадаги алоқа вақтинча узилиб қолган эди. Бу эса Қобул саройида турли хил миш-мишлар тарқалишига сабаб бўлди. Гўёки Хуросон беклари ва мирзолари Бобурни ҳибсга олиб, зиндонга ташлаган эмишлар ва у ердан Бобурнинг қутулиб чиқиши амримаҳол эмиш. Бундан хабар топган Бобурнинг бувиси Шоҳ Бегим ўзининг суюкли невараси Хон Мирзо (асли исми Султон Вайс)ни шоҳ қилиб кўтариш мақсадида шаҳарда қолган мўғул бекларини бирлаштириб, Хон Мирзонинг номини ҳутбага қўшиб ўқиттириш тараддудида турганда қутилмаганда Бобурнинг келаётгани ҳақида хабар тарқалди.

Бобур чопарлар юбориб, шаҳарни ҳимоя қилиб турган кишилар Мулла Бобо Пошоғарий, Халифа, Муҳиб Али Курчи, Аҳмад Қосим ва бошқаларни огоҳлантирди ва қўққисдан шаҳарга ҳужум қилиб, исёнчиларни бирмабир қўлга олди. Хон Мирзо зўрға отга миниб қочиб қолишга улгурди, Муҳаммад Ҳусайн Мирзо эса саройдан қочиб чиқиб ўзини бир томонга урди. Шаҳар атрофи ва ичкарасида қаттиқ жанглар бўлди. Тез орада бош кўтарганларнинг бошлиқлари қўлга олинди. Улардан бири Бобурнинг эътибори тушган Султон Санжар барлос эди. Унга Бобур Нангахор касабасини тортиқ қилган эди. Унинг бўйнига арқон боғлаб Бобур ҳузурига келтирдилар. «Нима гуноҳ қилдим?»— деди у титраб-қақшаб. «Исёнчиларга қўшилишдан ортиқ яна қандай гуноҳ бўлиши мумкин?»— жавоб берди Бобур.— Лекин,— давом этади ҳикоясида Бобур,— тоғаларим бўлмиш мўғул хонларининг онаси Шоҳ Бегим Санжарнинг онасининг онаси (яъни холаси) эди, шунинг учун уни бунчалик шармандала аҳволда сазойи қилмай, ҳаётини сақлаб қолдим ва қўйиб юбордим».

Шаҳарда талон-торож кучайиб кетган, ҳар ким қў-

лига кирган нарсани таларди. Тезда шаҳарда тартиб ўрнатиш ва талончиларни жазолашга буйруқ бериб, Бобур Шоҳ Бегим ҳузурига йўл олди. У одатдагидек қувноқлик билан Шоҳ Бегим ҳузурига такаллуфсиз кириб келди. «У ҳаяжондан ўзини йўқотиб, нима дейишни ва нима қиларини билмай қолди,— деб ҳикоя қилади Шоҳ Бегимнинг невараси тарихчи Ҳайдар Мирзо,— Бобур таъзим қилиб самимият билан у билан қучоқлашиб кўришди, унинг юз ифодасини уқиб, юмшоққина қилиб сўради: «Фарзандларингиздан биринга ортиқча ғамхўрликни раво кўрдингиз. Нега энди бу ғамхўрлик бошқа фарзандларингизни ранжитиш ҳисобига бўлғай?. Оналик ҳурмати фарзанд назарида бешакдир. Лекин,— деб давом этади у,— тун бўйи мен ухлай олмадим. Сафарим жуда машаққатли бўлди ва мен жуда чарчадим.— Шундай деб, Бобур Шоҳ Бегимнинг тиззасига бошини қўйди ва ухлаш учун чўзилди». «Бу ишни, — деб давом этади Ҳайдар Мирзо,— Бобур бувисининг ноқулай аҳволдан чиқishi учун қилган эди. Холаси Меҳр Нигор хоним кириб келганда Бобур ҳали уйқуга кетмаган эди. У дарҳол ўрнидан туриб суюкли қариндоши билан қучоқлашиб кўришди.— Фарзандингиз ва хотинларингиз сизни кўришга мунтазирлар,— деди хоним.— Менинг келганимни юртга етказинглар!— деб буюрди шаҳзода ва хонимга эрганиб таниқарига чиқди. Амирлар ва барча аҳоли шаҳзоданинг қайтиб келишини қутлаб, унинг шаънига ҳамду санолар айтдилар».

Шоҳ Бегим ҳузуридан чиқиб Бобур Хон Мирзо жойлашган Чорбоққа келди ва у ерда салтанатнинг барча вилоятлари ва аймақларига ҳамда кўчманчи қабилаларга ўз талабларини етказиш учун хатлар ёзиб жўнаттирди. Сўнгра ўз қасрига кирди. Кўп ўтмай хонимлардан бирининг оғборларидаги гиламлар орасига яширинган Муҳаммад Ҳусайн Мирзони тутиб келдилар. Хоним унга ҳамроҳ бўлиб келиб шаҳзодадан унинг бир қошиқ қонини кечишни илтимос қилди.— Онангиз руҳи ҳурмати, мен сизга гуноҳкор ва бахти қаро укамни олиб келдим. Нима буюрасиз?— деб Мирзога ишора қилди. Уни кўргач, Бобур ўрнидан туриб унга пешвоз чиқди ва очиқ юз билан уни қаршилади. У билан кўришиб, ёнидан жой кўрсатди ва ҳол-аҳвол сўради, иззатини жойига қўйди.

Тез орада Қобул яқинидан Хон Мирзони ҳам тутиб келдилар. «Уни олиб келишганда саройдаги қабулхонада ўтирган эдим, — деб хотирлайди Бобур.— Кел, де-

дим мен,—қани мени бир қучоқлагин-чи. Ҳаяжонланганидан дағ-дағ титраб, у икки марта мункиб кетди. Кейин биз кўришдик, ёнимга ўтқазиб яхши гаплар гапириб, уни далилдангирдим. Шарбат олиб келишди. Унинг кўнглига шубҳа тушмасин учун аввал ўзим ичиб, сўнгра унга узатдим. Навқарларнинг апчагина қисмининг менга содиқ эканига ҳали тула ишончим йўқлиги ва айниқса, мўғуллар ва чиғатойларнинг ҳали тишиб-тиччимаганлиги учун Хон Мирзони оналари жойлашган саройга жўнатиб, у ердан чиқмасликни тайинладим ва бир неча кундан сўнг Хуросонга кетишга рухсат бердим».

Бобурнинг Шоҳ Бегим ва хонимларнинг илтимоси олдидан Хон Мирзо ва Муҳаммад Хусайн Мирзолар ва уларга қўшилганларнинг гуноҳини кечирганини кўриб, биз Бобурни ҳамияти йўқ, ғурурсиз ёки иродасиз киши экан-да, деган хулосага келмаслигимиз керак. Унинг меҳр-шафқатлилиги, гуноҳкорни кечира билиш қобилияти кучли ирода эгаси эканидан, олижаноб, улуғвор фазилат эгаси эканидан, унинг нозик қалбини яралаган муртадлардан бир поғона ақдан ва аҳлоқан юқори турганидан, унинг буюк қалб эгаси эканидан ва айниқса, ўз қариндошларига нисбатан меҳр-шафқати юқори эканидан далолат беради.

«Мен уларни ноқулай аҳволга солмоқчи эмас эдим,— деб хотирлайди Бобур,— менга қарши бош кўтарган гуруҳ иштирокчилари бошида Шоҳ Бегим ва Хоним (холаси)лар турар эди. Уларнинг хоҳишига эса ҳеч ким қарши тура олмас эди. Хон Мирзо Шоҳ Бегимнинг қизи Султон Нигор Хоним (менинг холам)нинг ўғли бўлиб, у туну кун бувиси билан бирга эди. Уларнинг исгагини бажармаса, Хон Мирзо қийин кунга қолиши турган гап эди. Қолаверса, тақдир тақозоси билан мен бор-йўғимдан ажраб онам билан улар ҳузурига бошпана ва ёрдам сўраб борганимизда, улар бизга очиқ чехра билан илтифот кўрсатишмаган эди. Мендан кичикроқ бўлган Хон Мирзо ва унинг онаси Султон Нигор хоним ўша пайтда бой ва унумдор ерларга эгаллик қилишар, бизда эса бирорта мулк тугул бирорта товўғимиз ҳам йўқ эди. Ваҳоланки, менинг онам Қутлуғ Нигор хоним ҳам Юнусхоннинг қизи, мен эса унинг невараси эдим. Шунга қарамасдан навбат менга келганда у хоҳ туғишган қариндошим ёхуд хотинимнинг уруғларидан эканидан қатъий назар ҳаммасига қўлимдан келган яхшиликни қилиб, илтифот кўрсатдим. Масалан, Шоҳ Бегимга мен Кобулнинг энг кўзга кўринган туманларидан бири бўл-

миш Ломгонни ҳада қилганман, ҳар соҳада—хоҳ улус сифатида бўлсин, хоҳ хизматкор сифатида қўлимдан келган ҳамма мурувватни кўрсатдим. Султон Саидхон (Бобурнинг кичик тоғаси мўғул Султон Аҳмад Мирзонинг ўғли, яъни Шоҳ Бегимнинг невараси) Қашқардан қувилиб яёв ҳолда 5—6 навқари билан ҳузуримга келганда уни ўз акамдек қабул қилиб, Ломгоннинг Мандраир туманини унга ҳада қилдим. Шоҳ Исмоил Шайбонийни Марвда мағлуб қилганда, мен Кундузга келган эдим. Ушанда андижонликлар ўз доруғасини ҳайдаб мени таклиф қилишганда, ўзимга қарашли навқарларим билан Султон Саидхонни Андижонга ўз ўрнига жўнатиб, уни хон даражасига кўтарган эдим. Ҳозирга қадар ҳам, менга илтижо кўзи билан қараган шу хонадоннинг қайси вақили бўлмасин, ҳаммасига ғамхўрлик билан оталиқ қиламан. Чин Темур Султон, Эсон Темур Султон, Тўхтабуга Султон ва Бобо Султонлар ана шулар жумласидандир. Буларни мен ўз ота уруғимдек эъза эъзозлайман, иззатларини жойинга қўяман. Мен бу билан уларга таъна қилмоқчи эмасман,— дея давом этади Бобур,— мен бор ҳақиқатни таъкидламоқчиман, холос. Ўзимни мақтамоқчи ҳам эмасман, воқеалар қандай рўй берган бўлса, шундайлигинча ҳикоя қиламан, ёзган ҳар бир сўзим чин ҳақиқатнинг ўзидир.

Муҳаммад Ҳусайн Мирзонинг ҳаёти унга текинга қолган бўлса ҳам, у Қобулда қолиб, ўзининг хавфли рақиб эканини кўрсатди. У исёнчиларга бошчилик қилиб, ўзининг башарасини бадхулқ ва жиноятчи киши сифатида намоён қилди. Унинг бу хатти-ҳаракатлари ўзининг бошига етиши ва уни ўзим тилка-пора қилиб ташлашим керак эди. Лекин унинг онаси Хуб Нигор хоним (менинг холам) олдида қолган ўғил-қизлари борлигини инобатга олиб, унга ҳам Ҳуросонга кетишга рухсат бердим. Йўлда Шайбонийхон аскарларига қўшилиб, орадан уч йилча ўтгач ўша ерда ўлдирилди».

Ана шу воқеаларни сезгандек, Бобур Ҳуросондан Қобулга шошилган эди. Шу орада ичкилик орқасидан Бобурнинг укаси Жаҳонгир Мирзо ҳам вафот этди. Унинг ўрнига Ғазна ҳокимлигига эндигина Бадахшондан қувилиб келган Носир Мирзо жўнатилди. Бу орада Шайбонийхон эллик минг кишилик лашқари билан келиб Ҳуросонни қамал қилди ва қисқа вақт ичида уни забт этиб, ҳукмдорлари Бадиуззамон ва Музаффар Мирзолар ҳибсга олинди, уларнинг мол-мулк ва хотинлари шайбонийлар томонидан таланди. Бадиуззамон Эрон Шоҳи Ис-

монл Шоҳ ҳузурига қочиб қолишга улгурди ва ўн йилча яшаб, охири Истамбулда вафот этди.

Темурийларнинг Ҳусайн Бойқаро бошқарган қудратли салтанати шу тарзда инқирозга юз тутди. Салтанат Шайбонийхон қўлига ўтди-ю, бироқ у салтанатни тўрт йилгина сақлаб тура олди, холос.

КАНДАХОРНИНГ ОЛИНИШИ ВА БОЙ БЕРИЛИШИ. МУҒУЛЛАР ИСЕНИ

Шайбонийхон лашкарининг шиддат билан босиб келаётганидан ваҳимага тушган Қандахор ҳукмдорлари, Зуннун Аргуннинг ўғиллари Шоҳ Шужобек ва Муқим Бобурга нома ёзиб ундан нажот сўрашди. Бунга жавобан Бобур ўз лашкари билан тезда йўлга отланди. Йўлда у Ҳуросондан чиққан қочоқларга, уларнинг оила аъзоларига дуч келди. Йўл-йўлакай Ҳинд савдогарлари карвонидан бож ҳам ундирди. Шайбоний лашкари Қандахор сари юриб Фаррах ва Гармсир ерларига етиб қолган эди. Шу орада Шоҳ Бекдан Шайбонийга элчи келиб, Қандахор таслим бўлганини ва уни Шоҳ сифатида тан олганини ҳамда номи хутбага қўшиб ўқитилажagini, унинг номи билан танга пул зарб этилажagini маълум қилдилар. Бундан мамнун бўлган Шайбоний ўз йўлини ўзгартирди. Бобурга эса Шоҳ Бек рад жавоби бериб, уни ҳукмдор сифатида тан олмасликларини маълум қилдилар.

Бундан ғазабланган Бобур жангга ҳозирлик кўра бошлади ва мингдан ортиқроқ лашкари билан тўрт-беш минг кишилик лашкари бор Қандахорга ҳужум қилди. Бобурнинг навкарлари ҳар қачонгидан кўра тўла интизом билан ҳужумга ўтдилар ва Шоҳ Бек лашкарини иккига бўлиб ташлаб, уларни кучсизлантирди. Шоҳ Бек жануб томонга — Шол ва Мастанг даштига қочди, Муқим эса ғарбга—Замин девор томонга қочди. Шаҳарнинг бой хазинаси Бобурнинг навкарлари ва лашкарларига бўлиб берилди. Отлар, туялар, хачирлар ва ипак, бахмал матолар ҳам шу тарзда тақсимланди. Қандахорга Носир Мирзо ҳукмдор этиб тайинланди ва яна Кобул томон йўл олдилар. Шайбоний жуда маккор душман эди. Бу воқеадан хабар топганда у ҳали узоққа кетмай яқин орада изғиб юрган эди. Бобур Кобулга етиб келганидан бир ҳафтача ўтмай, Шайбонийнинг Қандахорни қамал қилгани ва Носир Мирзо шаҳарда қамалиб қол-

ганини эшитди. Бу ҳодиса Бобурни қаттиқ ташвишга солган эди. Лекин бу қўшини билан маккор ва қудратли Шайбоний лашкарига қарши майдонга чиқиб бўлмас, ҳатто Кобулни ҳам ҳимоя қилиб бўлмас эди. Шунинг учун ё Бадахшонга, ёки Ҳиндистонга юриб кутулиб қолишга қарор қилинди. Кобулда Абдураззоқни қолдириб, Кобул дарёси ёқалаб Ҳиндистонга йўл олди. Ламғоннинг қуйирёғи бўйлаб йўлга чиқдилар. Уларнинг Кобулни ташлаб кетаётганини сезган қароқчи қабилалар уларга ҳалақит беришга уриндилар, айниқса, инглиз армияси билан бўлган тўқнашув узоқ вақт эса қолган эди.

«Биз Қўрд—Кобул йўли билан кетаётиб,— деб эслайдилар Бобур.— Сурх—Работга егншдан олдин Қуруқ сой довонидан ошиб ўтдик. Қобул ва Ламғон оралиғида яшовчи афгонлар қароқчилик билан шуғулланишар эди. Бизнинг Кобулни ташлаб Ҳиндистонга кетаётганимизни сезгач, баттар ҳадидан ошдилар. Жағдалак довонидан ошаётганимизда афгонлар ногора чалиб, қилчларини яланғочлаб, бизга қарши шовқин-сурон билан ҳужум қилдилар. Мен навкарларга уларга ҳужум қилишни буюрдим ва улар дуч келган томонга ҳатто бир ўқ отмасданоқ тирқираб қочдилар». Афгонларни қувиб юборгач, довон чуққисига чиқдилар. Нангинхор водийсига тушаётиб, йўлда Одинапур (ҳозирги Жалолобод) қалъасида тўхтадилар. Бу ерда Бобур лашкарини тўрт қисмга ажратди ва уларни тўрт тарафга афгонлардан озуқа олиб келиш учун жўнатди. Шайбоний ваҳимаси бир оз босилгач, озроқ кишини билан бир гуруҳ навкарларини Кобулга қайтариб жўнатди. Узи эса Чогонсарой дарёси атрофидаги қабилаларни талаш билан банд бўлди.

Бу орада Шайбоний Қандахорни қамал қилиб Носир Мирзога тезда қалъани топширишни буюрди. У эса бу таклифни дарҳол қабул қилиб Ғазнага жўнади. Ака-ука арғунлар яна ўз ўрнига, Қандахорга қайта тикландилар. Бу хабарни эшитиб, Бобур Ҳиндистонга боришдан воз кечди ва қишнинг ўртаси бўлишига қарамай Кобулга жўнади. Ғазна Носир Мирзога берилди. Нангинхор вилояти ва Кобул атрофидаги туманлар Абдураззоққа берилди. Хон Мирзо эса Шоҳ Бегимни олиб Бадахшон сари ўзига салтанат излаб йўл олди.

Шу пайтга келиб Бобур ўзига «Подшоҳ» унвонини олди. Бунгача теурийлардан ҳеч бири бу унвонга сазовор бўлган эмас эди. Ҳаттоки тахтга чиққанда ҳам улар «Мирзо» унвонида юришарди. Бу унвонни олиш

сабабларини Бобур яхши изоҳлаб бермаган. Темурийларнинг сардори бўлмиш Ҳусайн Мирзо (Бойқаро) вафот этган, унинг ўғиллари эса инқирозга юз тутган давр эди. Темурийлар салтанатининг бугунги кундаги энг йирик вакили Бобурнинг ўзи эди, холос. Шунинг учун бўлса керак, у ўзига ана шу унвонни маъқул кўрган эди.

Лекин тақдир нохушликлари Бобурни ҳали тарк этмаган ва ҳар қадамда таъқиб қилиб келар эди. Маълумки, Бобур бу улкадаги салтанатни Ҳусравшоҳга қарашли мўғул лашкарлари туфайли қўлга киритган эди. Даштдаги эркин ва дағал ҳаёт тарзига ўрганган мўғуллар Бобур изнига ўтгач, уларнинг ҳуқуқлари анча чекланиб қолган эди. Бу эса улар орасида норозилик келиб чиқишига сабаб бўлди. Бир кун кечқурун шаҳар ташқаридаги Чорбоғдан келаётганда бир неча мўғул аскарлари унга ва унинг шерикларига ҳужум қилиб, шаҳаргача уларни таъқиб қилиб келдилар, лекин қўлга ололмадилар. Бундан хабар топган кўнгина Бобурнинг аскарлари шаҳар ичига оиласи ёнига қочиб кирдилар. Вазиятни тезда қўлга олмаса Абдураззоқни хон кўтариш ниятидаги мўғул бекалари ғолиб чиқишлари мумкин эди. Ғайрат-шижоатли саркарда, бақувват ва эпчил қиличбоз бўлган Бобур ўзига яқин навкарларини олиб уларга қарши қилич яланғочлади. Яккама-якка жангда мўғул бекаларидан бештасини ер тишлатди. Абдураззоқ қўлга олинди, лекин гуноҳи кечирилди. Бироқ кўп ўтмай яна хурмача қилиғини давом эттиргани учун ўлимга маҳкум қилинди. Шу тарзда мўғуллар неъни бостирилди. Бу воқеадан кейин Бобур Кобулда икки йилча хотиржам ҳаёт кечирди. Шоҳлик давридаги энг яхши беғубор кунлари ҳам, эҳтимол, шу кунлар бўлса керак. Унинг қудратли шоҳ, тажрибали лашкарбоши, меҳрибон устоз, ғамхўр ота, хуллас, олижаноб инсон эканлиги, ана шу кунларда унинг олдига бошпана излаб келган, холастининг ўғли бўлмиш тарихчи Мирзо Ҳайдар Дуғлатнинг ҳикоясидан кўриниб турибди.

Отаси Шайбонийхон буйруғи билан Ҳуросонда ўлдирилгач, унинг ёлғиз ўғли Мирзо Ҳайдарни Амударёга чўктириб юборишни Шайбоний ўз жияни, Бухоро ҳокими Убайдуллахонга топширди. Убайдуллахон Мирзо Ҳайдарнинг бева онасига уйланган бўлса ҳам, бу даҳшатли буйруқни бажармасликка журъат қила олмас эди. Мирзо Ҳайдар отасининг ўлими ҳақидаги хабар шаҳарнинг обрўли уламоларидан бири бўлмиш ҳазрат

Мавлононинг қулоғига бориб етгач, унинг топшириғига биноан, унинг шогирди ва Мирзо Ҳайдарнинг устози Ёлмиш Муҳаммад Садир Мавлоно Қози, шу ёш етимчани таваккал қилиб шаҳардан олиб чиқиб кетди ва кўп қийинчиликлар билан Бадахшонга, холасининг ўғли Хон Мирзо ҳузурига келди. У ердаги аҳвол унчалик яхши эмас эди, чунки Хон Мирзонинг турмуши ҳам ҳавас қиларлик даражада эмасди. Ҳайдар Мирзонинг тақдирдан хабар топган Бобур уни Қобулга олдириб келди. «Биз Қобулга етиб келганимизда,— деб ҳикоя қилади Мирзо Ҳайдар,— менинг ва подшоҳ (Бобур) нинг тоғаси Ёлмиш Ширим тоғойи бизнинг истиқболимизга чиқди ва бизни ўз уйига бошлади. У ерда мени ҳурмат билан кутиб олиб, яхши жойлаштирди. Подшоҳ ҳам уч кунлик муддат ичида ҳузурига етиб боришимизни хабар қилдирди. Менинг бахт қуёшим тутилишдан қутулиб эндигина тўлишиб, бошим узра нур соча бошлаган эди. Шоҳ ҳузурига мени чорлаб буйруқ келди. Мен унинг ҳузурига кирганимда ҳазрати олийларининг меҳр тўла кўзларидан, бахт тўла юзларидан нур ёғилиб, менинг устимга сочиларди. У саҳоватли ва омадли қўлларини мен томонга чўзди. Мен тиз чўкиб таъзим қилгач, қаддимни ростлаб у томонга юрдим ва у мени оталарча меҳр билан қучоқлаб бағрига босди ва шу тарзда мени йиқилиб кетишдан сақлаб, анчагача қучиб турди. Сўнг-ра ёнига ўтқазиб, илгаригидай самимият ва ардоқ билан ҳол-аҳвол сўрай бошлади. Кўзларидан эса тинимсиз ёш қуйилиб келарди.— Аблаҳ бекларнинг, хон тоғаларнинг ва бошқа қариндошларининг азобларини қачондан буён тортасан?— деди у.— Худога шукурлар бўлсинки, ниҳоят ҳузуримга соғ-омон етиб келибсан. Улардан узоқлашганингдан афсусланмагин, улардан кўришинг мумкин бўлган мурувватни ортинги билан мана мен кўрсатаман».

Ана шундай эҳтиросли сўзлар билан у мени юпатиб кўнглимни кўтарар эди. Шу билан кўнглимдаги ёлғизлик, ўкинч ва саргардонлик аламлари хотирамдан кўтарилди.— Сени ким бирга олиб келди?— деб сўради шоҳ.— Устозим Мавлоно Муҳаммад Садир.— Олиб келинглар!

Мавлонони тезда олиб келдилар. Унга кўзи тушиши биланоқ:— Мавлоно Муҳаммад Садир шу кишини бўладиларми?— деб сўради ва у кишини тўрға таклиф қилди, ташаккур билдириб, миннатдорчилик изҳор қилди. Шоҳ бизнинг йўлдаги саргузаштларимиз тафсилотини

сўради. Мавлоно эса батафсил ҳикоя қилиб бердилар. Уни ўзига яраша ёрлиқлар билан тақдирлаб, кузатиб қўйди.— Сен ҳали Султон Саидхонни кўрганинг йўғ-а?— деб сўради мendan ва амалдорлардан бирига унинг ҳузурига бошлаб боришни буюрди. Мен унга ҳамроҳ бўлиб хон билан ҳам кўришдим. Мен ҳазрати олийларининг ҳузуридан чиққанимда ҳам, менга кўрсатилган шоҳона марҳаматдан ҳамон лаззатланардим. Ташқарига чиққанимда сарой аъёнларидан бири келиб, шоҳ ҳазратлари сизга ажратган саройга мен олиб бораман, деди.

Хоналар гиламлар билан тўшалган, жиҳозлар эса юқори дид билан терилган эди. Турли-туман жовонлар кийимлар билан, идишлар эса турли хил таомлар билан тўла эди. Хуллас, ҳамма нарса мени кутиб олишга тайёр эди. Менинг вазиятимни гадоликдан шоҳона ҳаётга кириб қолган кишининг аҳволига таққослаш мумкин эди. Киши тасаввурига сиғиши мумкин бўлган ҳамма нарса ҳузуримда муҳайё эди. Шундай қилиб шоҳ ҳузурда ҳаловатда яшай бошладим. У менинг тарбиям ҳақида ҳам ғамхўрлик қилиб турди. Мени билми олишга чорлар, бу соҳада бирор ютуққа эришгудай бўлсам, уни бошқаларга намуна қилиб кўрсатар ва олқишларга кўмиб ташлар эди. Ўша пайтда у менга меҳрибон ота ўзининг суюкли ўғли ёки меросхўрига қилгандек меҳр ва муҳаббат билан муомала қилар эди. Мени отамдан жудо қилган кун мен учун энг оғир кун бўлган бўлса ҳам, шоҳнинг чексиз ғамхўрликлари туфайли бу жудоликни сезмадим. Ўша пайтдан (ҳижрий 915 йилдан 918 йилгача) бошлаб, унинг хизматида бўлган бутун давр мобайнида мен ҳамиша унинг ёнида бўлдим. От мени сафарга чиққанда ҳам, бирон даврадаги машваратда ҳам ундан ажралмас эдим. Фақат сабоқ олаётган пайтимдагина у мени безовта қилмас, сабоқ тугаши биланоқ киши юбориб мени ҳузурига чорлар эди. Унинг ёнида бўлган пайтларимда у ҳамиша менга оталарча ғамхўрлик ва талабчанлик билан муомала қиларди».

Бобурнинг ана шундай инсоний фазилатлари унинг Султон Саидхонга кўрсатган ғамхўрлигида ҳам ёрқин намоён бўлади. «Султон Саидхон Кобулга етиб келганда Подшоҳ (Бобур) уни дўстона ҳурмат билан кутиб олди»,— деб ҳикоя қилади унинг тарихчиси. У ҳаётлигида кўпинча Кобулда яшаган даври (1508 й. ноябридан 1510 й. декабригача) ҳеч қандай ташвишсиз ва беғубор ҳаёт даври бўлганини, бунақа давр бутун умри давомида қайта такрорланмаганини бир неча бор таъкидлаб

ҳикоя қилади. Бу давр Султон Саидхон учун энг ҳаловатли кунлар бўлиб, ҳар кун машаққат, ўйин-кулги, сайру тамоша ва базмдан холи бўлмас, ҳеч қандай ташвиш йўқ эди. Салтанат ташвишлари Бобуришох зиммасида эди. Шунга қарамай, шох унга энг азиз кишиси, қадрдон дўсти сифатида муомала қиларди.

Бобур шахсига берилган юқ ридаги чизгилар ҳеч қандай изох талаб қилмаса керак. Улар эндишгина 26 ёшга тўлган ёш подшомнинг тавасифини тўлаятигича ёритиб беради. Улар ўша пайтларда Осид Султонлари саройида бўладиган ҳасадгўйликларсиз очик чехра билан Бобурнинг характерини тўла изохлаб берганлар. Шуни эсдан чиқармаслик керакки, Бобур тарбиялаб вояга етказган бу икки йилит ўз даврининг энг етук ва қобилитли шахзодалари бўлиб етишдилар.

ШОҲ ИСМОИЛ ВА ШАЙБОНИЙ. БОБУР МОВАРОУННАҲРДА

1507 йилга келиб Фарбда гаройиб воқеалар рўй бериши кутилмоқда эди. Кандахордан қайтгач, Шайбонийхон Султон Ҳусайн Мирзо (Бойқаро) сулоласининг давомчилари уруғини батамом қуритиш учун ўзбек султонлари бошчилигида ўз қўшинини бутун Ҳуросон давлати ҳудудига ёйиб юборди. Машҳад, Нишопур ва Астербод шаҳарларидаги чигатой шахзодаларининг қўшини таслим қилинди. Султон Ҳусайн Мирзонинг ўғилларидан Бадруззамонгина жон сақлаб қолди ва қолган умрини мусофирликда ўтказди. 1510 йилнинг ёзида Шайбоний Ҳиротдан унинг шарқидаги ҳазорлар устига юриш қилди. Бироқ бу жойлардан ҳазорлар кўчиб, гуёки тоғлар орасига сингиб кетгандай эди. Қочоқ ҳазорларни тополмай ҳориган Шайбоний лашкари Хелмед дарёсининг энг чуқур оқадиған жойлари қирғоқларидан юришарди. Тик қояли қирғоқлардан дарё тубига тушиб сув олиб чиқиш ва кўп минг кишилик қўшинини сув билан таъминлашининг имкони йўқ эди. Чанқаған, ҳолдан тойган қўшин Ҳуросонга қайтгач, уларнинг анчагина қисмига уйларида қишлаб келиш учун руҳсат берилди. Қўшинининг асосий қисми тарқаб кетгач, Шайбоний ноҳуш хабар эшитди: Эроннинг қудратли шоҳи Шох Исмоил Сафавий мустаҳкам интизомли ва жангларда чишиққан қўшин билан Ҳуросон томон келаётган эди. Ҳусайн Бой-

қаро ерларига тарқалиб кетган Шайбоний лашкари Шоҳ Исмоилга қарашли Қармана атрофидаги ерларга ўтиб талончилик қилаётган эди.

Шоҳ Исмоил Шайбонийга хат йўллаб, унинг қўшини келтирган моддий зарар учун товон тўлашнинг ёхуд унга «ота мерос» бўлган ерларда иккинчи бор бундай ўз-босимчалликлар такрорланмаслиги чораларини кўришини ундан талаб қилди. Эрон шоҳи бу дунё лаззатидан воз кечган, тақводорлиги билан машҳур бўлган қаландарлар авлодидан келиб чиққан эди. У еттинчи Имом авлодларидангина бўлиб қолмай, унинг онаси ўша вақтдаги машҳур оқ қалпоқли туркманлар шаҳзодаси Узун Ҳасанининг қизи эди. Узун Ҳасанининг шуҳрати эса, бутун Эронга тарқалган эди.

Шоҳ Исмоилнинг отаси Ҳайдар Мирзо ҳам садоқатли навкарлардан иборат бўлган катта қўшинга лашкарбоши бўлган бўлса ҳам жангда шахид бўлган эди. Отасининг муваффақиятсизлигидан анча азият чеккан Исмоил ёшлигида тутқунликда ҳам бўлган эди. Отасининг ўлимидан сўнг тўрт йил зиндонда ётган ва акаси вафот этгач, озодликка чиқиб тўрт йил мобайнида бутун Эронни қўлга олган эди. Шайбоний билан юзма-юз келганда у эрдигина 24 ёшга кирган бўлиб, ғайрат-шижоатга тўла эди.

Эришган ҳарбий ютуқларидан мағрурланиб кетган Шайбонийхон Шоҳ Исмоилнинг даъвосига жавоб беришда унинг келиб чиқишига ишора қилиб, шоҳнинг журурига тегиб қўйди. Шоҳ Исмоилнинг ғалабалари шиа мазҳабидаги мусулмонларнинг маънафатини кўзлар, Шайбоний эса суннийлар мазҳабидан эди. У Шоҳ Исмоилга «ота мерос» ерлар ҳақида сўз юритганда нимага ишора қилаётганини тушунмаганини, чунки у эгаллаб турган мамлакат онасининг отасидан, (яъни босбоси туркман Узун Ҳасандан) қолганини, «ота мерос» эса ўз отасидан қолган бўлиши лозимлигига ишора қилиб йигит киши ота мулкига даъво қилиши, аёл киши эса онаси изидан бориши лозимлигига шама қилди. Унга ҳақератомуз совға — аёллар ўрайдиган рўмол ва унинг келиб чиқишига ишора қилиб қаландарларнинг тиланчилик қиладиган идиши (кашкул)ни жўнатди ва «Агар отангининг жим бўлганини унутган бўлсанг, мана бу совға сенга эслатиб қўяди, борди-ю, оёғингни тахт зинасига қўймоқчи бўлсанг, ёдингда бўлсин: шоҳликни келинчакдек бағрига босишни истаган киши уни очиқ жангда ютиб чиқиши керак», деган мазмунда бир байтни ҳам қўшиб

қўйди. Бундан ташқари яна илова қилдики, «борди-ю»-рисоладаги мусулмон сифатида Маккага ҳажга бормоқчи бўлсанг, Ироқдан ўтаётганимда мен билан учрашиш жойини тайин қил». Эронлик элчини жўнатиб, Шайбоний хазорларни қувиб юрган қўшинига етиб олиш учун йўлга отланди.

Бобоси Узун Ҳасанининг авлиё дарвешлар авлодидан эканлиги билан фахрланиб юрадиган шижоатли жангчи Шоҳ Исмоил Шайбонийнинг мазҳараомуз жавобини босиқлик билан қабул қилди ва унга яраша жавоб ҳозирлади. Унда айтилишича, агар йигит киши ота изидан борадиган бўлса, ҳаммамиз Одам Атонинг фарзандларимиз, демакки, ҳаммамиз унга эргашишимиз лозим. Борди-ю, «ота мерос»лик фақат салтанат эгаси бўлишдангина иборат бўладиган бўлса, унда Эронда ҳукм сурган Пешдодидан Қаённийгача бўлган сулолага, ёхуд Чингизхонга ва қолаверса, Шайбонийнинг ўзинга бу салтанат кимдан мерос қолган экан? Бунга қўшимча қилиб: «Эй нодон, ўлган отанг билан мақтаниб нима қиласан, оғзингдаги суяк билан ғурурланиб нима қиласан?» деган мазмунда бир байт ҳам қўшиб қўйди ва ўз навбатида Машҳаддаги Имом Ризо қабрини зиёрат қилишга бормоқчи эканини ва у ерда уни кутиб туражагини билдирди. Шайбонийнинг совғасига жавобан эса, тўр тўқийдиган йиг (урчак) билан бир оз тўқилган тўр ҳам жўнатди. Шайбонийнинг очик жангга таклифига жавобан ҳаёт-мамот жангига бел боғлаганини ва оёғи ғалаба узангисида маҳкам турганини маълум қилди. «Агар мен билан жанг майдонида йигит кишидай юзма-юз келсанг, масала можаросиз ҳал бўлади, борди-ю, бурчакка тиқилиб олсанг, мен жўнатган машғулот (тўр тўқиш иши—тарж) билан шўғуллан. Биз сен билан етарлича баҳслашдик, кел энди, қилчимиз зарбини жанг майдонида синаб кўрайлик, йиқилган йиқилганича қолсин», деган мазмунда байт ҳам қўшиб қўйди.

Бу жавобни жўнатибоқ Шоҳ Исмоил тезда лашкар тўплаб, рақибни ҳудудига ўтди. Йўлда учраган Шайбонийнинг навқарларини бирма-бир қириб борди. Улар Ҳирот томонга чекина бошладилар. Шоҳ Исмоилнинг Машҳад томон келаётганини эшитган Шайбоний Ҳиротда Жон Вафо Мирзони қолдириб, қўл остидаги кучлари билан Ҳуросон Шимолидаги Марв шаҳри томон йўл олди. Бу ерда Шимолий ҳудуддаги қўшинлардан ҳам ёрдам кутиш мумкин эди.

Шоҳ Исмоил Хуросондан ўтиб Машҳадда Имом Мир-

зо қадамжосини ва бошқа муқаддас жойларни зиёрат қилиб у ердаги қаландар ва дарвешларга совға ва садақалар бергач, Шайбоний билан учрашиш учун Марв томонга йўл олди. Шаҳар яқинидаги яйловда жуда қаттиқ жанг бўлди. Эронийлар лашкарбошини шаҳид бўлди. Жон Вафо ва унинг ўзбеклардан иборат қўшини яқсон қилинди. Қўшини анча сусайиб қолган Шайбоний шаҳар қалъасига чекинди. Уйларига тарқаб кетган бекларни тўплаш учун Амударёнинг нариги қирғоғига шошилгич чопарлар жўнатди. Шоҳ Исмоил етиб келгач, шаҳар қалъаси атрофида кўзга кўринарли масофада шаҳарни қамал қилди. Лекин вақтни бой бермаслик лозим эди, чунки Шайбонийнинг ёрдамчи кучлари Мовароуннаҳр ва Туркистондан етиб келиб қолиши мумкин эди. Шунинг учун Шайбонийни қалъадан чиқариш мақсадида гўёки чекингандек, Шоҳ Исмоил қўшини шаҳардан узоқлашди. Кетиш олдидан Шайбонийга хат йўллаб, унда ўз ваъдасига биноан Ҳуросонга келгани, Машҳад зиёратини ҳам адо этгани, бироқ Шайбоний учрашувдан қочгани ҳамда Ироққа юриш ваъдасини ҳам бажармаганини таъна қилиб айтди. Энди эса уйга қайтаётганини, борди-ю, Маккага бориб қолгудай бўлса, у билан учрашишдан хурсанд бўлишини билдирди.

Ҳарбий ҳийла кутилгандек натижа берди. Шайбоний шаҳардан чиқиб 25 минг отлиқ аскарни билан ғазоват уруши эълон қилиб, рақибини таъқиб эта бошлади. Лашкарбошини Қамбарбийнинг Бухоро ва Самарқанд султонлари жўнатган 20 минг кишилик лашкарини ҳам кутишни хоҳламади. Унинг олдинда бораётган илғор қўшини Шоҳ Исмоилнинг орқада кетаётган бир неча юз отлиқларини тор-мор қилди ва бундан руҳланиб дарёнинг нариги қирғоғига ўтиб 10—12 мил масофада очиқ майдонга чиқдилар. Айнан шуни кутиб турган Шоҳ Исмоил ўз қўшинининг каттагина қисмини Шайбоний қўшинларининг орқасига, дарё кўпригини эгаллаш учун жўнатди. Натижада Шайбоний аскарлари ўртада қолди. Олдинда 17 минг отлиқ ҳужумга ўтди. Ўзбеклар аввалгидек мардонавор жанг қилдилар, лекин яхши тайёрланган қизилбошлар (эронийлар—тарж)нинг қўли баланд кела бошлади. Ураб олган рақиб кўрғонини ёриб чиқишда хоннинг ортидан келаётган қўшинининг оёғи остида қолиб, Шайбонийхон эзгилаб ташланди. Жанг охирида унинг жасадини топиб Шоҳ Исмоил ҳузурига келтирдилар. Жасаднинг боши кесилиб, танаси ва оёқ-қўллари бўлақларга ажратилди ва бу бўлақлар Шайбоний

ҳукмдорлик қилган мамлакатларга сазойи қилиш учун жўнатилди. Бош чаноқ суяги эса олтин билан қопланиб, Шоҳ Исмоил учун шароб ичалдиган косага айлантирилди. Бош териси шилиб олиниб Истамбулга — турк Султони Боязидга жўнатилди.

Бу ҳақда баъзи ривоятлар туқилган эди. Айтишларича, Мозандарон ҳокими Оға Рустам Рўзафзун кўп вақт Шоҳ Исмоилга рақиблик назари билан қараб келган ва айрим базмларда бир қўли Шайбонийнинг этагида турганини намоишкорона айтиб юрар эди. Ана шундай ўтиришлардан бирида Шоҳ Исмоилнинг жўнатган кишиси Оға Рустам Тобаристоннинг таниқли аъёнлари даврасида ўтирган базмга журъат билан кириб Шоҳ Исмоилнинг хатини бор овози билан ўқиб берибди. Хатда шундай дейилган эди: «Сенинг қўлинг ҳеч қачон Шайбоний чопонининг этагига етмаган бўлса ҳам, мана, унинг қўли сенинг этагингга тегди». Ана шундай деб Исмоилнинг элчиси танасидан жудо қилинган қўлини Оға Рустамнинг оёқлари остига улоқтирибди. Ҳайратдан қотиб қолган шахзода ҳам, унинг мулозимлари ҳам ҳалиги одамнинг базмхонадан қандай чиқиб кетганини сезмай қолинибди. Бу ҳодиса Мозандарон султониининг руҳига ёмон таъсир қилибди ва кўп ўтмай ўзига қарашли ерлардан бир қисмини Шоҳ Исмоилга ҳадя қилибди.

Шундай қилиб Бобурдек улуг инсоннинг бошига кўп мусибатлар солган, уни ота юртидаги салтанатидан маҳрум қилиб, қувғинда, мусофирликда яшашга мажбур қилган Муҳаммад Шайбонийхон тақдирини ана шундай аянчли ниҳояга сазовор бўлди.

Марв яқинидаги бу тарихий жанг 1510 йилнинг 2 декабрида юз берган эди. Шу ойнинг ўзандаёқ бу жанг тафсилоти Хон Мирзонинг чопарлари орқали Бобуршоҳга етказилди. Хат ёзилган пайтда Шайбонийнинг ҳали тақдирини ҳал қилинмаган эди. Хатда Шайбоний беклари Қундузнини ташлаб чиқиб кетаётгани, йигирма мингга яқин мўғул лашкари эса ўзбеклардан ажраб Қундузга келгани ва бу ерда Хон Мирзо ўзи ҳокимлик қилиб тургани ва ота-боболари салтанатини тиклаш йўлида Бобуршоҳга қўшилишга тайёр экани маълум қилинган эди. Бобурнинг қўнғилини таскин топтирадиган бундан яхшироқ хабар бўлиши мумкин эмас эди. Қўнғилинига қарамай Обдара доғидан ошиб, Бомбейга кетди ва Рамазон рўзасини шу ерда ўтказиб, январь ойида Қундузга етиб келди. Бу ерда бир оз дам олгач, келажак режаларини

тузди. Қиш охирида Амударёдан ўтиб бу ерда ҳукмронлик қилаётган ўзбек султонлари—Ҳамза Султон ва Маҳди Султонни Ҳисор—Шодмон қалъасидан қувиб чиқаришни мўлжаллади.

Бобурнинг келаётганини эшитган Ҳамза Султон Вахшга қараб чекинди. Бир-бирини бир оз вақт қувиб юришгач, жанг қилмасданоқ Бобур Қундузга Ҳамза Султон эса Ҳисорга қайтиб келишди.

Бобур Қундузда турганида Шоҳ Исмоилдан элчилар келди. Улар совға-саломлар билан Бобурнинг Самарқанд қамалидан сўнг Шайбоний никоҳига олинган эгачиси Хонзода Бегимни олиб келган эдилар. Хонзода Бегимнинг Шайбонийдан бўлган Ҳуррамшоҳ исмли бир ўғли бўлиб, у ҳам онаси билан бирга келган эди. Ҳуррамшоҳга Баалх ҳокимлиги берилди. Бироқ икки йил ўтмай у вафот этди.

Хонзода Бегимнинг укаси Бобур Мирзо билан тил бириктириб ўзига қарши фитна уюштиришидан чўчиган Шайбоний кўп ўтмай уни талоқ қилиб, диндор оғладан чиққан Зиё Ходи исмли кишига берган эди. Зиё Ходи Марв ёнидаги жангда ҳалок бўлиб, Хонзода Бегим эронийларга асир тушган эди. Бобурнинг опаси эканини билгач, шоҳ Исмоил унга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб, совға-саломлар ва хизматкорлари билан укаси ҳузурига жўнатган эди. У шаҳзода Бобур билан дўстлик муносабатлари ўрнатиш фикрида эди. Бобурнинг ҳикоя қилишича, опасининг келаётганини эшитиб, сарой аъёнлари ва мулозимлари билан уни кутгани анча масофа йўлга келишди. Бобур ўшанда 28 ёшда эди. Орадан утган ўн йиллик воқеалар опа-уканинг иккаласини ҳам шунчалик ўзгартириб юборган эдики, у опасига мурожаат қилганда ҳам, улар бир-бирларини танимадилар. Бегим умрининг қолган қисмини Кобулда, подшоҳ укаси ҳузурида ҳурмат-эҳтиромда ўтказди.

Шу пайтгача иккиланиб турган Бобур совға-саломлар тайёрлаб, тезлик билан Хон Мирзони шоҳ Исмоил ҳузурига йўллаб, эришилган улкан ғалаба билан қутлади, опасига кўрсатилган иззат-ҳурмат учун миннатдорчилик изҳор қилди ва Мовароуннаҳрдаги аввалги салтанатини тиклашда ёрдам кўрсатишини илтимос қилди.

Шайбоний синдирилган бўлса ҳам унинг издошлари — ўғил ва жиянлари Мовароуннаҳрнинг кучли марказларини ўз қўлларида сақлаб турар ва Бобурнинг эркин ҳаракат қилишига йўл қўймас эдилар. Шайбонийнинг ўғли Темур Султон Самарқандда, жияни Убайдул-

лохон Бухорода, амакисининг ўгли Жонибек Султон Андижонда, Абдулхайрхоннинг ўгли Кўчимхон Туркистонда, унинг ўгли Суюнбек эса Тошкентда ҳукмдорлик қилар эдилар.

1511 йилнинг баҳорида Шоҳ Исмоил Мовароуннаҳрга юриш бошлаб Парапомисон тоғ тизмаларидан ўтиб, Маймана ва Қорарботга етиб келди. Бу ерда Темур Султон жўнатган ўзбеклар элчисига рўпара келди. Улар катта совға-саломлар билан сулҳ тузгани келган эдилар. Бу сулҳ Шоҳ Исмоилга Туркия ва Озарбайжонга юриш имкониятини берар эди. Шунинг учун у рози бўлди. Сулҳ шартларига кўра, Амударё уларнинг мулки орасидаги чегара бўлмоғи лозим эди. Дарёнинг жанубий қирғоғи Шоҳ Исмоил тасарруфига ўтди. Келишувга кўра узоқ вақт Ҳуросонга қарашли бўлган Хоразм воҳаси Шоҳ Исмоил ихтиёрига ўтди, бироқ бу мамлакатдан улкан саҳро орқали ажралиб қолгани ва алоқа қийинлашгани туфайли кўп ўтмай Хоразм яна шимолдан келган босқинчилар қўлига ўтди. Сулҳ тузилгач, Шоҳ Исмоил Хиротга қайтди.

Бобур Шоҳ Исмоилдан ёрдам сўраб ёзган хатининг натижасини кутиб турган пайтда Зиёд Муҳаммад Мирзо (тарихчи Ҳайдар Мирзонинг тоғаси, Ўратепанинг марҳум ҳокими Ҳусаин Мирзонинг ўгли) дан хушxabар келди. Унда айтилишича, Зиёд Муҳаммад Мирзо Шайбоний ўзбекларини Фарғона давлати ҳудудидан ҳайдаб чиқарган эди. Тезлик билан қўшин тузилиб, унга Султон Саидхон лашкарбоши қилиб тайинланди ва Андижонга жўнатилди. Шу орада Шоҳ Исмоил ёрдамга жўнатган қўшиннинг бир қисми билан Хон Мирзо ҳам етиб келди. Ўзбеклар у билан тузилган сулҳни бузишгандан сўнг, Шоҳ Исмоил Мовароуннаҳрда Бобур яна ўз салтанатини тиклаши лозимлигини тушуна бошлаган эди. Ёрдамчи кучлар билан Бобур Хисорга йўл олди. Лекин ўзбеклар ҳам қўл қовуштириб турмаган эдилар. Уларнинг келишувига кўра, Кўчимхон ва Суюнбекхон Жонибекхон билан ҳамкорликда Фарғонада ўзининг авалги қудратини тиклаши, Убайдулло Султон Қаршида қолиши, Темур Султон ва бошқа хонлар Ҳамза Султон ва Махди Султонга Подшоҳ Бобурни Хисордан сиқиб чиқаришларида кўмаклашишлари лозим эди. Бобур ўз қўшини билан Сухроб дарёсидаги Пул Сангин (тош кўприк)га етиб келганда уни аллақачон Ҳамза Султон эгаллаб олган эди. Анча давом этган жангдан сўнг рақиб қўшини сувсизликдан чанқаб, очиқ жанг майдонидан сув томон

чекинди. Хон Мирзо қўшинларининг зарбидан сўнг душман саросимага тушиб чекинди. Ҳуфтон намозига яқин Ҳамза Султон билан Маҳди Султон қўлга олиниб, Бобур ҳузурига келтирилди. Қочоқларни эса туну кун қувиб Оханин дарвозасигача олиб бориб қўйишди.

Ҳисор олингач, Бобуршоҳ ўз қўшинларини шу ерда тўплай бошлади. Унга Шоҳ Исмоил юборган Мустафо Али ва Шоҳруҳ Султон Муҳрдор бошчилигида ёрдамчи ўқчилар келиб қўшилди. Яқин атрофдаги қабилалардан ҳам навкарлар, отличлар келиб қўшилиб, жами қўшин сонни отличлару—пиёдалар билан 60 мингга етиб қолган эди. Эронийлар (қизилбошлар) қўшинига Шоҳ Исмоилнинг бекларидан Аҳмад Султон Сайфи, Алихон Истижлу ва Шоҳруҳхон Афжарлар бошчилик қиларди. Бобур ана шундай қудратли лашкарлар билан Қаршига йўл олди. Убайдулохон Қаршини ташлаб, Бухорога шошилаётган эди. Бухоро қўлга кирса, Қарши ўз-ўзидан таслим бўлиши керак эди. Шитоб билан юриб ўзбек султонларидан илгарироқ Бухорога етиб келинди. Вақтни бой берганини англаган ўзбек султонлари йўлда учраган қишлоқларни талон-торож қилиб, Туркистон сари йўл олдилар. Келаётган ваҳимадан даҳшатга тушган Самарқанддаги ўзбек султонлари ҳам паноҳ излаб Туркистонга қочдилар. Шундай қилиб, тўққиз йиллик ҳукмронликдан сўнг ўзбеклар яна Мовароуннаҳрдан қувиб чиқарилдилар.

Бухорода бир оз тўхтагач, Бобур Самарқандга йўл олди. Унинг йўли тантанавор, ғолибона юриш йўли бўлди. У қаерга келмасин, оддий фуқаро—деҳқонлар, савдогарлар, ҳунармандлар ва бутун шаҳар аҳли яна ўзларининг аввалги ҳукмдори қайтиб келганидан мамнун эканини билдириб, уни ҳар қадамда олқишлар эдилар. 1511 йил октябрь ойининг бошларида Бобур Самарқанд хони деб эълон қилинди. Эроний аскарларни катта совға-саломлар билан сийлаб, уларни ўз юртларига кузатиб қўйдилар.

Бухоро ва Самарқандда бу воқеалар давом этаётганда Султон Саидхон мўғул қўшинлари билан Қундуздан Андижонга жўнаган эди. У ерда уни Зиёд Муҳаммад Мирзо кутиб олди. У етиб келгач, юқорида айтганимиз—Самарқандда бўлган ўзбек султонларининг кенгашида Қуicumхон ва Суюнбекхон Жонибек Султон билан биргаликда Фарғона давлати ҳудудидан мўғулларни қувиб чиқаришлари лозим эди. Шунга кўра улар Ахсига юриш қилб, Қосонни қамал қилдилар. Шаҳар ўзини ҳи-

моя қила олмас эди. Шунинг учун Султон Саидхон асосий кучларидан бир гуруҳини, душманга юзма-юз кела олмаса ҳам, уни чалғитиб туриш учун Косон атрофидаги адирларга жўнатди. Бу пайтда Андижонга кўз тикканлар фақатгина ўзбек султонлари эмас эди. Шайбонийнинг ўлимидан кейинги тўс-тўполондан фойдаланиб, ҳокимиятга эга бўлиб олиш пайида юрган Абубакир Мирзо ҳам Фарғонанинг энг яхши шаҳарларидан Ўзган, Уш ва Мадунни эгаллаб, энди Андижонни қамал қилиш пайига тушган эди. Икки-уч минг кишилик қўшини билан шаҳар аҳолиси ўзини ҳимоя қила олмас эди, шунинг учун ҳам Хон саросимага тушиб қолган эди. Бу орада ўзбек қўшинлари Косон қалъаси деворларига нарвонлар қўйиб, шаҳарга кира бошлади. Унга қарши туришга кўзи етмаган шаҳар ҳимоячилари шаҳар дарвозасидан очиқ далага чиқиб Андижон томонга қочиб қолдилар ва жуда зарур пайтда — Абубакир қўшинларига қарши урушиш пайтида ёрдамга етиб келдилар. Бу пайтда Султон Саидхон ўз қўшини билан рақибини кутиб олиш учун шаҳар ташқарисига чиққан эди ва Тутлуғ (Хўжаобод яқинида «Тутлуғ азиз» деган жой ҳозир ҳам бор — тарж) деган жойда жангга киришдилар. Косондан келган кучлар билан бирикиб Абубакир қўшинларини тормор қилдилар, уч мингдан ортиқ киши асир қилиниб, Андижон боғига олиб келинди ва уларнинг ҳаммаси ўлимга буюрилди. Қатл бошлангач, Зиёд Муҳаммад Мирзо тиз чўкиб ёлвориб, Султон Саидхондан уларнинг қонини кечишини сўради. Чунки бу кишилар Қашқар йўлидаги шаҳарлар аҳолиси бўлиб, кейинги юришимизда бизга ҳамроҳ бўлишлари мумкин, деб уни ишонтирди ва уч мингдан ортиқ кишининг ҳаёти сақлаб қолинди. Шу тарзда Андижон ва Самарқанд орасидаги алоқа тикланди, ўзбеклар эса ўн икки йиллик саргузаштдан сўнг Туркистонга ҳайдалди. Бобур Тошкентни Мир Аҳмад Қосим Қўхбурга, Сайрамни эса унинг укаси Қиттахбекка берди. Бобурнинг салтанати ҳудуди Ҳиндистонга борғунига қадар бунчалик катта ҳажмда кенгаймаган эди. Узоқ Мўғулистон чулларидан Ғазнагача, Қобул, Ғазна, Қундуз, Хисор, Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Тошкент ва Сайрам унга қарашли эди. Қобул ва Ғазнани энди у укаси Носир Мирзога берган эди. Бундай улкан давлатга подшоҳ бўлганда Бобур эндигина 29 нчи баҳорни кўрган эди. Келаётган қишини Бобуршоҳ бошқа йилларга нисбатан анча хотиржамликда ўтказди. Асосан, давлат ишлари билан машғул бўлди ва севимли машғулотли —

ов билан банд бўлди. Гуёки хотиржамликка берилса, бўлаверадигандай вазият ҳукм сурарди. Лекин ҳақиқий сиёсий вазият эса анча бесарамжон эди. Маълумки, икки дарё оралиғидаги мамлакат аҳолиси, асосан, ўз тирикчилиги билан машғул бўлиб, баъзан мамлакатда бўлаётган сиёсий ғалабеларда ҳам иштирок этиб турарди. Бўлиб ўтган ёки ўтаётган тўс-тўполокларнинг асосий ташкилотчилари ва иштирокчилари мўғул қабилалари, мўғул, ўзбек ва туркман ўрдаларидаги сultonлар эди. Улар яна вазиятни қўлга олиш учун тайёргарлик кўраётган эдилар. Афтидан, Бобуршоҳ ўзининг мунтазам лашкарини тўла шакллантириб олмай туриб, Шоҳ Исмоилнинг қизилбошлар қўшинига қайтиб кетиш учун рухсат беришда бир оз шошилган кўринар эди.

Мовароуннаҳрдаги муваффақиятлари учун у Шоҳ Исмоилнинг унга кўрсатган ёрдамидан миннатдорлик белгиси сифатида фақат ўзигина эмас, балки лашкари ҳам эронийлар кийган ҳарбий кийимни кийиши ва айниқса, эроний салла ўраши лозимлиги ҳақидаги фармони сунний мазҳабга мансуб бўлган Мовароуннаҳр аҳолисини бир оз ранжитган эди. Чунки Шоҳ Исмоил ўн икки имомдан бирининг авлодларидан санатиб, шиа мазҳабига мансуб эди, шунинг учун ҳам саллаини ўн икки қават қилиб ўрар ва бошдан оёғигача қизил матодан тайёрланган шиналар кийимда кўзга ташланиб туриши лозим эди. Шунинг учун ҳам эронийлар суннийлар томонидан «қизилбошлар» деб юритиларди. Бундан ташқари Шоҳ Исмоилнинг номи Хуросон ва бошқа шаҳардаги масжидларда хутбага қўшиб ўқилар, ҳаттоки, айрим тарихчиларнинг маълумотларига қараганда, унинг номида танга пул ҳам зарб қилинган эди. Бу эса юқорида айтганимиздек, сунний мазҳабга мансуб бўлган мовароуннаҳрликларнинг, хусусан, Бухоро ва Самарқанд аҳолисининг ғазабини кўзгатар эди. Шунинг учун ҳам ҳаминша беқиёс шуҳрат эгаси бўлиб келган Бобурнинг обрўси тез орада халқ назарида пасайиб кетди.

Сирдарё ортидан яна уруш бўронининг шабадаси келаётган эди. Баҳор келиши биланоқ Шоҳ Исмоилнинг Ироққа кетганини эшитган ўзбеклар яна Мовароуннаҳрдаги эски мавқеини тиклаш мақсадида кўзғалиб қолдилар. Бир тўп лашкар Тошкентга, иккинчиси эса Убайдуллохон бошчилигида Бухорога йўл олди. Бир қисм лашкарни Тошкент ҳимоясига жўнатиб, Бобур Убайдуллохонни кутиб олиш учун унга қарши юрди. Бухоро яқинига келиб қолган Убайдулло бир оз чекинишни маъқул

кўрди ва Қўли—Маликда Бобур унга етиб олди. Жуда қаттиқ жангдан сўнг Бобур чекинишга мажбур бўлди. Душман уни Самарқандгача қувиб келиб, шаҳарни қамал қилди. Қишдан эндигина чиққан шаҳар аҳолиси қамалга бардош бера олмас эди. Қаршилик кўрсатишнинг беҳуда эканига кўзи етган Бобур пойтахтни ташлаб Хисор томон йўл олди. Орадан кўп ўтмай ўзбек қўшинлари уни таъқиб қилиб Хисорга келдилар. Бобур қўл остидаги мўғуллари ва бошқа аскарлари билан ҳаммаёқни тўсиб шаҳарни ҳимоя қилди ва тезлик билан Балхдаги Шоҳ Исмоил қўшинлари қўмондони Байрамхонга одам юбориб, ундан ёрдам сўради. Ёрдамчи куч етиб келиши билан ўзбеклар Чағониёнга қайтдилар. Қўли — Маликдаги талафотлардан кейиноқ Бобур Шоҳ Исмоилга ёрдам сўраб мурожаат қилган эди. У дарҳол ўзининг молия ишлари вазири Амир Нажимни Хуросондан Бобур ҳузурига жўнатди. Амир Нажим ва Байрамхон келиб қўшилгач, Бобур қўшинлари 60 минг кишига етди.

Қўзнинг бошларида Ғузорга келиб, уни олдилар. Кейин Қаршига ҳужум қилинди. Лекин шаҳар қалъаси Убайдуллохон бошчилигида қаттиқ ҳимоя қилинди. Амир Нажим шаҳарнинг 15 минг кишилик аҳолисини ёши ва жинсидан қатъий назар қилишдан ўтказишга буйруқ берди. Асосий аҳолиси Бобур мансуб бўлган чигатой турклари бўлгани учун у Амир Нажимдан бу ишни тўхтатишни ўтиниб сўради. Бу жангда Бобур иккинчи даражали шахс сифатида турар эди. Жуда кўп авлиё ва уламолар, шу жумладан Мавлоно Биноий ҳам шу қатлиомда шахид кетди. «Ана шу қатлиомдан сўнг,— деб ҳикоя қилади тарихчи Мирзо Искандар,— Амир Нажимнинг ҳама ишлари чаппасидан кетди». Қаршидан сўнг Ғиждувонга ҳужум қилинди. Темур Султон ўз қўшини билан Убайдуллохонга ёрдамга келди. Яхши қуролланган ўзбеклар қизилбошлар қўшинидан ғолиб келди. Қаршидаги шафқатсизлигидан сўнг қизилбошлар Амир Нажимга ёрдам беришдан бош тортдилар, натижада у асир олиниб, қатл қилинди. Қолган-қутган аскарлар Қаркида Амударёдан ўтиб Хуросонга қайтдилар. Ғиждувондаги муваффақиятсиз жанг, эронийлар қўшинининг тарқаб кетиши, ўзбеклар қўшинининг кўпайиши ва уларнинг эгаллаган мавқеи Бобурнинг яна Бухоро ва Самарқанд тахтига қайтишига ҳеч қандай умид қолдирмади. Лекин Бобурнинг омадсизликлари бугина эмас эди. У ўз хотираларида қўл остидаги мўғулларнинг тартибсизлиги, ваҳшийликлари ҳақида кўп ёзган. Ўша урушдан

кейин Бобурнинг қайта оёққа туришига ишончи қолмаган мўғуллар унга қарши суиқасд уюштирдилар. Уларнинг бошида Мир Айюббек, Мир Муҳаммад, Ёдгор Мирзо ва Назар Мирзолар турар эди. Улар тунда Бобур ухлаб ётган чодирга ҳужум қилиб, соқчиларни улоқтирдилар ва шовқин-сурондан уйғониб кетган Бобур ички кийимида қочиб чиқиб, Хисор қалъаси ичига яширинди. Омади юришмаган мўғуллар йўлда учраган кишини талаб Қоратегин томонга қочдилар. Бобур Хисорда ишончли амирларини қолдириб Қундузга кетди. Бутун Хисор водийси мўғуллар қўлида қолган эди. Қундузда бир оз вақт нима қиларини билмай тентираб юриб, Бадахшонда Хон Мирзони қолдириб, Бобур яна бир марта Ҳиндукуш тоғларидан ошиб Кобулга келди.

АРҒУНЛАР КАНДАХОРДА

Бобуршоҳ 1514 йилда ўзбекларнинг кўп сонли қўшини томонидан Мовароуннаҳрдан қувиб чиқарилгач, Кобулга қайтиб келди. Ўз ўрнига қўйиб кетган кичик укаси Носир Мирзо уни ҳурмат-эҳтиром билан кутиб олиб, илгари ўзи эгаллаб турган Ғазнага кетишга акасидан изн сўради. Бобуршоҳ салтанатдаги энг ноёб совға-саломлар билан укасини сийлаб, уни Ғазнага кузатиб қўйди. Бироқ кейинги йилларда ичкиликка берилиб кетган Носир Мирзо ўша дарднинг қурбони бўлди ва келаси (1515 й) йили вафот этди. Ундан Ёдгор Носир Мирзо исмли ўғил қолди.

Носир Мирзонинг ўлими мўғулларнинг яна бир исёнига сабаб бўлди. Ғазна атрофидаги туманларни ўзаро таллашиб Бобурнинг тоғаси Ширин тоғойи, унинг укаси Мир Мажид Важка, Қул Назар, хуллас ҳамма мўғул беклари бош кўтардилар. Уларга Бобурнинг энг яқин кишиларидан бўлган, яқиндагина Самарқанд, Уратепа ва тоғли туманларга ҳокимлик қилган Мавлоно Бобо Пошоғарий, Тошкент доруғаси бўлган Мир Аҳмад Кўхбур кабилар ҳам қўшилган эди. Бу қўзғолоннинг асл моҳияти бизга қоронғу, Бобур Дўст Бекга тасниф берганда йўл-йўлакай у Ғазна атрофидаги туманларни талаб юрганда унга бир неча сараланган мўғул сардорлари ҳужум қилганини, лекин у мўғуллардан устун келиб уларнинг кўпини асир қилиб олиб келганини ҳикоя қилади. Лекин Мирзо Ҳайдарнинг гувоҳлик беришича, бу қўзғолонни Бобурнинг вазири бўлмиш Амир Қосим Қочиннинг

Ўгли Қамбар Али Қундуздан катта қўшин билан келиб бостирган, куплари асир олинган, айримлари эса Қашқар томонга қочган. Ширим тоғойи, Ҳайдар Мирзанинг айтишича, бир оз вақт Султон Саидхон ҳузурда хизмат қилган, ўзини ўзи эплай олмай, яна қайтиб Бобуршоҳ ҳузурига бош уриб келган. Унинг аввалги хизматларини ҳисобга олиб, Бобур яна олижаноблик билан унинг гуноҳларини кечириб яна хизматга олди, бироқ у кўп ўтмай бу ўткинчи дунёдан кўз юмди. 1519 йилгача бўлган давр бошқа давр бўлиб, бу пайтда Бобур салтанатдаги ишларни такомиллаштириш ҳамда яқин атрофдаги тоғли қайсар қабилаларни ўзига бўйсундириш ишлари билан банд бўлди. Хазорлар, аймоқлар ва афғон қабилалари Бобур Деҳлини олгунга қадар ҳам унга тула бўйсунмайдиган бош тортиб, солиқларни ҳам ўз вақтида тўламаг эдилар. Ҳозирги афғон давлатига қарашли, яъни Ҳиндистон чегараларигача бўлган ҳудудни Бобур Қобулга тула бўйсундирган эди.

1519 йилга келиб ҳозиргача мустақил бўлган Бажур Султониغا қарши юриш бошланди. Бу юришда уларнинг душмани бўлмиш дилозоқ афғонлари йўлбошчилик қилдилар. Қаттиқ жангдан сўнг Бажур қалъаси олинди, уни бошқариш Хўжа Қалонга топширилди. Бажур қўрғони катта қурбонлар билан таслим бўлганини эшитиб Савоб қўрғони ҳам таслим бўлди. Шу пайтгача эркин турмуш кечириб келган тоғли афғон қабилаларига йилга 6000 пуд ғалла топшириш солиғи солинди. Мовароуннаҳрдан қайтиб келгандан буён Бобурнинг фикри зикри Қандахор ва Ҳиндистонни эгаллаш билан банд эди. У Қобул билан Ғазнани қўлга олганда биратўла осонгина Қандахорни ҳам қўлга киритган эди-ю, бироқ Шайбоний ундан бу ерларни тортиб олиб Зуннун Арғуннинг ўгли Шохбекка берган эди. Шохбек анча кучли Қобилият эгаси бўлиб, давлат ва ҳарбий ишларни бошқаришда яхши тажрибага эга эди.

Қатта ҳарбий куч тўплаб Бобур Қандахорга юриш қилганда, Шохбекнинг қаттиқ қаршилигига рўбару келди. Жанг майдонида қўшин орасида катта тартибсизликлар рўй берди. Шу пайт кутилмаганда Шохбекдан Қандахорнинг обрўли кишиларидан иборат элчилар катта совға-саломлар билан яраш сулҳи тузиш учун келиб қолди. Бобур совға-саломларни қабул қилиб, яраш сулҳи тузилди ва ўзи яна Қобулга қайтиб келди. Шохбек эса асосий рақибидан қутулганидан фойдаланиб, Синд вилоятига юриш қилди, чунки унинг Султони Жам Нанда

вафотидан кейин бу вилоятда бошбошдоқлик авжига чиққан эди. У Қохон ва Бобон қалъаларини босиб олиб, бошқа ўлжалардан ташқари мингтадан кам бўлмаган миқдорда туя ҳам олиб кетди ва улардан сув чиқариш ишларида—чархпалакни айлантиришда фойдаландилар. Кейинги йили Бобур ўжар афғонларни бўйсундириш ва Панжобни босиб олиш билан банд бўлди, Панжобдан ўтиб Сналкот ва Ченобгача борганда кандахорликлар Бобур қўл остидаги ерларга бостириб кираётгани ҳақида хабар топиб орқага қайтди. Бу воқеадан сўнг Ҳиндистонга юриш қилишдан олдин орқасида Кандахордек ганимини қолдириб Кобулдан чиқиб кетишни маъқул кўрмади ва Кандахорни бўйсундиришга отланди.

1519 йил Кандахорда қаттиқ очарчилик йили бўлган эди. Бобур шаҳарни қамал қилди. Очликдан силласи қуриган шаҳар аъёнлари Бобурдан уларни қамалдан қутқаришни сурадилар. Очарчилик кетидан шаҳарда вабо тарқалиб, Бобур қўшинларигача етиб келди. Лекин Бобур ўз ниятидан қайтмас эди. Шохбекининг кишилари сулҳ тузиш учун яна келдилар. Сулҳ шартларига кўра, Шохбекка онла аъзолари ва мол-мулкнинг олиб чиқиб кетиш учун бир йил муҳлат берилди ва уларни Шол ва Сивн шаҳарларига олиб чиқиб кетгач, Бобур яна келганда унга Кандахорнинг калитини «Ҳабиб-ус-сияр» асарининг муаллифи, машҳур тарихчи Хондамирнинг жияни Мир Ғиёсиддин (1522 й.) топширди. Шунинг билан Бобуршоҳнинг салтанати Кандахор ўлкаси ва Гармсир вилоятининг бир қисмини ҳам ўз ичига олди. Унинг салтанати бунчалик ҳажмда ҳеч қачон кенгаймаган эди.

БОБУРШОҲ ҲИНДИСТОНДА. ҲИНДИСТОННИНГ ОЛИНИШИ. ПОНИПАТДАГИ ЖАНГ

Бобурнинг кейинги йиллардаги ҳаёти тарихда ўчмас из қолдирган жасоратли ишларга тўла бўлди. Улардан энг муҳими Ҳиндистоннинг босиб олинишидир. Айниқса, Деҳли ва унга қарам бўлган жойларнинг қўлга киритилиши муҳим аҳамият касб этади. Бу юриш Бобур Кобул ва Фазнага ҳукмдор бўлгандан йигирма йилдан кўпроқ вақт ўтгандан сўнг рўй берди. Бунгача бўлган даврда Бобур Бадахшон, Қундуз ҳамда Кандахорда ҳам ҳукмронликни қўлга киритган эди. Бобурнинг Ҳиндистонга қилган юриши тафсилотларидан аввал унинг бу ердаги

салтанатнинг шаклланишида маълум даражада сезиларли аҳамият касб этадиган ҳолатларга, яъни Бобургача бўлган Ҳиндистондаги давлат тузилиши, Деҳли салтанати ва унда юз берган воқеалар ҳақида қисқача ҳикоя қилиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳиндистон ва унинг таркибига кирувчи мамлакатларнинг кўп сонли аҳолисининг тақдирини азалдан шимолдан келувчи босқинчиларнинг қурбони бўлишга маҳкум этилгандек кўринади. Улар ўз мамлакатининг табиий чегараси бўлмиш Ҳимолай тоғларидан Ҳинд уммонигача бўлган улкан ҳудуддан ташқарида қадим даврлардан буён ҳеч қандай босқинчилик юришлари қилмаганлар. Узоқ даврлардаги форслар ва юнонларнинг юришларидан кейин бу ўлкага кейинги даврларда оснелик мусулмонлар қуруқликдан, овруполик христианлар эса денгиз тарафдан бостириб келдилар.

Ҳиндистон тарихида «Ҳиндлар даври» деб аталган давр эрамининг минг йиллик даврини қамраб олади ва бу даврнинг қадимий келиб чиқишига эътибор бермаган ҳолда изоҳласак, бу ўлкада маҳаллий ҳиндларнинг ўзлари ҳукмронлик қилганлар. Аҳоли эса, бир-биридан у ёки бу даражада фарқ қиладиган турли хил тилларда сузлашган, сифиниладиган дин эса, асосан, брахманлар дини ва буддизм бўлган эди.

Мамлакатдаги аҳвол мусулмонларнинг кириб келиши билан тубдан ўзгарди. Уларнинг бу ердаги ҳукмронлиги тарихан икки даврга бўлинади. Биринчи давр Султон Фазнавийнинг келиши (1021 й. — тарж.)дан Бобурнинг келишигача бўлиб, беш юз йиллик даврини қамраб олади. Иккинчи давр уч юз йилдан ортиқроқ давр бўлиб, Бобурнинг Ҳиндистонга келган кунидан ҳозирги кунгача (муаллиф инглизлар келган вақтни назарда тутмоқда — тарж.) бўлган даврини ўз ичига олади. Бу «Ҳиндистондаги теуришлар сулоласи» даври деб аталди.

Султон Маҳмуд Фазнавий асос солган биринчи давр 1021 йилдан бошланиб, бу даврда фазнавийлар Афғонистон орқали Панжоб ва Деҳли, Ражпут штатлари ҳамда Гужарат ярим оролигача келиб ҳиндлар давлати фаолиятига барҳам бердилар. Бу сулоланинг султонлари Панжоб вилоятининг катта қисми ҳамда Лоҳурда бир юз тўқсон йил давомида ҳукмронлик қилдилар. Панжоб улар салтанатининг чегараси деб ҳисобланадиган бўлса, мамлакатнинг жанубий қисми ҳиндлар давлати қарамоғида бўлиб қолаверган эди.

Ғазнавийлар сулоласи ўрнига Афғонистоннинг Гўр шаҳридан чиққан Шаҳобиддин Муҳаммад Гўрий сулоласи келди. Уларнинг қўшини Панжобдан ўтиб, Ҳиндистоннинг анча ичкарасигача кириб борди, қаттиқ жангларда Деҳли ва Ражастон қўшинларини мағлуб қилди. Бу урушларда унинг лашкарбошиси, ўзи асли турк қулларидан бўлган Айбоқнинг хизматлари беқиёс бўлди. Шунинг учун ҳам уни (1193 й.) Ҳиндистондаги мусулмонлар салтанатининг асосчиси десак ҳам бўлади. Гўрийлар сулоласи ўрнига (1288 й.) Қилжилар (гилжилар) сулоласи келди. Келиб чиқишига кўра уларни туркийлар деб ҳам, афғонлар деб ҳам тахмин қилинади. Улар 33 йил ҳукмронлик қилдилар.

1331 йилдан Деҳлида туғлоқлар (туркий қабила) ҳукмронлик қилди. Амир Темурнинг Ҳиндистонга келиши билан туғлоқлар салтанати парчаланиб кетди. Темурнинг Ҳиндистонга юриши (1412 й.) шамолдай тез, лекин даҳшатли бўлди. Унинг юриши Мовароуннаҳр, Ҳуросон ва Эронда янги бир ирқ—темурийлар сулоласини қолдириб кетган бўлса ҳам, лекин Ҳиндистонга ҳукмдор қилиб ўзининг авлодини қолдирмади. Деҳлига ҳукмдор этиб тайинланган амалдор зиёдлар сулоласига мансуб бўлиб, давлатни бошқаришда у жуда сусткашлик қилди ва 38 йил ҳукмронлик қилди холос. Ундан сўнг (1450 йил) Деҳли афғонлар қўлига ўтди. Билол Лўдий ҳукмронлиги даврида улкан салтанат майда бўлақларга бўлиниб кетди. Лекин унинг ўғли Искандар Султон Лўдий ўз салтанатини анча кенгайтириб, 30 йил ҳукмронлик қилди. Бобурнинг назари Ҳиндистонга тушиб турган кезларда Деҳлида Иброҳим Лўдий ҳукмрон эди. Лекин салтанатда пайдо бўлган шаҳзодалар орасидаги тарқоқлик, бўлиниш, бир-бирига бўлган рақобат Лўдий салтанатини анчагина бўшаштириб қўйган эди. Жиянининг давлатни бошқариш снәсатидан норози бўлган Аловуддин (Иброҳимнинг амакиси) Бобур ҳузурига мадад сўраб келди. Бизга маълумки, Бобур Кобулга янги келган кунлардаёқ уни Ҳиндистонга таклиф этишган эди. Бобурнинг Ҳиндистонга юришлари хронологияси (аниқ вақтлари) унчалик ойдин эмас, лекин ўзининг айтишича, Ҳиндистонни бўйсундиришдан аввал бу ишга у тўрт марта уриниб кўрган экан.

Унинг биринчи юриши 1519 йилда содир бўлиб, унда Бажур қалъасини олиб, Синд орқали Аттокгача борган ва Бехра водийсигача етиб келган эди. Ундан ўтиб, Ку-

шоб ва Чаноб вилоятлари ҳам олинди. Олти ҳафта давомнда дарёнинг нариги қирғоғидаги анчагина ерлар ҳам қўлга киритилди.

Ҳиндистонга иккинчи бор юришида Бобур Лоҳур, Мултон ва Ширинд вилоятларини эгаллаб, қайсар афғон қабилаларини бўйсундириб, 30 мингга яқин қул, 400 минг шохрӯҳий солиқ олиб кетган эди.

Учинчи юришда (1520 й.) Ҳинд дарёсидан ўтиб Бехра, ундаи нари бериб Чаноб вилояти ҳам олинди. Уша пайтда қандахорликлар Бобур ерларига ҳужум қилгани ҳақида хабар келиб, уларни тинчитиш ва Қандахорни қайта олиш учун Қобулга қайтиб кетган эди.

Бобурнинг тўртинчи юриши (1522 й.) Султон Иброҳимнинг тоғаси Аловуддиннинг Бобур ҳузурига келиши ва уни Деҳли тахтига кўтармоқчи экани ҳақидаги чақириги билан боғлиқдир. Султон Иброҳимнинг рақиби бўлмиш Лоҳур ҳокими Давлатхон ҳам афғон беқлари билан тил бириктириб, Бобурдан ёрдам сўраб мурожаат қилди. Чунки у ўз кучлари билан унга қарши жўнатишган Баҳорхон Лўдийнинг қўшинига бас кела олмас эди. Кўрсатишган ёрдам эвазига Бобурни шох қилиб кўтаришга ваъда берган эди. Бобур бу таклифни мамнуният билан қабул қилиб, ўз қўшини билан йўлга чиқди. Синд дарёсидан ўтиб Гекерлар вилояти олинди. Чаноб ва Жилем вилоятлари ҳам қўлга киргач, тез орада Лоҳурга яқинлашиб келдилар. Баҳорхон Лўдийнинг яқинлашганини эшитиб Давлатхон белужлар қабиласига келди. Бобур қўшини Лоҳур яқинида Баҳорхон Лўдийнинг қўшини билан юзма-юю келиб, анча талафот бериб, ниҳоят, уни тор-мор қилди. Унинг қўшини шаҳарни талаб, бозорга ўт қўйди. Шаҳарда тўрт кунгина тўхтаб, Диболпурни ишғол қилиш учун йўлга чиқилди. Қаттиқ ҳужум билан шаҳар олинди ва таланди, ҳимоячилар қиличдан ўтказилди.

Уруш натижасида қўлга киритилган вилоятлар тақсироти Давлатхонни қониқтирмади. Бобур унга Лоҳурнинг кенг вилоятлари ўрнига Жолнижар ва Султонпур вилоятларинигина берди. Бундан ранжиган Давлатхон ва унинг ўғли Ғоziхон ёлғон хабарлар асосида Бобур қўшинининг ярмини афғон беқларидан бўлмиш Исмоил Жилвонийга қарши жўнатишни сўради. Уларнинг мақсади шу тарзда қўшни озайгач, уни тор-мор қилиш эди. Бу ёлғон хабарни унинг иккинчи ўғли Диловархон Бобурга етказиб қўйди. Текширишлар эса буни тасдиқлади. Давлатхон ва унинг ўғли Ғоziхон зиндонга со-

линди, бироқ кейинроқ уларнинг гуноҳлари кечирилгач, Султонмурдан чиқиб Ҳимолай тоғлари томон жўнаб кетдилар. Давлатхоннинг кичик ўғли Диловархонга Султонмур вилоятни тегиб, унга «хони—хонон» унвони берилди. Лоҳурдаги бош кутаришларнинг олдини олиш ва мамлакактаги вазиятни кўздан кечирish мақсадида Деҳлига етмасдан Сархинд вилоятидан орқага, Кобулга қайтдилар. Султон Аловуддин Диболпурда, Бобурнинг қариноши Мир Абдулазиз Лоҳурда, Ҳусравшоҳ Кукалдош Сналокотда, Муҳаммад Али тожик эса Рави ва Баах дарёлари ўртасидаги воҳада ҳоким этиб тайинландилар. Шундай қилиб Бобурнинг қўл остидаги ерлар Ҳинд дарёсининг иккала қирғоғида анчагина масофага кенгайди.

Пойтахтдаги ишларни ҳал қилгач, ўз ўрнига ҳали ёш бўла бўлган Комрон Мирзони қўйиб, 1525 йил 17 ноябрда (ҳижрий 932 йил сафар ойининг биринчи кунинда) Бобуршоҳ бешинчи ва охириги марта Ҳиндистонни забт этиш учун йўл олди. Бадахшондан ўз қўшини билан Ҳумоюн этиб келди. Шу кунгек Ҳазнадан Ҳўжа Қалон ҳам қўшини билан келиб қўшилди. Бир ойча йўл юриб Синд дарёсидан кечиб ўтдилар. Бобурнинг лашкари бу юришда аввалгиларга қараганда анча кўп бўлиб, ўн икки минг кишига яқин эди. Сналокот томонга жадал юриб, ёнгарчилик яхши бўлган қирлардан емиш учун галла тўлланди. Факарлар ўлкасида Бобур баъзи ерларда сув музлаганини ва озроқ қорни кўрди. Ҳиндистонда бундан бошқа на муз ва на қор учради. Йўл-йўлакай Лоҳурдаги қўшинлар ҳам келиб қўшилди. Ҳозирхо қочиб бориб яширинган Милвот қалъаси ҳам қўлга киритилди. Милвот аввалга қамал қилинди ва ўзининг невараси орқали қалъа ҳокими Давлатхонга таслим бўлиш таклиф этилди. Қутулишга кўзи етмаган Давлатхон рақибига қарши жанг қилиш учун белига боғлаб, қасам ичган иккита қиличини ечиб, бўйинга илиб, Бобур ҳузурига келтирилди. Давлатхон ўғли Ҳозихон тоққа қочиб кетгани ва қалъада бир ўзи қолганини айтди. Қалъа хазинаси қўлга киритилиб, Давлатхоннинг гуноҳидан ўтилди ва оилалари билан Бера қалъасига жўнатилди. Лекин кекса хон йўлда вафот этди. Қалъада хазина билан бирга Ҳозихоннинг жуда бой кутубхонаси бўлиб, улар орасидан ноёб нусхадаги жуда кўп китоблар чиқди. Уларнинг баъзилари Ҳумоюнга, баъзилари эса Кобулга Комрон Мирзо ихтиёрига юборилди.

Юришда давом этиб Сатлужга келдилар, Спрхинд бўйлаб Гогра дарёсидан ўтиб Онбола шаҳрига келдилар.

Бу ерда Султон Иброҳимнинг қўшини Деҳлидан чиқиб Бобур қўшини томон келаётгани ва унинг олдинги қисмида Хисор—Феруза ҳокими Ҳомидхон келаётгани ҳақида хабар келди. Уларни кутиб олиш учун Ҳумоюн бошлиқ яхши қуролланган тажрибали навкарлар сараланиб жўнатилди. Унчалик узоқ давом этмаган жангда Ҳомидхоннинг аскарлари тўзатиб юборилди ва етти-саккиз фил ва юздан ортиқ навкар асир олинди. Душман аскарлари орасида ваҳима солиш учун асирлар ўққа тутилди. Ҳумоюннинг бу биринчи ғалабаси бўлгани учун Ҳурросоннинг Феруза воҳаси унинг ўзига ҳадя қилинди. Шу орада қайсар афғонларнинг бошлиғи Малик Бибон Жилвоний эски аразларини унутиб уч минг отлиқ аскар билан Бобур лашкарларига келиб қўшилди. Бобур лашкарлари яна илгарилаб Шохобод орқали Жамна дарёси бўйида Сарсовага келиб тушдилар. Султон Иброҳим аскарлари ҳам яқинлашиб келаётган эди. Унинг Довудхон бошлиқ 6—7 минг отлиқ аскарлари илгарилаб келаётгани ҳақида хабар келгач, Чин Темур Султон ва Махди Хўжа бошлиқ Бобур лашкарларидан икки гуруҳи олдинга жўнатилди. Улар дарёдан кечиб ўтиб тонг қоронғусида афғон аскарлари ўзларини ўнглаб олгунларича уларни қириб ташладилар ва қочоқларни Иброҳим лашкари турган жойгача қувиб бордилар. 6—7 та фил ва бир неча аскар асир олинди. Душман орасига ваҳима солиш учун улар ҳам ўққа тутилди.

Ҳиндистон тақдирини ҳал қиладиган жанг яқинлашиб қолгани учун Бобур жангга пухта тайёргарлик кўрди. Душман отлиқларининг ёриб киришига йўл қўймаслик учун тўп ташийдиган аравалар бир-бирига сигир терисидан ишланган қайиш арқонлар билан маҳкам боғланди. Икки арава оралиғига 7—8 та тупроқ тўлғазилган қоплар қўйилди. Тўпчилар улар панасида туриб душманин ўққа тутишлари мумкин эди. Беш-олти кун шундай тайёргарликдан сўнг кенгаш чақирилиб, ҳужумга ўтиш ва муҳим стратегик ҳарбий аҳамиятга эга бўлган Понипат шаҳрини эгаллаш чоралари белгиланди.

Кескин ҳаракатлар билан шаҳар эгалланди. Шу ерда бўлган жанг Ҳиндистон тақдирини ҳал қилган эди. Шаҳарнинг ўнг томонидаги уй-жойлар ва боғ-роғлар жанг олиб бориш учун яхши ҳимоя воситаси бўлиб хизмат қилди. Чап томонда эса ровлар қазилиб, шох-шаббадан тўсиқ ҳосил қилинди. Олдинда бир ўқ отимли жойда юзта-юз элликта аскар ўта оладиган оралиқ жой қолдирилди.

Бобур аскарларининг ўз лашкарбошисига ишончи ва умиди катта эди, чунки ҳозир улар уйларидан икки-уч ойлик йўл масофасида узоқда эдилар. Теварак атрофдагилар уларнинг, улар эса маҳаллий халқ тилини тушунмас эдилар. Олдиларида эса юзмингдан ортиқ қўшинга эга бўлган рақиб турар эди.

Султон Иброҳим ихтиёрида отаси ва бобосидан қолган хазина тўпланган бўлиб, бу пулга яна ҳам кўпроқ қўшини ёллаши мумкин эди. Бобурнинг изоҳлашича, бу рақибни илгари шимолда юзма-юз келган рақибларидан кескин фарқ қиларди. Бу йигит фақат очкўзгина бўлиб қолмай, тажрибасиз ва ўз хатти-ҳаракатларини ўзи эплай олмайдиган, уруш оқибатларини кўз олдига келтира олмайдиган, ношуд раҳбар бўлиб, барча ишлари режасиз қилинар эди.

Туркий аскарлар ўз рақибига нисбатан анча тажрибали бўлиб, ўз-ўзини бошқариш ва жангни ташкил қилишда анча маҳоратли эдилар. Понипатда етти-саккиз кун турши давомида рақибнинг сусткашлигидан илҳомланган кичик бир гуруҳ лўдийлар қўшини қароргоҳига яқин бориб уларни камондан ўққа тутдилар. Бунга жавобан рақиб қарши ҳужум қилиш туғул ҳатто қимирлаб ҳам қўймади. Бобур энди ўша вақтда одат бўлганидек, тунда ҳужумга ўтишга қарор қилди. У беш-олти минг аскарни қобилиятли лашкарбошилар билан олдинга жўнатди. Лекин бироз хатога йўл қўйилган эди. Улар душман қароргоҳига келганда кун ёриша бошлаган эди ва дарҳол ҳужум бошлаш ўрнига улар кун ёйилгунча душман атрофида изғиб юрдилар. Бу орада душман ногораларини чалиб, ўз қўшинини жангга чорлади. Шунга қарамасдан, душманининг чекиниш йўлини тушиш учун олдинга юборилган Ҳумоюн қўшинлари чаққон ҳаракат билан жангни бошлаб юборишди. Бобур эса асосий қўшинни бошлаб жангга кирди, натижада рақиб учун бу жанг майдонидан қурбонсиз чиқиб кетишининг иложи бўлмади қолди.

Муваффақиятининг бу кўриниши Бобурни илҳомлантириб юборди. Эртаси тонгда душман аскарлари ҳужумга ўтгани ҳақида хабар келди. Ҳар бир гуруҳга қўмондон тайинланди. Унг ва сул қанотга тажрибали мўғул аскарлари тайин қилинди. Жанг авжига чиққанда мўғулча «тўлғама» жанг услубини қўллашга қарор қилинди. Бу усул Сўғд дарёси қирғоғидаги жангга ҳам қўл келган эди. Султон Иброҳимнинг афғон гуруҳлари Бобур лаш-

карининг ўнг қанотига ҳужум қилдилар. Дарҳол захирадаги қўшиндан уларга ёрдам жўнатилди. Аввалига шиддат билан келаётган душман қўшини яқин келгач, рўпарасига рақибнинг жойлашуви ва умумий вазиятини тушуниб етди ва бир оз вақт нима қиларини билмай эсанкираб қолди. Улар узоқ тўхтаб тура олмас эдилар, чунки орқадан келаётган янги кучлар уларни олдинга юришга қистар, олдинда эса рақиб кучлар турарди. Бундан фойдаланган Бобур вақтни бой бермай рақибни ҳар иккала томондан ўраб, орқасидан ҳужум қилишга буюрди. Мўғул гурӯҳлари душман орқасидан пайзабозликни бошлади, ҳар икки қанотдан ҳам ҳужум бошланди.

Маҳди Хўжа бошқараётган чап қанотга душман анчагина талафот етказди, лекин уларга марказдан ёрдам юборилди ва афгонлар орқага чекинди. Ўнг қанотда ҳам кучлар тенг кела бошлади. Бобур уларга ҳам марказий қўшиндан ёрдам юбориб, тўпчиларга ўт очишни буюрди ва бунинг фойдаси сезиларли бўлди. Душмanning кўп сонли қисми ўраб олинди. Душманга ҳар тарафдан камон ва тўплардан ўқ ёғилиб турарди. Улар олдинги қатерни ёриб кўришга уриниб кўрдилару, лекин марказдаги қисмлар на олдинга юра олардилар ва на орқага чекина олардилар. Шундай бўлса ҳам улар жасорат билан жанг қилдилар. Жанг эрта тонгдан бошланиб, кун бўйи давом этди ва охирида афгонлар қўшини нинда шундай тартибсизлик бошландики, улар қочиб жой қидириб қолдилар. Қолганлари эса қўрбон бўлдилар. Қўрбон бўлганлар 15—16 минг кишини ташкил этарди. Қочаётган рақибни Аграгача қувиб боришга ва Иброҳимни қўлга олишга буйруқ берилди. Иброҳимнинг ўлиги ўша кун 5—6 минг ўликнинг ўртасидан топилди ва унинг бошини кесиб Бобурга топширдилар.

(Уруш натижалари афгонларда жуда қаттиқ таассурот қолдирган бўлиши керак. Узоқ йилларгача улар Султон Иброҳим тақдирига, унинг салтанати тақдирига ачиниб юрдилар ва унинг мақбараси ўрнатилган жойини кўп йилларгача эшратгоҳга айлантирдилар. «Бадаунлар тарихи» асарининг муаллифи Абдул Қодирнинг ёзишича, у бир гурӯҳ кишилар билан жанг майдони яқинидан ўтиб кетаётганда бир неча кунгача ярадорларнинг оҳ-воҳлари ва худога қилган илтиколари эшитилиб турган.)

Бобур қарсегўҳини кўздан кечириб чиққач, яқингинадаги дарё қирғоғида тўғни ўтказди. Ўша куншўқ у

икки гуруҳ аскарларнинг бирини Деҳлига, иккинчисини Аграга юбориб, талончиликнинг олдини олиш ва хазиналарни сақлаб қолишни тайинлади. Узи эса уч кундан кейин Деҳлига келиб, келаси жума куни Авлиё Шайх Зайнуддин масжидида ўзининг номини шоҳ сифатида хутбага қўшиб ўқиттирди. Деҳлидаги ҳазиналарни муҳрлатгач, у Аграга шошилди. Шаҳар ҳалигача ўзини ҳимоя қилиб турарди. Лекин Ҳумоюн уни шундай қамал қилган эдики, ҳазина очилганда ҳам ҳеч нарсани олиб чиқиб кетишнинг иложи йўқ эди.

Агра қалъасини Гувалнер рожаси Бикрамажит Иброҳимга топширган эди. Лекин у шу саройда қолиб хизмат қилар эди, ўша жангда у ҳам ҳалок бўлди. Унинг хотинлари, болалари ва хизматкорлари қочиб пайида эканида Ҳумоюн уларни тўхтатиб қолиб, уларга иззат-ҳурмат кўрсатди. Чунки бу оила энг қадимги ҳинду оилаларидан эди. Улар ҳам миннатдорлик сифатида Ҳумоюнга анчагина дуру жавоҳирлар совға қилдилар. Уларнинг орасида машҳур олмос бўлиб, унинг вазни 8 мисқол ёки 320 рат ёки 793 каратга тенг, ўша даврнинг машҳур зарғари Тавенирнинг баҳосига кўра унинг қиймати 80000 фунт стерлинг турарди. Ҳумоюн бу олмосни отасига топширди. Бобур эса уни яна қайтариб ўзига тақдим қилди. Мелодий 1526 йилнинг 10 майида (ҳижрий 923 йил, ражаб ойининг 28 да) Бобур ўзини юрагинини доим ўртаб келган истаги — Деҳли тахтида кўрди. Қобул қўлга кирган пайт, яъни йигирма икки йилдан буён бу иштиёқ уни ҳеч тинч қўймас эди. Бу ниятини амалга ошириш учун кейинги 7—8 йил давомида беш марта урнди. Ҳар сафар улкан қўшин билан бу ишга жазм этарди-ю, лекин омад бешинчи дафъадагина унга ёр бўлди. Бу иштиёқ унда Қобулдаги ҳаётининг бошларидаёқ пайдо бўлган бўлса-да, унинг бу фикрини рўёбга чиқаришда, баъзан амир ва бекларнинг норозиликлари, баъзан эса сарой аъёнлари ҳамда уламоларнинг инжиқликлари ва фитналари ҳалақит бериб келарди. Қулай вазият юзага келиши биланоқ, Бобур ўша орзусини амалга ошириш тадбирларини белгиледи.

Бобур ўздан аввал иккита ҳорижий шаҳзода Ҳиндистонни забт этганини, лекин ўзининг ғолибияти аввалгилардан анчагина устунликларга эга эканини мамнуният билан қайд қилади. Биринчи забткор Маҳмуд Ғазнавий бақувват ҳукмдорлардан бўлиб, Ҳиндистонни забт этганда унга Ҳуросон давлати, Хоразм воҳаси ва Самарқанд вилоятлари бўйсунар ва лашқари юз минг-

дан икки юз минггача етар эди. Султон Шаҳобиддин Гурій Ҳиндистонни забт этганда эса, унинг акаси Хуросон давлатининг шоҳи эди, Ҳиндистонга эса у бир юз йигирма минг отлик аскар билан юриш қилган эди. Унга қаршилик қилганлар эса Ҳиндистоннинг рожалари (вилоят ҳокимлари—тарж) бўлиб, улкан Ҳиндистон якка ҳокимлик остида бирлаштирилмаган эди. Бобуршоҳ Ҳиндистонга юриш қилганда эса, у фақатгина Бадахшон, Қундуз, Кобул ва Кандахор вилоятларидагина ҳукмдор бўлиб, бу вилоятлар зўрға ўзини тутиб турар. орқада эса ўзбекларнинг ана-мана ҳужум қилади деб турган юз минг кишилик улкан лашкари Бобурнинг салтанатига таҳдид солиб турар эди. Унинг ўн икки минг кишилик лашкарига Берадан Баҳоргача ҳукмрон бўлган Ҳиндистон шоҳи афғон Султон Иброҳимнинг юз минг кишидан ортиқ азамат навкарлари мингта фил билан қарши турарди. «Қудрати улуғ, карами кенг Оллоҳ Таоло бизнинг ҳаракат машаққатларимизни зое қилмай, шундай улуғ душманни мағлуб этиб, Ҳиндистондек улуғ мамлакатда мени ғолиб қилди. Бу муваффақиятни мен ўзимнинг саъй-ҳаракатларимдан деб билмайман, балки парвардигорнинг меҳри ва шафқатидандир деб биламан»,— дейди Бобуршоҳ.

Эндиги навбат қўлга киритилган беҳисоб ўлжани ҳисоблаб чиқиш ва тақсим қилишга қаратилган эди. Ҳумоюнга 70 лак (бир лак-юз мингга тенг) пул берилди. Бундан ташқари бутун бошлиқ сарой, ундаги аъёнлар ва мулозимлари ва жиҳозлари билан унга ҳадя қилинди. Бир неча салоқатли амирларига эса уларнинг эгаллаган мавқега қараб 10, 8, 7 ва 6 лакдан пул маблағини омон этилди. Лашкардаги ҳар бир навкарга эса, уларнинг афғонни, ҳазорни, араб ёки белужлигидан қатъий назар, хазинадан муносиб улуш тарқатилди. Юришда ҳамроҳлик қилган сарой хизматчилари ҳам ҳадядан бенасиб қолмадилар, ҳамма ўз улушини олди. Шоҳнинг барча қариндошларига лашкарда бўлини-бўлмаслигидан қатъий-назар тилла, кумуш, жавоҳирлар ва қимматбахо сарполар ёки хизматкор қуллар тарзида инъомларга эга бўлдилар. Самарқанд, Хуросон, Қашғар ва Эрондаги ёр-биродарлар ҳам унутилмади. Уларга ҳам яхши совғалар жўнатилиб, Бобуршоҳнинг номи бу узоқ ўлкаларда ҳам улуғланди. Хуросон ва Самарқанд, Макка ва Мадинадаги муқаддас қадамжойлар ҳам Бобурнинг савобидан бенасиб қолмадилар. Қобулдаги ҳар бир кишига эркак ёки аёллигидан, қул ёки озод киши экани-

дан қатъий назар барчасига бир шоҳруҳидан пул совға қилинди. Бу чоралар лашкарни мустаҳкамлашга хизмат қилар эди.

Лўдийлар сулоласи томонидан тўпланган бу улкан бойликнинг бу тарзда тақсимланиши ва бунда Бобур-шоҳнинг ўзига ҳеч нарса қолдирмагани унинг шарқ халқлари орасида кенг тарқалган, ўз бойлигини ҳаммага улашиб берадиган кишилар тоифаси бўлмиш «Қаландар» номи билан аталишига сабаб бўлди. Бобур Деҳли ҳокимиятини қўлга олганда Ҳиндистондаги сиёсий аҳвол аввалги пайтдагидан бир оз бошқачароқ эди. Тақир ва шўр ерлар ҳамда Кашмир тоғларидан тортиб Баҳоргача, Гуволёрдан тортиб Ҳимолой тоғларигача бўлган ҳудудни эгаллаган Деҳли салтанатидан ташқари Ҳиндистонда яна учта салтанат ва битта рожа мавжуд бўлиб, бу рожа Нарбада дарёсининг шимолида жуда катта ҳудудни эгаллар эди. Лекин Бенгал, Гужарат ва Малва вилоятлари мустақил хонлиқлар бўлиб, уларга Нусратхон, Искандар шоҳ ва Султон Маҳмудлар ҳукмдорлик қилардилар. Бобур жангда ғолиб чиққан, бунинг устига иккита пойтахт унинг ихтиёрида бўлса ҳам, тахти қийинчилик ва хавфдан холи эмас эди. Унинг кишилари ва навкарлари маҳаллий аҳоли учун келгинди бегоналар бўлиб, улар орасида тез орада ўзаро нифоқ пайдо бўлди. Ҳиндистоннинг шимолий қисми ўзининг эскича идора усулини сақлаб қолган ва оддий халқ пойтахтдаги ҳукмрон подшоҳдан кўра маҳаллий бошқарувчига кўпроқ муте эди. Деҳли ва Аградан ташқари жойларда аҳоли бу босқинчиларни вақтинчалик, ўткинчи бир ҳодиса деб ҳисоблар, мамлакат аҳолисининг кўпчилиги ва айниқса, мулкдор афғонлар исён кўтаришга тайёр эдилар. Шунинг учун ҳам улар ўзаро келишиб, ҳамкорлик қилиш чораларини қидира бошладилар. Мевот рожаси Ҳасанхон Агра атрофидаги ерларга хўжайинлик қилар ва келгиндиларга нисбатан унинг нафрати анча кучли эди. Унга Биёнадан Низомхон, Дўлпурдан Муҳаммад Зайтун, Гувалёрдан Тоторхон Саранхоний, Роберийдан Ҳусайнхон Лоханий, Атовадан Қутбхон, Колпидан Оламхон, Жалолхон Жигот, Самболдан Қосим Самболий ва Маховандан Қул Мағруб унга қўшилган эдилар. Уларнинг ҳаммаси анча кучли ҳоким бўлмиш Чейтур ҳокими Рона Сангага умидворлик билан кўз тикишар эди. Рона Санга Жамна дарёсининг ўнг қирғоғидаги жойларга даъвогар эди. Бу фарбий афғонлар Деҳли тахтига марҳум Султон Ибро-

ҳимнини укаси Султон Маҳмуд Лудийни ўтқазиб ва шу йўл билан лудийлар сулоласини қайта тиклаш пайида эдилар. Агар Бобур Ҳиндистонда ўрнашиб қолгудай бўлса, афғонларнинг Дехли ва Баҳордаги таъсири барҳам топмоғи аниқ эди. Шунинг учун улар маҳаллий халқни мусулмон ёки ҳиндулигидан қатъий назар, босқинчилар уларни талаши, болаларни ва хотинларни таҳқирлашини айтиб, уларнинг нафратини кучайтирар эдилар.

Бобур лашкари Аграга энг иссиқ мавсум ҳисобланган май ойида келган эди. Ҳиндистоннинг жазирама иссинига чидай олмаган аскарларнинг жуда кўплари ҳолсизланиб ўла бошлаган, бундай ноқулай вазият Бобурнинг бек ва амирлари юрагига ҳам гўлгула солиб, уларнинг кўплари уйларига қайтиб кетишни ихтиёр қилиб қолган эди. Бобурнинг энг яхши дўстларидан бири бўлмиш Хўжа Қалон ҳам қайтиб кетиш пайида эди. У Бобурнинг отаси Умаршайх Мирзонинг маслақдоши ва маслаҳатчиси Мавлоно Муҳаммад Садирнинг ўғли бўлиб, Фарғонада катта обрўга эга бўлган ва ёш шаҳзоданинг барча саргузаштларида унга ҳамроҳ эди. Хўжа Қалоннинг олтинта акаси ноҳнинг ўтмиш жангларида унинг ёнида туриб жанг қилган ва шаҳид бўлган эдилар. Бу тажрибани саркарда ва доно маслаҳатчига Бобурнинг эътиқоди баланд эди. Бобур жуда ноқулай вазиятда қолган эди. Дехқатдаги кампирнинг ҳикояларида айтилган жаннатмақом ўлка унинг ихтиёрига ўтган-у, лекин ҳозир бу ўлкани қўлдан чиқариб юбориш хавфи туғилаётган эди.

Бобур бек ва амирларини ҳамда ўз яқинларини тўплаб маслаҳатлашди. Узоқ йўл босиб, оғир ва машаққатли жангларда рақибларни енгиб, ниҳоят улкан муваффақиятга эришилгани, беҳисоб бойликка тўла ўлка уларнинг ихтиёрида экани, улкан меҳнат ва машаққат ҳисобига келган бу бойлик ва обрў-эътибор қўрқоқлик ва продасизлик туфайли қўлдан бой берилаётгани, бу ҳол эса бутун инсоният олдида шармандалик эканини айтиб туриб, кетмоқчи бўлганларнинг йўлини тўсмоқчи эмаслигини эълон қилди. «Мен билан қолишни истамаганлар кетаверсин. Мен уларга рухсат бераман»,— деб қўшиб ҳам қўйди. Шоҳнинг мурожаати уларнинг ғурурига тегди шекилли, кетишга қарор қилганлар ўз шаштларидан қайтиб, шоҳга ўз садоқатини билдирдилар. Дўсти Хўжа Қалоннинг кетиш истаги борлигини кўрган Бобур Ғазна, Гардиз ва Маъсудий афғонлари ҳамда Ҳиндистон еридан бир қисмини қўшиб унга тақдим қилди

ва Кобулга жўнатилаётган хазина ва совғаларни кузатиб боришини тайинлади ва ҳурмат-эҳтиром билан йўлга кузатди. Узи билан қолган ҳамроҳларига эса янги мартабалир ва лавозимлар бериб, уларнинг кўнгилларини шод этди. Унинг олиб борган олижаноб сийёсати, ўзининг хатти-ҳаракати ва жасурлиги билан дўстларининг кўнгилларида тўла ишонч ва қониқиш, рақиблари кўнгилида эса қўрқинч ва ваҳима уйғотди.

Бу ишлар тезда ўз самарасини бера бошлади. Бобурнинг Ҳиндистонга ташрифи Маҳмуд Ғазнавий ёки Амир Темур каби яшин тезлигида келиб-кетиш эмас, балки бу ўлкаларда бутунлай қолиш ва мамлакатни бошқариш учун келгани маҳаллий оммага ҳам, афғон қабилаларига ҳам тез вақт ичида аён бўлиб қолди. Шоҳнинг ишлари юришиб кетди. Афғонларнинг кўзга кўринган бекларидан бўлимиш Шайх Гўрон икки-уч минг киши билан Қўл вилоятдан келиб қўшилди. Деҳли билан Агра орасидаги тасодифий жангга Алихон Фармулийнинг икки ўғли банди қилиб олинган эди. Уларнинг бири отаси ҳузурига жўнатилиди. Бундан мамнун бўлган отаси ўғлини қабул қилиб, Бобурга ўз садоқатини ифода қилди. Шу орада янада муҳимроқ воқеа содир бўлди. Марҳум Султон Иброҳимга қарашли Шайх Боязид Фармулий ва Ферузхон қўшинлари ҳам келиб қўшилди. Бу қўшин шарқда бош кўтараётган Баҳор ҳоқими Султон Муҳаммадшоҳга қарши юборилди. Боязид Фармулий ва Ферузхонга Жонпур ва Уд вилоятларидан катта ер-мулк (жағир) ажратиб берилди. Бу тadbирлар Бобур ҳукуматининг хавфсизлигини таъминлаб турар эди.

Бобур яна қатор яхши тadbирларни ҳам амалга оширди. Уша пайтда Ганг дарёсининг нариги қирғоғида Роҳилканд деб аталмиш вилоятдаги Самбол шаҳрини Қосим Самболлий бошқариб турар ва Бобурга нисбатан ғанимлик назари билан қарар эди. У бир вақтлар Сарҳинд дарёсидан ўтганда Бобурга келиб қўшилган, лекин номаълум сабабларга кўра ундан аразлаб қолган эди. Қамалда ночор ҳолда қолган Қосим ёрдам сўраб Бобурга мурожаат қилди. Уни озод қилиш учун Бобур Ҳиндубекни турк ва мўғул қўшинлари билан жўнатди. Унга қўшилиб Шайх Гўроннинг дуоблик тиркашбандлари ҳам жўнади. Ҳиндубекнинг мўғуллардан иборат қўшини шитоб билан бориб, қамалчиларни қувиб юборди. Орқадаги қўшин етиб келгач, шундай шиддат билан ҳужум қилиндики, Бобон қўшини тирқираб кетди. Бир неча фил ва асирлар қўлга олинди. Шаҳар озод қилинган,

Қосим жойини бўшатиб беришга тихирлик қилди. Лекин у ҳибсага олиниб, оиласига Биёнага кўчиб кетишга рухсат берилди.

Бобурнинг муваффақияти бу билан тўхтаб қолмади. Жамна дарёси бўйидаги Робирий қалъаси ҳам эгалланди. Муҳим ҳарбий аҳамиятга молик бўлган Атова ва Дўлпур шаҳарларини қамал қилиш учун ҳам қўшин юборилди. Шу орада ғарбдаги энг урушқоқ маҳаллий саркардалардан бўлган Чайтур ҳокими Рона Санга Раитбордан ўтиб, Ҳасан маконга қарашли Кандор қалъасини эгаллаган эди. Бу ражпут ҳокими Бобур сингарининг ерида афғонлар ҳукмронлигини тугатиш пайида юрар эди.

Эмғирли кунлар тугаб, жанг майдонига чиқиш имконияти туғила бошлаган кунларда Бобур ўз беклари ва лашкарбошиларини тўплаб, келажак ишларини режалаштириш учун кенгаш ўтказди. Рона Санга эса ғарбда ўз ерларини кенгайтириш билан овора эди. Шаркда эса афғон қабилалари бошлиғи Баҳор ҳокими Султон Муҳаммад Ганг дарёсининг нариги қирғоғидаги ҳукуматини тиклаш мақсадида Носирхон Лоханий ва Маъруф Фармулий бошлиқ қирқ-эллик минг кишилик лашкари билан Канужни эгаллаб, Аграга яқинлашиб келмоқда эди. Бобурнинг бек ва амирлари унинг Аграда қолиб умумий вазиятни кузатиб туришни маъқуллигини маслаҳат бердилар ва қўшинга лашкарбоши қилиб Ҳумоюн тайинланди. Атова ва Дўлпурга жўнатилган Шайх Боязид ва Ферузхон бошлиқ қўшин ҳам чақирилиб, Жамна дарёси бўйидаги Чандвор қалъаси ёнида Ҳумоюн лашкарига қўшилиши тайин қилинди. Маҳди Хўжа ва Муҳаммад Султон Мирзо келиб қўшилгач, Шаҳзода Ҳумоюн рақиб устига юриш бошлади. Носирхон ва Маъруф бошлиқ душман қўшини Агра устига юриш ўрнига Дуоб бўйлаб Жаймовга йўл олди. 20 милча масофа қолганда, душман вазиятини билиш учун илғор қисм олдинга жўнатилди. Лекин аниқ маълумот олиш қийин эди. Чунки афғон қўшинлари чекиниб, Ганг дарёсидан ўтиб, орқага қайтган эди. Ҳумоюн келиб улар турган ерларни эгаллади. Бир оз туриб Дилмовга келгач, Фотиххон Сарвоши ўз қўшини билан келиб Ҳумоюнга қўшилди. Фотиххоннинг марҳум отаси аввал Жалолхон, сўнгра марҳум Султон Иброҳим ҳузурда вазирлик қилган эди. Ҳарбий кучлар ва мамлакат аҳволдан яхши хабардор бўлган Фотиххоннинг халқ орасида обрўси катта бўлгани учун у дарҳол Бобуршоҳ ҳузурига жўнатилди. Шоҳ уни

иззат-икром билан кутиб олиб, илгари отасига қарашли бўлган ерлар ва яна қўшимча бир қанча жойни унга ажратиб берди ва «Хони—Жаҳон» унвонини берди.

(Бобурнинг таъкидлашича, Ҳиндистон султонлари ўз амирларига жарангдор унвонлар беришни одат қилган эдилар. Шунинг учун Бобур ҳам ана шу удумга риоя қилаётган эди.) Ҳумоюн афғон қўшинини қувиб юборгач, Ганг дарёсидан ўтиб Жонпурни эгаллади ва Носпирхон қўшини жойлашган Ғозипурга йўл олди. Унинг келаётганидан хабар топган афғон қўшини Бенгалия ҳудудидаги Гогра шаҳрига чекинди. Уларни таъқиб қилиш учун юборилган гуруҳлар Харид ва Баҳор вилоятларини талаб қайтиб келдилар. Шу тарзда шаҳарни рақиблардан тозалаб Жонпурга Шоҳ Мир Ҳусайини ҳоким этиб тайинлади ва унга ҳамроҳ қилиб Султон Жунайид барлос ва Шайх Боязид қўшини билан қолдирилди. Сўнгра отасидан келган фармонга биноан дарёдан ўтиб Дуобга келди. Йўл-йўлакай Колпи шаҳрининг ҳокими Оламхон таклифига кўра бу шаҳар ҳам эгалланди ва Оламхонни ўзи билан бирга олиб Аграга, отаси ҳузурига келди.

Ҳумоюнни шарққа жўнатгач, Бобуршоҳ Аграда бекор ўтирмади. Ўз фаолиятини салтанатнинг молиявий ва ҳарбий аҳволини яхшилашга ва мамлакатни соғломлашга бағишлади. Гўзаллик ва санъат асарларига бўлган иштиёқи туфайли Жамна дарёсининг чап қирғоғида, Агра шаҳрининг рўпарасида улкан қаср қуришга ва унинг атрофини боққа айлантиришга буйруқ берди. Тез орада «Қобул» деб аталган жаннатмакон кошона пайдо бўлди. Лекин Бобурнинг фикри-зикри тинч қурилиш ишлари билангина банд бўлиб қолмади. Султон Иброҳимнинг ўлимидан сўнг ғарбдаги афғон қабилалари марҳум Султон Иброҳимнинг укаси Султон Маҳмудни Деҳли хони деб эълон қилган эди. Шунинг учун Бобур Ҳумоюнга Жонпурдаги ва шарқий вилоятлардаги қўшинларни дарҳол тўплаб Аграга келишни буюрган эди. У келгунга қадар Низомхон ҳокимлик қилаётган Биёнага озроқ қўшин юборди, чунки Низомхон Бобурга бўйсунини ис-тамас эди. Бу шаҳар Аграга яқинлиги ва ражпутлар билан ўрталикда жойлашганлиги туфайли муҳим ҳарбий аҳамиятга молик эди. Уни тезроқ эгаллаш иштиёқида Турдибек бошчилигида қўшин юборилиб унга шаҳарни иложи борича қон тўкмасдан музокара йўли билан таслим қилишга ва унинг хўжайинларини шаҳарни тинч йўл билан топширишга кўндириш тайинланди. Лекин бу ҳаракатлар зое кетди, шаҳарни куч билан олишга

ва вайрон қилишга тўғри келди. Шу орада Низомхоннинг акаси Оламхон шаҳарни топшириши ҳақида Бобурга хабар қилиб, ўзининг ҳарбий мақвеи ва мол-мулкни сақлаб қолишни сўради. Уннинг маҳаллий аҳоли ўртасидаги обрўси сезиларли бўлгани учун илтимоси қабул қилинди. «Ҳиндистонликлар қиличбозликда анча моҳир бўлсалар ҳам, — деб ёзади Бобур, — улар уруш олиб бориши маҳорати ва қумондонлик ишидан анча узоқдалар». Оламхон ана шундай кишилар тоифасидан эди. У ҳеч кимнинг маслаҳатига қулоқ солмасдан тажрибали лашкарбошиларнинг маслаҳатига қарамай, икки-уч юз туркий ва икки минг ҳиндистоний ва бошқалардан иборат қўшинини Биёна қалъаси деворларига яқин олиб борди. Низомхон ихтиёрида эса тўрт минг отлик ва ўн минг пиеда аскар бўлиб, биринчи зарбадаёқ Оламхон қўшинини улоқтириб ташлади ва ўзини асир олди. Лекин бу орада Рантбордан Рона Санга етиб келди ва Низомхонга икки хўжайиндан бирини танлашни лозимлигини айтди. Низомхон мусулмон Бобурни танлади ва унга Дуобдан ер-мулк (жағир) ажратиб берилди. Узоқ урinishлардан сўнг ноилож қолган Тоторхон Саранхоний ҳам Гувалиёр қалъасини топширди. Унга ҳам Агра яқинидан ер-мулк ажратиб берилди. Уша кунларда Бобуршоҳ ўзининг ҳаётига қилинган суиқасддан зўрға сақланиб қолди. Султон Иброҳим салтанати синдирилгач, ҳинд таомларини тайёрлатиш мақсадида Лўдий саройида хизмат қиладиган ошпазлардан тўрт киши ажратиб олинган эди ва улар Бобуршоҳ саройида ошпазлик қилар эдилар. Ундан хабар топган Султон Иброҳимнинг онаси оқсоч аёллардан бири орқали Аҳмад исмли ўғлининг баковулини чақиртириб, уни катта пора эвазига шоҳни заҳарлашга кўндирди ва қоғозга ўроғлик заҳар берди. Аҳмад илгари қўл остида ишлаган ошпазлардан бирига заҳарни бериб, шоҳга олиб кириладиган товоқдаги таом устига сениб беришни тайинлади. Заҳарни қозонга сепишнинг имкони йўқ эди, чунки ошхонада баковулар кузатиб туришар эди. Шунинг учун таом товоққа солинаётган пайтда нон устига бир оз заҳар сепилиб, унинг устига бир неча бўлак қовурилган гўшт қўйилди. Шошпилач ваҳима ичида заҳарнинг ярми ўтга ташланди. Уша нон устидаги қуён гўштидан шоҳ бир бўлак истеъмол қилди, шу билан бирга анчагина қовурилган сабзи ҳам еди, лекин ҳеч қандай нохуш таъм сезмади, кейин бир ёки икки бўлак дудланган гўшт ҳам еди ва бир оз кўнгли беҳузур бўлди. Уқтин-уқтин қусгиси

келди. Товоқ унинг олдида турар эди. Кўнгил беҳузурлиги яна ҳужум қилди. Авваллари ҳатто кўп ичкилик ичилганда ҳам овқатдан сўнг кўнгли бунақа беҳузур бўлмас эди. Бу ҳол уни шубҳалантирди. Унинг буйруғига биноан ошпазлар дарҳол ҳибсга олиниб, овқатдан итга ҳам берилди. Итнинг қорни шишиб, беҳуш йиқилди. Овқатдан еб кўрган иккита йигитга ҳам овқат ёмон таъсир қилди. Ошпазлар қисди-қафасга олиниб сўроқ қилинган, суиқасд тафсилоти аниқланди. Айбдорлар шафқатсизлик билан жазоланиб, кейин ҳам ана шундай гуноҳкорларга нисбатан бу чоралар қўлланиб келинди. Баковул пора-пора қилинди, хизматкор аёллардан бири отилди, иккинчиси фил оёғи остига ташланди, ошпазларнинг эса териси тириклайини шилиб олинди. Кўрсатилган тиббий ёрдам туфайли Бобур тез орада соғайиб оёққа турди. Айбдор малика (Султон Иброҳимнинг онаси) эса ертўлага қамалиб, мол-мулки мусодара қилинди.

РОНА САНГА УРУШЛАРИ. ЧАНДИРИИДАГИ УРУШЛАР

Бобурнинг Ҳиндистондаги ашаддий душманларидан бўлмиш Рона Санга Ҳиндистон салтанати учун курашни авж олдира бошлади. У Чайтур (ҳозир Удипур деб аталади) вилоятининг Ражпут воҳасида ҳукмрон эди. У юқори табақали оила авлодидан бўлиб, Бобур сингари ҳаётнинг иссиқ-совуғини кўп кўрган эди. Тахтга чиқишдан аввал кўп урушларда бўлиб, атроф-теваракдаги ҳукмронларнинг кўпларидан устун чиққан, қаттиқ жангларда иштирок этиб, баданининг жароҳатланмаган жойи қолмаган эди. Рона Санга ҳақида Бобур авваллари эшитмаган эди. Лекин Ҳиндистонга охириги юришида Ронадан вакил келиб, ҳамкорлик қилишни таклиф қилган эди. Келишувга биноан, Султон Иброҳимга Бобур Деҳли томонидан ҳужум қилиши, Рона эса Агра томондан зарба бериши лозим эди. Бобур Деҳлини эгаллаб Аграгача келди-ю, лекин Рона ўрнидан қимирламади. Бобурнинг Қолпи, Дўлпур ва Биёгани эгаллаб олиши уни ранжитган эди. Агра ҳам илгари Биёнага тобе шаҳар бўлган эди. Деҳли тахти талашда қолган бўлиб, Рона ўзини ана шу тахт даъвогари деб биларди ва афгонларни ҳам, туркийларни ҳам Ҳиндистондан бутунлай қувиб юбориш ва Ҳиндистонда ҳинд irqига мансуб бўлган кишини тахтга чиқариш пайида юрар ва афгонларнинг Султон Искан-

дар Лудийнинг ўгли Султон Маҳмуд Лудийни тахт ворисин қилиб қўтаришини маъқуллаган эди.

Рона Санганинг Биёнага юришини сезган Бобур тезлик билан Ҳумоюнга Жонпурдаги қўшинларни олиб етиб келишга буюрди. Шаҳзода етиб келиши биланоқ, Биёна ҳокими Маҳди Хўжадан хабар келди. Унда айтилишича, Рона Санга Биёнага шитоб билан келаётган ва Мевот ҳокими Ҳасанхон унга қўшилган эди. Тезлик билан унинг йўлини тўсиш учун қўшин юборилди. Тажрибали саркардалар Муҳаммад Султон Мирзо бошчилигида йўлга чиқдилар. Жўнатилган илғор гуруҳлар бир неча асирлар ва душман қўшини аскарларнинг бошларини олиб келдилар. Асирлар ҳақиқатан ҳам Ҳасанхон Рона Санга қароргоҳига келиб тушганини айтдилар. Бу хабар шохин анча ранжитди. Чунки Понипат жангида Ҳасанхоннинг ўгли Нохирхон асир тушган бўлиб, ҳибсда сақланарди. Ҳасанхон Бобур билан музокарада ўглини озод қилишни илтимос қилган ва у билан дўстона муносабатда бўлишини билдирган эди. Бироқ Нохирхонни озод қилиб, унга сарпо кийдириб, отаси олдига юборганини эшитибоқ, ўгли билан кўришмай туриб Рона ҳузурига келиб унга қўшилган эди. 1527 йилнинг 11 февралда Бобур қўшини тўртиб Аградан чиқди ва шаҳар ташқарисинда тўхтаб, қўшинини кўздан кечирди, замбараклар, юклар ва озуқа бирма-бир назардан ўтказилди. Бу урушта афғон ва ҳиндлардан иборат бўлишмаларни теварак-атрофни қўриқлашга юборди, чунки жангда уларга унчалик ишониб бўлмас эди. Сўнгра ғарбга Медхалпурга юриб у ерда сув олинн учун қудуқлар қаздирди. Эртаси кун Секри (ҳозир Фотехпур)га келдилар. Бу ерда Маҳди Хўжа келиб қўшилди. Биринчи кунлардаги урушлардан Рона Санганинг аскарлари чигатоӣ туркларни илгарин юзма-юз келган афғон ва ҳинд аскарларига қараганда анча яхши таӣёргарлик кўргани, ўз Ватанини жону жаҳди билан ҳимоя қилиши, чунки уларни ҳақиқий қаҳрамон саркарда етаклаб бораётгани сезилиб қолди.

Бобур одагда тажрибали бекарин олдинги қаторга навбат билан юборар эди. Мир Абдулазизнинг навбати келган кун у минг-бир ярим минг кишилик қўшини билан Секридан 7—8 милча олдинга босиб бортач, ражпутларнинг 4—5 хинг кишилик отлиқларига дуч келиб, катта талафот кўрдилар. Уларга ёрдам тариқасида ва-зарининг ўгли Муҳиб Али Ҳалифа ўз қўшини билан жўнатилди, улардан сўнг Муҳаммад Али ўз бўлишмаси билан

олдинга интилди. У етиб боргунча олдингилар анча талафот кўрган эди. Лекин душмanning важоҳати шоҳ тўпчиларни бир-икки мил олдинга силжигандагина бир оз пасайиб, ўз муваффақиятидан мамнун ҳолда орқага қайтди. Душман қўшини бир юз йигирма мингдан ортиқ эди. Бир неча кун давомида Бобур қўшини ўзини тиклаш билан овора бўлди. Уч-тўрт ҳафта давомида қайта тайёргарлик ишлари олиб борилди, замбараклар, ўқ-дорни ва қурол-аслаҳа кўздан кечирилди. Бу орада Ғазнадан беш юз кишилик ёрламчи қўшин келди. Улар билан мунажжим Муҳаммад Шариф ҳам бирга келиб Миррих юлдузи ғарб томонга юраётганини ва ким бу томондан урушга юрса, албатта мағлуб бўлади, деб ҳаммanning юрагига ғулғула солди.

Душмanning чағитиш ва Ҳасанхондан Ронага қўшилгани учун ўч олиш учун Бобур Мевотга қўшин юбориб шаҳарни вайрон қилишни тайинлади. Вайронагарчилик яқин атрофдаги қишлоқларгача етиб бордию, лекин кутилган натижани бермади. Омади юришмаганлигидан умидсизликка тушган Бобур қароргоҳда, душман эса очиқ майдонда эди. Ҳаракатсизликдан диққати ошган Бобур ўзининг ўтмиш ҳаётини бирма-бир саҳифалаб ҳаёдан ўтказиб, таҳлил қилиб кўрди ва ичкиликка берилганлиги туфайли ўз ички руҳий эътиқодининг энг қатъий ва муқаддас талабларини анчадан бўён очикдан-очик бузиб келаётганига ишонч ҳосил қилди. Бошқа ичувчилар каби у ҳам бир неча бор шу одатни тарк этмоқчи бўлган, лекин бунинг уддасидан чиқа олмаган эди. Лекин бу сафар у ўз онтига содиқ қолишга қарор қилди. «Ичкилик базмларида ишлатиладиган қадаҳ ва косаларни ва бошқа олтин, кумуш анжомларни олиб келиб барчасини сивилриштириш ва уларнинг бўлақларини дарвешлар ва бошқа камбағалларга бўлиб беришни буюрдим,— деб ёзди Бобур,— менга биринчи бўлиб эргашганлардан бири Асас (исмли киши) эди. У меннинг соқол қўйиш ҳақидаги қароримга ҳам қўшилди». Уч юзга яқин амалдорлар ва сарой аъёнлари шоҳнинг қарорига қўшилиб, унга эргашдилар, Ғазнадан олиб келинган чоғирга (винога) туз ташлаб сиркага айлантирилди. Қолганларини эса қудуқ қазиб, қудуққа тўқдилар ва шу ерда ана шу ҳодисага бағишлаб ёдгорлик ўрнатишга қарор қилишди. Бунга қўшимча тарзда шу кундан бошлаб, мана шу ҳодиса шарафига қўл остидаги барча ўлкалардаги мусулмонлардан тамға солиғи олишни бекор қилиш ҳақида фармон чиқарди. Рақиб олдидаги муваффақиятсизлик

қайфияти бек ва амирларга ҳамда навкарлар орасига ҳам ёйилаётган эди. Фақатгина бош вазир Мир Али Ҳалифагина тушқунлик руҳини сездирмас эди. Суворий ва аскарбошилардаги бу тушқунликни кўтариш учун Бобур бир кун и уларни тўплаб мурожаат қилди. Мурожаатда Аллоҳ уратган ҳар бир бандага бир ўлим борлиги ва хор бўлиб яшагандан ғоз туриб ўлиш маъқул эканини, бу муқаддас урушда ўлган шаҳид, ўлдирган ғози эканини айтиб, ҳақ таоло мусулмон бандаларининг ҳаминша қўллашганини тушунтирди ва бу билан аскарлар руҳини анча кўтарди. Подшоҳнинг сўзларидан руҳланган навкарлар шитоб билан урушга тайёрлана бошладилар.

12 март (1527 йил) кун и Бобурнинг тўпчилари олдинга силжий бошладилар, улар кетидан тупроқ солинган қоплар юклатилган аравалар ва улар ортидан эса, барча қўшин йўлга чиқди. Бобур ўзи отда қўшин сафлари бўйлаб юрар, суворий ва лашкарбошиларга йўл-йўриқлар кўрсатиб борар эди. Буларнинг юришини эшитиб рақиб томонидан ҳам отликлар бўлинмаси яқинлашиб кела бошлади. Уларга қарши отликлар гуруҳи юборилди, шу билан Бобур ўз суворийларининг қайфиятини синаб олмоқчи бўлди. Бир оз вақт ўтгандан сўнг юборилганлар бир қанча асирлар билан анчагина қурбонларининг қалласини найзаларга санчиб ёки эгар қошига осганча қайтиб келадилар. Бу ҳол қолган аскарларни ҳам руҳлантириб юборди. Энди замбараклар ва милтиқлар ҳам ишга туша бошлади ва душман қароргоҳи сари юришгач, узоқдан душманининг қораси кўринди. Дарҳол ҳамма ўз жойини эгаллади ва Бобур олдинга отилиб чиқиб, сафдаги суворийларни руҳлантириб юборди. Марказий ҳужумга Чин Темур Султон билан ҳамкорликда ўзи борарди. Унг қанотни эса Ҳумоюнга топшириб, унга Қосим Хусайн Султон, Ҳиндубек ва Ҳусрав Қўқалдошларни ҳамроҳ қилиб берди. Чап қанотда Зиёд Махди Хўжа, унинг куёв-ўғли Муҳаммад Султон Мирза, Абдулазиз ва Муҳаммад Али жанг-жанг борар эди.

Заҳирага эса тажрибали мўғул аскарларидан тўлғамага қўйилиб, зарур бўлган жойга юбориб турди. Лашкарнинг бундай қурилишини Бобурнинг шайбонийлар билан бўлган дастлабки жангларида ва охириги урушларда ўқланилиб, зўр муваффақият келтирган эди. Ҳиндистоний аскарлар асосан чап қанотга жойлаштирилган эди. Устод Али Қули бошқараётган тўпчилар эса ўртада бўлиб, олдинги қанотда бир-бири-ла занжир-

лар билан маҳкамланган ва уларнинг олдида ҳимоя учун Бобур ўзи ихтиро қилган тупроқ тўлғазилган қоплардан ҳимоя девори ҳосил қилинган эди. Орқадан келган ҳужумни қайтариш учун алоҳида гуруҳлар қолдирилиб, уларнинг олдинга ўтиши зарур бўлганда замбаракларни бир-бирига боғлаб турадиган занжирлар туширилар эди. Лашкарга Бобур ўзи бошлиқ тажрибали саркардалар раҳбарлик қилиб борарди.

Ражпутлар қўшинида ҳам тажрибали қўмондонлар раҳбарлик қилар ва зарур бўлганда, уларнинг ўз юрларидан қўшимча куч олиб келиш имкони бор эди. Бхилза ҳокими Салоҳиддин қўл остида ўттиз минг отлиқ, Ҳасанхон Мевотийда 12 минг, Донгенпур ҳокими Раул Удай Сингх Нагарийда 10 минг, Чандирий ҳокими Медини Раода 10 минг отлиқ аскар бор эди. Салоҳиддин билан Медини Рао Малва вилояти тарихида алоҳида из қолдирган эдилар. Афғонлар тахт вориси деб эълон қилган Султон Маҳмуд Лўдий (Султон Иброҳимнинг укаси) ҳеч қандай вилоятга эга бўлмаса ҳам, унинг тахтга ўтириб қолишидан умидвор бўлган кишилардан иборат 10 мингга яқин аскарни бор эди. Ҳар бир қабила бошлиғида ҳам 4 мингдан 7 минггача суворий бор эди. Буларнинг қаҳр-ғазаби умумий душман — Бобур лашкарига қаратилган эди. Жанг майдонига бундан ортиқ лашкарни олиб чиқиб бўлмас эди. Бобур қўшинни кўздан кечириб қаноат ҳосил қилгач, буйруқсиз ҳужум бошламасликни тайинлади.

Эрталаб соат 9 яримларда ражпутлар қўшини Бобур лашкарининг ўнг қанотига ҳужум қилди. Заҳирадаги кучлар унга ёрдамга юборилди. Марказий қўшиннинг ўнг қанотида турган Мустафо Румийнинг тўпчилари ҳам ўт очдилар. Душман қўшини ҳам устма-уст кела бошлади. Уларга қарши заҳирадаги ёрдамчи кучлар ҳужумга ўтди. Жанг бир неча соат шиддат билан давом этгач, иккала қанотдаги қўшинларни ҳар икки ён томондан ўтиб рақибни ўраб олишга буйруқ берилди. Ўртадаги тўпчиларга ҳам олға юришга буйруқ берилди, уларнинг орқасидаги ички қўшинга ҳам тўпчиларнинг икки ёнидан олдинга ўтишга буйруқ берилди. Икки қанотдагилар келаётган ёрдамни кўриб, шиддат билан олға интилиб жангга киришдилар. Бу кутилмаган, кескин ҳаракат рақиб қўшинини довдиратиб қўйди. Душмanning марказий қўшини бузилиб турли тўдаларга ажрала бошлади. Лекин ражпутлар ҳам довдираб қолмади. Улар ҳам Бобур қўшинининг марказига кетма-кет ҳужум қилди, ле-

кин кескин қаршиликка учрадилар ва орқага суриб ташландилар. Кечқурунга бориб, тартибсизлик кучайиб, қиргин барот уруши жуда хунук тус олди. Урушнинг тақдири ҳал этилаётган эди. Ражпутлар оёқлари остидаги рақиб мурдаларини босиб орқага чекинишдан бошқа илож топа олмадилар. Бобур душманни унинг қароргоҳигача таъқиб қилиб борди ва у ерда тўхтаб, бир неча гуруҳ душманни ётган жойигача қувиб боришга ва қириб танилашга буйруқ берди. «Мен мана шу ишда хато қилдим,— деб афсусланади Бобур,— бу ишни бировларга буюрмай душманни ўзим таъқиб қилишим лозим эди». Бобур афсусланишининг боиси бу бўлса керакки, бу жангда Рона Санга қочиб қолишга улгурган эди. Айтишларича, унинг ҳамроҳлари уни қутқариб қолиш учун ўзларини таъқиб қилувчиларнинг оёқлари остига ташлаган эдилар.

Ана шу жангдан кейин Чайтур рожаларининг бирон-таси ҳам Бобурга қарши бош кўтармадилар. Тахт даъвоғари бўлмиш Султон Маҳмуд Лудий эса Гужарат ҳокими Султон Баҳодиршоҳ ҳузурига қочиб борди. Ҳеч бир жаанг бунчалик тўла яқунланмаган эди. Душман тўла янчиб ташланиб, тум-тарақай қилинди. Бутун жанг майдони ва ҳатто Биёна ва Алвор йўллари ҳам ўликлар билан тўлиб кетган эди. Улганлар орасида мевотлик Ҳасанхон (замбарак ўқидан ўлди). Донгенпур ҳокими Раул Удай Сингх, Рай Чандербан Чухан, Маникчанд Чухан ва бошқа таниқли ҳукмдорлар бөр эди.

Уруш тугаган кунидеъ Бобур Дуоб водийсидаги бўйсундирилмаган шаҳарни олиш учун катта қўшин юборди. Уруш яқунлари уларга етиб келган бўлиб, Қул шаҳари ҳимоячилари ҳар томонга қоча бошладилар. Шаҳар ҳокими Илёсхон қўлга олинди, тириклайин териси ичилиб олинди. Бу ҳодиса ўша давр вақшийлиги намунаси эди. Уч кун йўл юриб, ўликлар тўла далалардан ўтиб, Биёна томон юрдилар, бироқ бу даштларда ичимлик суви топиш қийин бўлгани учун, бек ва амирлар билан маслаҳатлашилгач, йўлни Мевот томон бурдилар. Мевот ўлкаси 200 йилга яқин Ҳасанхон авлодлари тасарруфида бўлиб келган эди. Бобур Лохур ва Дўлпурни олган йили Ҳасан Алвор қалъасини қуриб, уни мустаҳкамлаб олган эди. Капва ёнидаги даҳшатли уруш натижалари мевотликларнинг руҳини тушириб юборган эди. Алворга яқинлашгач, Бобур ҳибсдан озод қилиб юборган Нохирхоннинг кишилари уни кўтиб олди ва шаҳарни топширди. Нохирхонга алоҳида мулк ажратиб берилди. Алвор

хазинаси олишиб Хумоюн орқали бадахшонликлар қў-
шини билан Кобулга жўнатилди.

Охирги катта жанг олдидан Бобур душманни енгган-
дан сўнг, истаганларга уйларига кетишга рухсат бериш-
ни ваъда қилган эди. Улар хурсандчилик билан уйла-
рига жўнадилар. Бобур ўғлини бир-икки кунлик йўлга-
ча қузатиб келиб, у билан хайрлашди. Деҳлига келгач,
Хумоюн отасининг хазинаси солинган сандиқларни маж-
буран очдирди ва хазинанинг анчагина қисmini зўрлаб
тортиб олди. Бу енгилтаклик отасини қаттиқ ранжитди
ва шоҳ ўғлига ғазабга тўла хат ёзиб жўнатди. Мевот-
дан чиқиб Биёна ва Секри шаҳарлари орқали яна Аг-
рага қайтиб келдилар.

Асосий душманидан қутулган Бобур энди ўзинга бўй-
сунини истамаган шаҳарларга кучли қўшин юбориш
имконига эга эди. Шу тарзда Атова, Локнау, Кануж
каби Агра атрофидаги вилоятлар қўлга киритилиб, Ҳин-
дистондаги афғонлар салтанати синдирилгач, Понипат
жангидан ўн икки ой ўтмасданоқ Канва ёнидаги жанг
ҳинд бекларининг уюшмасини ҳам синдирди. Шу билан
Бобур шу мамлакатнинг ҳар бир фуқаросига рақибла-
ридан ақлан ва жисмонан устун эканлигини исботлаб
берди. Унинг бу муваффақиятида шимолдан келган су-
ворийларнинг салоҳияти, уларнинг жасурлиги ва уд-
дабуронлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Булар-
нинг ҳаммаси Бобур ҳаёт тарзининг воқеаларга бой,
тиниб-тинчимас ва фаоллигидан гувоҳлик беради.

Ўзининг айтишича, Бобур ўн бир ёшдан ўтгандан
буён бирон марта рўза ҳайитни бир жойда икки марта
кутиб олмаган экан. «Ўтган рўза ҳайитни Аграда ўт-
казган эдим, бу сафарги ҳайитни кутиш учун Рамазон
ойининг 30 кунни (1527 й. 30 июнь) Секрига жўнадим»,—
деб ёзди Бобур.

Сўнгра Дўлпур, Борий шаҳарлари орқали Чанболга-
ча бориб Аграга қайтиб келди. Йўл-йўлакай Дуобдаги
Қўл шаҳрига ва Ганг дарёсининг нариги қирғоғига, Сан-
болга бориб айланиб қайтиб келди. 1527 йил декабрь
ойида Жамна дарёси бўйлаб Колпий орқали Ирож ва
Кечва воҳаларидаги қалин чангалзорлар оралаб қўшин-
га йўл очдириб, 20 январда Чандирийга етиб келди. Ша-
ҳар бу пайтда Ражпутларнинг кучли саркардаларидан
бўлмиш Медина Рао қўлида эди. Бу шаҳарни унга Рона
Санга ҳадя қилган эди. Чандирийдан ташқари Гандроун
қалъаси ва баъзи қишлоқлар ҳам унга қарашли эди.
Бобур Чандирийга яқинлашганда ўз одамларини юбо-

риб, шаҳарни яхшиликча топширишни, унинг эвазига Дуобдаги Шамсиободни беришини айттирди. Музокара натижа бермагач, Бобур саркардаларига қўшинни жангга тайёрлашга буйруқ берди. Берилган кучли зарбалардан сўнг шаҳар қалъаси қўлга киритилди. У ерда Аҳмадшоҳни қолдириб, шарқий қўшинлардан хабар олиш учун орқага қайтдилар. Кўп ўтмай Бобурнинг ашаддий душманларидан бири бўлмиш Рона Санга вафот этди ва Бобур бу томонлардан бўлиши мумкин бўлган хавфдан қутулди.

БОБУРНИНГ ГАНГ ҚИРҒОҚЛАРИДАГИ ЮРИШЛАРИ

Чандирийга хужум қилиш арафасида Бобурнинг бош вазири Низомиддин Али Халифа шошилмиш хабар етказган эди. Унда айтилишича, Шарқий қўшинлар кутилмаган хужумга бардони бера олмай Лакнов шаҳрини ташлаб чиқиб, Ганг дарёси орқали ўтиб, Канужга чекинаётган эди. Шунинг учун Бобур Чандирийни олибоқ, орқага қайтишга шошилди. Йўлда Шоҳга қарши бош кўтарган Бибон ва Маъруфга қўшилган Шайх Боязиднинг таъзирини бериб қўйиш учун Жамна дарёсидан ўтиб Канужга йўл олди. Унинг келаётганини эшитиб, шаҳардагилар шаҳарни ташлаб, дарёнинг нариги қирғоғига ўтиб олдилар. Бобур дарё устига кўприк қуриб ўтишга буйруқ берди. 27 февраль куни Устод Али Кули бошчилигида 30—40 қайиқдан кўприк қурилиб замбараклардан ўт очиб, нариги қирғоққа ўтдилар. Кўприкдан ўтишда кўп қурбонлар берилди. Чин Темир Султон бошлиқ қўшин душманни қувиб бориб, Лакновни эгаллади ва кўпгина афгонларни асир қилиб олдилар. Рантомбор ҳам қўлга киритилди. Аҳдлашувга асосан у ердаги Бекрамажитга (Рона Санганинг иккинчи ўғли) Шамсиобод берилди.

Улкаи мамлакатни идора қилиш учун сарфланаётган катта ҳажмдаги ҳаражат миқдори кундан-кун ортиб борар, Султон Искандар ва Султон Иброҳимдан қолган хазинанинг таги кўриниб қолган эди. Бунинг устига шоҳ томонидан берилган фармонга асосан мусулмонлардан олинадиган «тамға» солиғининг бекор қилиниши, бошқа турдаги солиқларни ўттиз фонзга оширишга мажбур қилган эди.

Шу кунларда Хуросон томонларда ҳам Бобурнинг

диққатини жалб қиладиган воқеалар рўй бераётган эди. Шоҳ Исмоил вафотидан сўнг унинг ўғли Шоҳ Тахмасп ҳукмронлиги даврида ўзбеклар яна қутура бошлади ва **Ҳирот**, **Машҳад** ва **Тус** вилоятларигача етиб келишди. 1528 йилнинг охирига келиб эронийлар **Сабзавор** ва **Астрободда** жуда катта куч тўпладилар ва бирма-бир **Ламғон**, **Ҳирот** ва **Машҳадни** қайта эгалладилар. Мовароуннаҳр хонларидан кўплари ўлдирилди: **Кучумхон**, **Улуғхон**, **Убайдуллохонлар** жанг майдонида яраланиб қочдилар. **Андижон** ҳокими **Жонибек эса**, эронийлар гуруҳини қувиб бориб кечқурун **Шоҳ Тахмасп** қароргоҳидан чиқиб қолди ва қувғинга учраб, зўрға қочиб қутулди. Ғалабадан сўнг **Шоҳ Тахмасп** ғарбий вилоятларига қайтиб кетди.

Эроний қизилбошларнинг бу улкан ғалабаси **Бобурнинг** қалбидаги умид учқунларини алангалатиб, **Самарқанд** томонлардаги вилоятларни қайта эгаллаш иштиёқини туғдирди. Шу ниятда **Бадахшонга**, ўғли **Ҳумоюнга** хат ёзиб, келажак ишларини кўрсатиб берди ва қўшин тўплаб **Балх** ва **Хисорга**, иложи бўлса, **Самарқандга** юришни тавсия қилди. Шу муносабат билан ёзилган хат тўдалигича бизга етиб келган. Бу хат **Бобуршоҳнинг** кенг сиёсий қарашлари ҳамда соғлом онгидан, шунингдек, унинг нозик диди ва соф танқидий мулоҳазаларидан далолат беради.

Шундан сўнг **Ҳумоюн** вақтни бой бермай тез орада 40—50 минг кишилик лашкар тўплаб, **Султон Вайс** ҳамроҳлигида **Самарқанд** томон йўл олди. **Султон Вайснинг** укаси ўз қўшини билан **Ҳисорни** эгаллади, **Ҳумоюннинг** яна бир гуруҳ қўшини **Термиздан** келаётиб **Қабодиённи** эгаллади, кейинроқ **Балх** ҳам қўлга киритилди. Бу воқеаларга яқинроқ туриш учун **Бобур баҳорда** **Кобулга** боришни ният қилди-ю, лекин **Ҳиндистондаги** маъсул ишлар бу ниятни амалга оширишга ҳалақит берди. Лекин ўзининг тоғ оралиғидаги вилоятларини бориб кўриш нияти ҳеч қачон унинг миёсини тарк этмас эди. Кейинроқ дўсти **Хўжа Калонга** ёзган хатида **Ҳиндистондаги** ишлар жой-жойига туша бошлагани, яқин орада **шимолий** вилоятларга бориш имконияти туғнлажагани ва бу ниятни амалга ошириш иштиёқи чексиз эканини ёзган эди.

Орадан кўп ўтмай, 1528 йилнинг 2 декабрида **Бобурнинг** саломатлиги бир оз ёмонлаша бошлади. Бизгак тез-тез ҳуруж қилар ва ҳуруж ҳар сафар 6—7 ҳафтагача давом этарди. Қасалликни даволаш пайтида **Бобуршоҳ**

мусулмон пайғамбарлари шаънига ғазал битишни ҳам машқ қилиб турарди.

Ёмғирли кунлар ўтгач, Бобур лашкарларини яна бир бор тўплашга уриниб лашкарбоши ва амирларини ҳузурига чорлади ва улар билан қай томонга юриш ҳақида кенгашиб олди. Келишувга кўра унинг ўғли Аскаррий Мирзо шарқий қўшинга бошчилик қилишга тайинланди. У ерлардаги ишларга маъсул бўлган Жунаид барлосга хат ёзиб, шоҳнинг бу ерда бўлиши шартми ёки йўқлиги ҳақида унинг фикрини сўради. Ундан жавоб келгунча Бобур сарой аъёнлари ва хорижий мамлакатлар элчилари шарафига зиёфат берди ва Дилпурда қурилаётган боғ ва саройни бориб кўрди. Бу орада шарқий вилоятдан элчи келиб, ҳамма ишлар жойида, мамлакат осойишта эканини ва шахзодалардан бирини лашкарбоши сифатида юборилиш сўралганини билдирди. Бенгал вилоятдан элчи келиб, бу вилоят ҳокими Бобурга нисбатан дўстона муносабатда эканини айтиб, Шоҳни хотиржам қилди. Шундан сўнг, Аскаррий Мирзо ҳамроҳлари, амирлар билан Ганг дарёси бўйидаги вилоятларга, Бобур эса ғарб томон йўл олди.

Шу орада белужлар Бобур ерларига ўтиб талон-тарож қилаётгани ҳақида хабар келди. Бу жасур ва вахший ирқ вакиллари ўша пайтда Синд вилоятида Бхеккердан тортиб Мултон ва Самарқандгача бўлган ўлкаларда хўжайинлик қилардилар. Уларнинг адабини бериб қўйиш вазифаси Мевот ҳокими Чин Темур Султонга топширилиб, унга тажрибали лашкарбошилар ҳамроҳ қилиб берилди ва ишни мукамал ҳал қилиш учун 6 ойлик озуқа ва аслаҳа олиш топширилди. Шундан сўнг Бобур сафар олдидан Дилпурда қурилаётган сарой ва боғларни томоша қилиш учун жўнади. У ерда тўрт кун турган эдики, шарқий афғон қабилалари хон қилиб кўтарган Султон Маҳмуд (Султон Иброҳим Лўдийнинг укаси) яна бош кўтаргани ва Баҳорни эгаллагани ҳақида хабар келди. У дарҳол Аграга қайтиб, шарқий қўшинга ўзи бошчилик қилишга қарор қилди. 2 февраль кун Дуоб водийсини кесиб ўтиб, 27 февраль кун Ганг дарёсининг ўнг қирғоғидаги Дакдаки қалъасига етиб келди ва шу ерда ўғли Мирзо Аскаррий ва унинг ҳамроҳлари билан учрашдилар. Ўша пайтда шарқий ҳокимият тахтига уч киши — Султон Маҳмуд Лўдий, Султон Жалолиддин Баҳорхон Лоханий, Султон Жалолиддин Шарқийлар даъвогар эди.

Бобурнинг лашкари келаётганини эшитгач, Султон Жалолиддин Шарқий уни Корра қалъаси ёнида дўсто-

на таъзим билан яхшилаб кутиб олди. Бобур унга қўшинга бошчилик қилишни топширди. Бунни эшитган Султон Маҳмуд Лўдий ҳам Гунор ва Банорасни ташлаб қочди. Унинг изидан Ҳозирда келишганда афғонларнинг бошлиқларидан бўлган Маҳмудхон Лоханий ва унинг кетидан тахт даъвогари Султон Жалолоддин Баҳорхон келиб, таслим бўлганини билдирдилар. Шундан сўнг асосий кучлар Бенгал шоҳи Нусратшоҳни бўйсундиришга қаратилди ва қаттиқ уринишлардан сўнг у билан ҳам сулҳ тузилди. Бибон ва Шайх Боязид Гогра ва Сирудан ўтиб, Дуоб водийсида Гапга дарёсини кечиб ўтдилар ва таъқибдан қутула олмай, ниҳоят, Жамнадан ҳам кечиб ўтдилар ва Банделхонд чегаралари орқали Махобага қочдилар. Бобур эса навбатдаги ғалабадан сўнг Гограда бир оз тўхтади ва Уд орқали 1529 йилнинг 17 июнида Аграга қайтиб келди.

БОБУРНИНГ ХАСТАЛИГИ ВА ВАФОТИ

1529 йилнинг иккинчи ярмига келиб Бобурнинг соғлиги ёмонлаша бошлади. Бу нохуш хабар унинг атрофидагиларга маълум бўлгач, бу ҳол сўнгги тўққиз йилнинг кўпроқ қисмини узоқ Бадахшонда ўтказаётган ўғли Ҳумоюн Мирзони жиддий ташвишга сола бошлади. Чунки ўша пайтлардаги сарой ва ҳарамларда тез-тез учраб турадиган фитналарнинг олдини олиш учун у отасининг ёнида бўлиши мақсадга мувофиқ эди. Шунинг учун у дарҳол йўлга отланиб Аграга жўнади. Тарихчи Мирзо Ҳайдарнинг хабар беришича, Бобуршоҳ Комрон Мирзони Қандахорга ҳоким қилиб тайинлаган пайтдаёқ, Ҳумоюнни Ҳиндистонга чақирган эди. Чунки бирон корхон рўй бергудек бўлса, ҳокимият бошқарувини қўлга олиш учун у отасининг ёнида бўлмоғи лозим эди.

Бироқ бу воқеага бошқа тарихчилар айрича фикр билдирадилар. Ўзбеклар кўз тикиб турган Бадахшондек муҳим аҳамиятга молик бўлган ўлкага Ҳумоюндек тажрибали ва уддабурон шахзода ўрнига нишончи кишисини тайинламай туриб, уни Ҳиндистонга чақириб олиш мақсадга мувофиқ эмас эди. Лекин манбаларда бу ҳақда ҳеч нарса дейилмайди.

Ҳумоюннинг Бадахшондан кетиши ҳақидаги хабар тарқалганда маҳаллий аҳоли ўртасида норозилик кучайди. Чунки бордию Ҳумоюн кетадиган бўлса, бу ўлкага кўз тикиб турган ўзбекларнинг ҳужумига бу ердаги

амирларнинг ҳеч бири қарши тура олмас эди. Ҳумоюн халқнинг эътирози ўринли эканини, лекин уларнинг илтимосини эътиборга олиб, отасининг ҳузурига боргач, ўзининг ўрнига укаларидан бирини юборишни илтимос қилишини айтиб, уларни тинчлантирди.

Ҳумоюн жўнаб кетиши биланоқ, унинг саройида анча обрўли бўлган Ҳутлон ҳокими Султон Вайс Бадахшон амирлари билан келишди, Кобул билан маслаҳатлашмасданоқ Қашғар ҳокими Султон Саидхонга мамлакат ҳокимиятини ўз қўлига олишни таклиф этди. Улар Ҳумоюн ҳукумат ишларини Фахр Али исмли ҳеч нарса қўлидан келмайдиган кимсага ташлаб кетганини, у эса Бадахшоннинг осойишталигини ўзбеклардан ҳимоя қилишга қодир эмаслигини билдирдилар. Улар (бадахшонликлар)нинг айтишича, бу юрт ҳокимияти ўтмиш авлодлардан Султон Саидхоннинг бувиси Шоҳ Бегим орқали фақат унгагина мерос бўлиб ўтиши мумкин эди. Агар у келмаса, ўзбеклар бу водийни босиб олишлари аниқ эди. Султон Саидхон бу хушомадларни жон қулоғи билан эшитди, бу гаплар унга мойдек ёқар ва унинг истагига мос тушар эди. Султон Саидхон янги тахтни эгаллаш иштиёқида муҳаррам ойида (ҳижрий 936 й.) Қошқардан чиқиб йўлга отланди. Сариқ—Жўян деган шаҳарга етишганда у Мирзо Ҳайдарни олдинга, Бадахшон чегараларига жўнатди.

Ҳумоюн Кобулга келаётиб Ийдгоҳда Қандахордан келаётган укаси Мирзо Комрон билан тасодифан учрашиб қолган эди. Ака-ука маслаҳатлашиб, энг кичик укалари Ҳиндол Мирзони (отаси Аграга келишини тайинлаган бўлса ҳам) ўзининг ўрнига Бадахшон тахтига боришга кўндирдилар. Мирзо Ҳайдар Қалъаи Зафарга келганда Мирзо Ҳиндолнинг бу ерга келганига энди 16 кун бўлган эди. Қиш кириб қолгани учун Ҳайдар Мирзо Ҳиндол Мирзодан Қошқардан келган Султон Саидхон қўшинининг қишлаши учун Бадахшоннинг бир неча қишлоқларидан бошпана ажратишини илтимос қилди. Қиш чиқиши билан Султон Саидхон орқага, уйига қайтиши мўлжалланган эди. Аввалига бу илтимосга бир ҳийла сифатида қараб, эътибор берилмади, чунки Қошқар қўшини қўлига кирган нарсани таламоқда эди. Бир неча кундан сўнг Султон Саидхон ҳам қолган қўшини билан келиб уч ойгача қалъани қамал қилди ва қолган-қутган нарсаларни ҳам талаб, еб битирди. Қиш чиққач, Султон Саидхонни Бадахшонга таклиф этган амирлар Бобурнинг ўғли Ҳиндол Мирзо ҳокимиятга келиб

қолгани учун уни қабул қила олмасликларини айтиб узр сўрадилар.

Султон Саидхон Бадахшон аҳолисининг ўзига мойиллиги йўқлигини сезгач, у ҳеч қачон Бобуршоҳ майлига қарши турмаслигини айтди ва бадахшонликлар ўзбеклар қўлига тушиб қолмаслик учунгина уни чақиришганини, бордию шундай ҳол юз берганда ҳар иккала томон учун ҳам номаъқул иш бўлишини эслатиб қўйди. Узаро изҳори-дилдан кейин у қўшинини олиб Қошғар томон йўл олди.

Султон Саидхоннинг Бадахшонга келиши Бобурни қаттиқ ранжитди. Ҳумоюннинг ўз ўрнига ўз кишисини қўймай тахтни ташлаб кетиши ва Султон Саидхоннинг нодўстона ҳаракатларидан ташқари, Амударё бўйларидаги кейинги ҳарбий ҳаракатларда муҳим аҳамият касб этиши лозим бўлган вилоятни қўлдан чиқариб юбориш хавфи Бобурни жуда ташвишлантириб қўйган эди. Ана шундай ҳолатда у вазири Мир Али Халифадан Бадахшонга бориб, у ердаги вазиятни тинчитиб келишини илтимос қилди. Лекин вазир шундай муҳим воқеалар содир бўлаётган бир пайтда ўзини давлат ишларидан йироқлаштирилаётгандай сезиб, узрини айтди. Сўнгра Ҳумоюндан яна қайтиб Бадахшон тахтини олишини сўради. Бироқ, у ҳам буни истамади. Бундан ранжиган ва боши қотган Бобур бу вилоятни Сулаймон Мирзога иноят қилди. Сулаймон Мирзо бу вилоятда узоқ вақт ҳукмронлик қилган Бобурнинг холаваччаси Хон Мирзонинг ўгли бўлиб, онасининг аждодлари Искандар Зулқарнайнга бориб тақалар эди. Бунинг устига у Ҳумоюн саройида давлат ишларини бошқарган Султон Вайснинг куёви ҳам эди. У дарҳол Бадахшонга жўнаб кетди. У ўзи билан бирга Ҳиндолнинг Аграга қайтиши ҳақидаги хат билан Султон Саидхонга йўлланган хатни ҳам олиб кетди. Унга йўлланган хатда Бобур Султон Саидхоннинг мерос талашганидан ранжигани, Сулаймон Мирзо уларнинг ҳар иккиси учун ҳам ўз ўғилларидек эканини ва Султон Саидхон Сулаймон Мирзодан Бадахшонни талашмаслиги лозимлиги айтилган эди. Акс ҳолда Шоҳ ҳам ўзининг даъволарини унга рўкач қилиши мумкинлигини билдирган эди.

Сулаймон Мирзо Қобулга келгач, Султон Саидхоннинг Бадахшондан кетганини эшитди. Бадахшонга келиши биланоқ Ҳиндол Мирзо отасининг буйруғига биноан ҳокимиятни Сулаймон Мирзога топшириб, ўзи Ҳиндистонга жўнаб кетди.

Ҳумоюн Қобулдан чиқиб Аграга йўл олди ва сарой аъёнларидан бўлмиш тарихчи Абул Фазлнинг айтишича, унинг онаси ва Бобур у ҳақда сўзлашиб турган пайтда саройга кириб келди ва уни мамнуният билан кутиб олдилар.

Шуни айтиб ўтиш керакки, Ҳумоюннинг бу ерга келиши онаси иккаласининг режаси бўлиб, соғлиғи ёмонлашаётган Бобурга агар бирер кор-қол юз бергудай бўлса, Ҳумоюн отасининг ёнида бўлиши лозим эди. Акс ҳолда саройдаги Вазир Мир Али Халифа бошчилигидаги рақобатчи гуруҳ Ҳумоюнни тахтга яқинлаштирмаслиги мумкин эди.

Кейг ақл-фарсат ва хушодоб эгаси бўлмиш Ҳумоюн отаси олдидан силжимай унинг ўғит ва маслаҳатларига қулоқ тутарди. Уша кунларда Бобурнинг энг кичик ўғилчаси Анвар вафот этган бўлиб, шоҳ руҳан анча чўкиб қолган ва Ҳумоюн унинг кўнглини олишга ҳаракат қиларди. Саройда бир неча ой юргач, Ҳумоюн Ганг дарёсининг нариги қирғоғидаги Деҳлидан унча узоқ бўлмаган Самбол вилоятига кетди. Олти ойча у ерда яшагач, бирдан касалланиб қолди. Бундан хабар топган Бобур тезда уни Аграга олиб келишни буюрди. Бу ерга келгач, касаллик шу даражада ҳуруж қилдики, ҳеч қандай табobat ёрдам бера олмас ва Ҳумоюннинг аҳволи кун сайин оғирлаша бошлади. Бир кун Бобур Жамна дарёси бўйида қурган саройида амирлар, таниқли зиёлилар ва дин арбоблари билан уни безовта қилаётган мавзуда суҳбатлашиб ўтирган эди. Уша суҳбатда иштирок этаётган таниқли уламолардан бири Мир Абул Бақо тасодифан қадим-қадимдан келаётган удум ҳақида гапириб қолди. Бу удумга кўра Ҳумоюн тушган мана шундай ҳолларда, яъни бемор ҳаётини сақлаб қолиш учун инсон қўлидан ҳеч қандай иш келмай қолганда, киши ўзи яхши кўрган энг азиз нарсасини Аллоҳ Таолога бахшида этмоғи ва бунинг эвазига Аллоҳдан бемор ҳаётини сақлаб қолишни илтижо қилиши лозимлигини айтиб қолди. Агар Аллоҳ унинг илтижосини қабул қилса, бемор албатта соғайиб кетажagini таъкидлади.

Ҳумоюннинг ночор аҳволидан ташвишда қолган Бобур унинг ҳаёти ўзи учун энг азиз нарса эканини ва ўз ҳаётини Аллоҳ ҳузурига ҳадя этмоқчи эканини айтди ва бошқа дўстлари Бобурни бу йўлдан қайтармоқчи бўлдилар ва Аллоҳнинг иродаси билан Ҳумоюн отасининг кўз олдида ҳали кўп яхши кунлар кўришини айтишди. Бундай ҳолларда инсон ҳаёти эмас, балки дунёвий ашёлар-

дан бири садақа этилиши лозимлигини таъкидлашди. Масалан, бир неча йил илгари ўлжага олинган олмос бебаҳо буюм бўлиб, уни сотиб, пулини савоб ва саҳоватли ишларга сарфламоқ лозимлигини маслаҳат беришди. Бироқ Бобур бу таклифни рад этди. Углининг азиз жонига ҳеч бир қимматбаҳо буюмни алмашмаслиги, унинг азоб чекишини кўриб, чидаб тура олмаслиги ва унинг ўрнига ўз жонини фидо қилишга қарор қилганини айтди. Шундан кейин, айтишларича, хилватхонага кириб намоз ўқигач, жон таслим қилаётган шахзода атрофида уч марта айланиб, худога илтижо қилди. Бир оз вақт ўтгач, у илтижоси қабул бўлганини аниқ сезаётганини айтди. «Мен муродимга етдим! Мен уни сақлаб қолдим!» дегани эшитилди. Кўп ўтмай Ҳумоюн соғайиб Самболдаги қароргоҳига кетди. Шоҳнинг саломатлиги эса кундан-кун оғирлашиб борар эди.

Ҳумоюн соғайиб кетган бўлса ҳам, унинг отаси ўрнига меросхўр бўлиши хавф-хатардан ҳоли эмас эди. Вазир ва Ҳўжа Халифа номаълум сабабларга кўра, Ҳумоюнни ёқтирмас эди ва тахтга ворис сифатида Бобурнинг ўғилларидан ҳеч қайсининини яқинлаштирмасдан, унинг куёви ва қариндоши бўлмиш Махди Ҳўжани тахтга чиқариш пайнда юрар эдилар. Махди Ҳўжа жасур, баланд руҳли ва кўнгли очиқ йигит эди, лекин дарғаллиги ва исрофгарлиги ҳам бор эди. Унинг тарафкаши Халифа туркий, амирлар ва беклар ва сарой аъёнлари орасида анча юқори мартабага эга бўлиб, унинг ғояси амалга ошиб қолиши мумкин эди. Табиатдан бесабр бу йигит ўзини олий мартабага эриштириши мумкин бўлган бу фитнага бош қўшди. Шоҳ охириги кунларини яшаётганда, Халифа таъсирига учраган баъзи ҳарбийлар ҳам Махди Ҳўжага энди чиқаётган куёшга сиғингандай ўз шоҳлари сифатида унга сажда қила бошладилар. Қутилмаган бу хушомадлар унинг бошини шу даражада айлантириб қўйдикки, у ўзини шоҳлардек тута бошлади ва бу ҳол унинг тарафдорларини ранжитди. Айтишларича, Халифа уларнинг норозиликлари асосида ўз фикрини ўзгартирди ва фитнаси ошкор бўлмай туриб Ҳумоюн томонга ўтиб олди. Бунинг оқибатида Махди Ҳўжа ҳибсга олинди. Абдул-Фазлнинг ҳикояси шу билан тугади.

Уша вақтдаги тарихчилардан бири Низомиддин Аҳмад Бахшининг ҳикояси бу воқеага яна ҳам аниқлик киритиб беради. У Бобур саройидаги девон хизматчиси Муҳаммад Муқим Хирвийнинг ўғли эди. «Шундай бўлди-

ки,— деб ҳикоя қилади тарихчи,— Мир Халифа Махди Хўжани кўриш учун унга ажратилган хосхонага келди. Махди Хўжа, Халифа ва менинг отам Муҳаммад Муқимдан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Халифа энди ўтирган ҳам эдики, ўлим тўшагида ётган Бобур уни чақиртириб қолди. У уйдан чиқаётганда Махди Хўжа ҳурмат юзасидан уни эшиккача кузатиб борди. Менинг отам эса, унинг кетидан эргашиб келди ва унинг орқасида турган эди. Шошқалоқ ва калтафаҳм бу йиғит орқасида отам турганини сезмай, Халифа нари кетиши биланоқ соқолини силаб: «Худо хоҳласа, яқин орада терингни шиламан, оқсоқол»— дебди-да, ўгирилиб, рўпарасида турган отамни кўрибди. У бутунлай ўзини йўқотиб қўйибди, бироқ дарҳол менинг отамнинг қулоғидан тутиб бурабди-да, шошилиб: «Менга қара, эй тожик, тил югуриги бошга етади.» дебди.

(Сўзма-сўз таржимаси: «Эй тожик, қизил тил кўпинча яшил бошни шамолга учиради»— тарж.)

Отам бу ердан чиқиб, Халифанинг ҳузурига борибди. Унга Махди Хўжанинг қилмиши ҳақида гапириб, унинг қилиғидан ўзининг норозилигини билдирибди ва Халифанинг шоҳга бўлган садоқатига хоинона тарзда тахтни унинг ўғли Муҳаммад Ҳумоюндан ва унинг укаларидан тортиб олиб, бегона одамнинг боласига ҳадя қилмоқчи бўлиб хато қилаётганини айтибди. Сунгра у Махди Хўжанинг чодридани чиқиб кетгандан кейин бўлган воқеани оқизмай-томизмай айтиб берибди. Халифа шу оқининг ўзидаёқ Ҳумоюнга одам юбориб чақиртирибди ва бир гуруҳ ясовулларни Махди Хўжага жўнатиб, шоҳ унинг ўз уйига тезда қайтиб кетишини буюрганини айтирибди. Ясовуллар келганида у уйда овқатланиб ўтирган эди. Унинг эътирозига қарамай, ясовуллар уни уйига олиб бориб қўйдилар. Мир Халифа оддий фуқаронинг Махди Хўжа уйига қатнашини ва у билан алоқа қилишини тақиқловчи фармон чиқарди. Махди Хўжага эса саройга қадам босмаслик ҳақида буйруқ берилди.

Мана шу фитналардан беҳабар ҳолда Бобур ўз аҳволининг кундан-кун оғирлашиб бораётганини сезиб, барча вазирлар ва дўстларини чақиртириб, уларга ўлим олдидан васиятларини айтишга қарор қилди. Низомиддин Хўжа Али Халифа, Қамбар Алибек, Турдибек, Ҳиндубек каби Бобурнинг ҳаёт йўлидаги сўқмоқларни биргаликни босиб ўтган кишилар ҳозир бўлдилар. Бобур бу ерга етиб келган Ҳумоюннинг қулини ўз қулига олиб, уни қўл остидаги барча юртларда ўзининг ўринбосари

ва вориси эканини эълон қилди ва салтанат тахтини эгаллашни буюрди. Шу пайтда у тахтининг қуйроғидаги кўшқда чўзилиб ётарди. Шундан сўнг ўз ҳаёти давомида жуда кўп иссиқ-совуқни кўрган тажрибали шоҳ сифатида Таиғри Таоло ва унинг бандалари олдидаги масъулияти ва бурчини қандай бажаришлари ҳақида насиҳат қилди. Энг аввало ўзи ҳукмрон бўлган ерда қунт ва ҳалоллик билан сиёсат олиб бориш, айбдорларни жазолашда тентак ва айбидан пушаймон бўлганларга нисбатан шафқатли ва саховатлироқ бўлишни, камбағал ва бечораларни ўз ҳимоясига олишни тайинлади. Охирида Ҳумоюнга юзланиб, укаларига бўлган гиналарини унутиб, уларга нисбатан ғамхўр ва юмшоқ кўнгилли бўлишини, уларга қарши қаттиққўллик қилмасликни, қатъий чораларни қўлламасликни васият қилиб, ўтиниби сўради.

Шундан сўнг Бобуршоҳ 1530 йилнинг 26 декабрида Агра яқинидаги Чорбоғдаги саройида, 47 ёшида дорилбақога рихлат қилди. Қирқ етти йиллик умрининг 36 йилини ҳукмдорликда ўтказди, ундан 26 йили Кобулда, 5 йили эса Ҳиндистоннинг катта қисмида ўтди. Унинг жасади, ўзининг васиятига кўра, Кобулга — шаҳар яқинидаги ўзи ҳаётлигида танлаган тепаликка дафн этилди. Бу ер ҳозиргача унинг номи билан аталади.

Бобур салтанатига қарашли ерлар географиясини жуда яхши ўрганган машҳур сайёҳлардан бири шундай деб ёзди: «Кобул атрофига қилган саёҳатим кўп вақтни олмади. Шоҳ Бобурнинг мақбараси янги қурилган пайтдаёқ бориб кўришга муяссар бўлдим. Мақбара шаҳардан бир милча масофада шинамгина жойда ўрнашган. Менинг Бобур хотирасига ҳурматим жуда катта эди. Унга бўлган эътиқодим унинг ажойиб хотиралари («Бобурнома» — тарж.) — тафсилотини ўқиганим сайин ортаверди. Ўзининг оромгоҳи сифатида у қўл остидаги бепоён юртлардан энг шинам жойини танлаган. Кобул хусусида Бобур шундай деб ёзган эди: «Иқлими шунчалик ёқимлики, биз билган оламда бунинг тенги йўқдир. Кобул аркида май ичиб, косани кетма-кет тўхтатмай даврада айлангирки, бу ер ҳам тоғ, ҳам дарё, ҳам шаҳар, ҳам саҳродир».

Қабр устида икки бўлак оқ мрамор тахта ўрнатилган бўлиб, унга ўйиб ёзилган ҳарфлар Шоҳ Бобур вафот этган йилни (ҳижрий ҳисобда) кўрсатиб туради.

(Арабчи ҳисоб бўйича Бобур 50 йил умр кўрди, ундан 38 йилини ҳукмдорликда ўтказди.)

Ривоятлардан бирида айтилишича, жаннатга кираве-ришда Ризвон (Мункарнакир бўлса керак—тарж.) унинг вафот этган йилини сўраганда жаннат Бобур подшоҳнинг абадий яшаш жойи экани (яъни у ўлмаган—тарж.) айтилган эмиш. Бобур қабри атрофида унинг хотинлари ва болалари дафн этилган. Қичкинагина бу боғ атрофи оқ мрамар девор билан ўралган. Шарқираб оқиб турган ариқчалардаги сув кобулликларнинг оромгоҳига айланган бу гўшадаги анвойи гулларни сугориб туради. Қабрдан сал нарироқда мўъжазгина оқ мрамардан қурилган масжид бор. Ундаги тахтачадаги ёзувга қараганда, бу масжид 1640 йилда подшоҳ Шоҳ Жаҳоннинг буйруғига биноан Бадахшон ва Балх ҳокими Муҳаммад Нузурхонни таслим қилиши муносабати билан мусулмон бечораларнинг шу ерда намоз ўқишлари учун қурилган эди. Бобурдек улуғ одамнинг кейинги авлодлари томонидан бу тарзда улуғланиши кишини қувонтиради. Бу ердан тепаликка қараб кенг йўл солинган. Йўлнинг охирида Шоҳ Замоннинг буйруғига биноан ёзлик дала-ҳовли қурилган бўлиб, у ердан Бобур мақбарасини мароқ билан томоша қилиш мумкин.

Агар 20 милча радиусдаги кўм-кўк боғ ва майсазордан иборат бўлган улкан воҳани, уни учта эгри-бугри ирмоқчалари, шарқироқ сувлари билан унинг қишлоқ ва қалъаларини оралаб кесиб ўтишини кўз олдингизга келтира олсангиз, Қобулнинг гўзал жаннат эканига ишонч ҳосил қиласиз. Унинг шимолдаги ярмигача қор билан қопланган Пугмон тоғининг қўйи қисмини кўм-кўк бахмал яйлов ажратиб туради. Атрофдаги хўмрайиб турган қояли тоғлар эса шоҳларнинг ов қиладиган жойидир. Шаҳар атрофидаги боғлар қўйироқда ястаниб ётади, бу боғларга жуда моҳирлик билан оқар сувлар олиб келинган. Бу гўзал манзараларга мафтун бўлган кишиларнинг қалбига ва Бобурнинг ҳайратига ҳавасинг келади. «Бу яйлов ва анвойи гуллар Қобулни баҳорга, жаннатга айлантириб қўйган»,— деб таърифлайди Бобур.

Бобур шарқ мамлакатлари тахтига ярашиб тушган ҳукмдорларнинг ёрқин намояндаларидан биридир. Унинг шахси олижаноб инсон ва улуғ шоҳга мансуб бўлган фазилатлардан таркиб топган. У жасур ва тadbиркор ҳамда шижоатли саркарда бўлиб, кишиларни ўз ортидан эргаштира оладиган ташкилотчи лашкарбоши эди. У кўнгли беғараз ҳамда ишонувчан киши бўлиб, ёшлик ғайрат ва шижоати уни ҳеч қачон тарк этмаган. Унинг

бағри кенг, кўнгилчан нисон бўлгани туфайли уй ичидан-гиларга илиқ муомала қилар, қариндошлари ва дўстлари ҳақида доним ғамхўр ҳамда қайси ижтимоий табақага мансублигидан қатъий назар кишиларнинг ташвишларига ҳамдардлик билдиршига тайёр турадиган саховатпеша киши эди. Шу билан бирга юксак эътиқод киши-си бўлгани учун улуғворлик ва гўзалликни ниҳоятда қадрлар ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга интилар эди. У буюк қудрат ва улуғворлик эгаси бўлиб, шон-шуҳратнинг ҳар қандай кўриниши унинг тасаввурини янада кенгайтирар ва бирознинг шуҳратига шерик бўлишни истамас ва ўзиникига эга бўлишни маъқул кўрар эди. Ҳали ёш болалигидаёқ Фарғона тахтига чиққанда, атроф мамлакатларнинг тахтида султон ва хонлар утирар эди. У ҳали йигитлик давридаёқ у султонлардан бирортаси қолмади. Улар саройдаги фитналар, ёки бўлмаса четдан келган босқинлар қурбони бўлдилар. Уша шафқатсиз шамоллар Бобурни ҳам узоқ элларга элтди ташлади. Лекин қондаги ғайрат-шижоат ва прола кучи туфайли ана шу ҳаёт бўронларига бардош бериб, ундан устун келган яқкаю ягона темирый ана шу Бобур эди.

Ҳали йигирма ёшга тўлмаи туриб у ҳаётнинг барча аччиқ-чучуқларини, тақдирнинг иссиқ-совуғини бошдан кечирди. У гоҳ унчалик назарга чалинмайдиган шаҳзода қиёфасида, гоҳ улкан салтанат эгаси бўлган ғолиб шоҳ, гоҳ беватан ва қувғин қилинган қочоқ қиёфасида кўз олдимизда намоеи бўлади. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам уни ҳаётдан умидворлик, метиндай прода кучи тарк этмади. У ота юртдан қувилиб, мусофирликнинг энг оғир кунларини бир неча ҳамроҳлари билан кечираётган пайтда ҳам шавқати ва шон-шуҳрати сўнмади ва минглаб кишиларни ўз ортидан эргаштира олди ҳамда уларнинг ёрдами туфайли чексиз салтанатни қўлга киритди. Бундай бесаранжом вазиятда кишиларни бошқариш учун жасур сарбоз бўлиш лозим эди, шунинг учун ҳаётнинг дастлабки кунлариданоқ суворийлик унинг касби бўлган эди. Бироқ унинг жанг қилишига бўлган иштиёқни уни тинчликни таъминлаш ва қадрлаш ҳиссидан маҳрум этгани йўқ. Ҳарбий ҳаракатлардан тин олган пайтларни у серташвиш ҳаётнинг осуда кунлари деб ҳисоблар ва ором оларди. Одат бўйича бу пайтларда давлат ишлари билан банд бўлар, салтанатни мустаҳкамлаш ва давлат тизимини такомиллаштириш ҳамда қўл остидаги

фуқаронинг турмушини яхшилаш чораларини кўришга сарфларди.

Бобурнинг қонига гўзалликни ва санъат асарларини қадрлаш хусусияти сингган бўлиб, улар орасида меъморчилик ва боғ яратиш санъати алоҳида ўрин эгаллайди. «Тарихи — Синд» китоби муаллифининг гувоҳлик беришича, Бобурнинг буйруғига асосан Бисермура тепалигида 70 кишидан иборат тошкесарлар 3 йил давомида қазини ишлари олиб борган ва қадимги Пусток қалъаси қолдиқлари тупроқ остидадан очилган.

Ўзининг қўл остидаги мамлакатларнинг кўпларида сарой ва қасрлар қурдирди ва боғлар яратди. У гулзорлар ва гўзал йўлкаларни қуриб қувонарди. Бобур яхшигина боғбон ва табиатшунос ҳам эди, айрим мевали ва манзарали дарахтларни бир мамлакатдан бошқа ўлкага олиб келтириб, янги иқлим шароитига мослаштирар эди. Бу дарахтларнинг кўплари ҳали ҳам яшнаб турибди. Бу соҳада эришган муваффақиятларидан жангда ғолиб чиққан кишидай қувониб кетар эди. Бу ишларнинг барчаси уруш ва тўс-тўполонлар орасида амалга оширилди. Энг муҳим юришлар орасида, бир оз ишлари юришиб қолган пайтларда яқин дўстларини қўмсаб, уларни кўргиси келганини изҳор қилиб қолар эди.

Ўзининг билимга бўлган чанқоқлиги туфайли билим олишга интиланларга ҳаминша оталарча ғамхўрлик қилар эди ва уларни ўз агрофига тўплаб олар эди. Умри тўс-тўполон, уруш ва юришларда ўтган бўлса ҳам унинг зўр иштиёқ билан ўз даврининг илғор фанини эгаллашга интилиши ақл-заковати жуда ўткир ва бетакрор эканидан далолат беради. Унинг хислатларини яхши билган сарой тарихчиси Ҳайдар Мирзонинг айтишича, Бобур ажойиб фазилатлар эгаси бўлган шоҳ эди. Бу фазилатлар ичида энг зўри унинг олижаноблиги ва инсонпарварлиги эди. Туркий назмда Мир Алишердан кейин турарди, унга тенг келадиган шоир йўқ эди. У нозик дид билан яратилган «Туркий девон» (ёки «Қасидалар девони»)нинг муаллифидир. Бундан ташқари қонун ва дин асосларига бағишланган илмий асар («Мубаййин» — тарж.) ҳам яратди. Бу асар кенг халқ оммаси, дин ва давлат арбоблари томонидан олқишланди ва таҳсинга сазовар бўлди. Бобур туркий мусиқа оҳанглари ҳақида ҳам рисола яратдики, бу асар бу соҳада унча яратилган асарлардан устунлик қилади. Ҳазрат Эшоннинг «Рисолаи волидия» асарини шеърини йўл билан туркийга таржима қилди. Унинг туркийда ёзган хотиралари («Бо-

бурнома»— тарж.) тушунарли ва равон тили, услубининг софлиги билан алоҳида аҳамиятга моликдир. У санъатнинг бошқа соҳаларидан ҳам яхши хабардор эди. Оила аъзоларидан ҳеч бири қобилият ва унинг ижроси борасида унинг олдига туша олмас эди. Кечирган ҳаёти, жангу жадаллар ва саргузаштлар борасида эса унинг авлодларидан ҳеч бири унинг тақдирини такрорлай олмади.

Бобур фақатгина мусиқа ишқибозигина бўлиб қолмай, яхшигина бастакор ҳам эди. У яратган куй ва қўшиқлар жуда ёқимли оҳангда бўлиб, унинг вафотидан кейин ҳам халқ оғзидан тушмади.

Бобур туркийдан ташқари форс тилида ҳам шеърӣ асарлар яратди, бироқ, бобурийлардан кейинги Ҳиндистонда бўлиб ўтган давлат тўнтарышлари ва тахт учун курашлар туфайли уларнинг кўплари йўқолиб кетган. Шунга қарамай унинг ватандошларининг таърифлашича, у Навоидан сўнг иккинчи ўринда турадиган туркий шоирдир. Бобурда адабиётшунослик ва шоирлик қобилиятидан ташқари шарқда катта санъат ҳисобланган хатотлик қобилияти ҳам яхши ривожланган эди. Нафис ҳусниҳат эгаси бўлган Бобур бошқаларнинг ҳусниҳатига тўла тақлид қилиб кўчира оларди ва ҳатто ўзининг алоҳида ёзув услубини (Хатти—Бобурий назарда тутилмоқда — тарж.) ҳам яратди ва бу услуб унинг номи билан аталади.

Бобур яратган адабий асарлардан унинг мемуар («Бобурнома») асари энг яхши асарлардан ҳисобланади. Унинг биринчи қисми Бобурнинг болалик ва йигитлик йилларидаги ташвиш ва қувончларини батафсил ҳикоя қилади. Кейинги қисми эса, баъзан-баъзан ёзилган, гоҳида эса кўйма-кўн бўлган воқеалар тафсилотини ўз ичига олган ҳикоялар тўплами бўлиб, баъзи жойлардаги воқеалар тафсилоти тўла ёритилган бўлса, айрим жойларда эса қисқагина ёзма хотиралардан иборатдир.

«Бобурнинг мемуарлари,— деб ёзади Ҳиндистон тарихчиларидан бири,— ўз табиатига кўра ягона асар бўлиб, унда улуг татар монархи ҳаёти қадам-бақадам ҳикоя қилиб берилган. Унда шоҳнинг фикр ва кечинмалари ҳеч қандай яширилмасдан, бегаразлик билан очиқ-часига шарҳлаб берилган. Ҳикоя усули эса равон ва ўқиган кишига тушунарлидир. Айрим жойларда эса воқеалар қувноқлик ва моҳирона тасвир билан ҳикоя қилинадик, бу асар етук ва синчков кишининг асари экани сезилиб туради. У ўз замондошлари ва ҳамюртларини

шундай усталик билан таърифлайдики, уларнинг кўринишлари, хатти-ҳаракатлари, одатлари ва қилиқлари ойнада кўрингандек акс этиб туради. Шу нуқтаи назардан қараганда, бу асар ўша даврдаги Осие тарихини тўғри ва тўла акс эттирган ягона асардир. Одатдаги тарихчилар улуг шохларининг қилмишлари ва маросимларни баландпарвозлик билан таърифласалар-да, уларнинг шахсий ҳаёти ва оғизларини, кўпинча тушириб қолдиришга мойил бўладилар. Қўйи табақадагилар ҳаёти ҳақида эса лом-мим дейилмайди. Бобур асарида эса бирор шахс устидан сўз юритиладиган бўлса, унинг кийиниши, диди, одатлари шунчалик ҳаққоний ва батафсил тасвирлаб берилдики, биз худди улар орасида яшаётгандай, у кишиларни шахсан танигандай бўламиз. Бобур ўзи бўлган мамлакатлар манзараси, иқлими, ишлаб чиқарадиган маҳсулот, санъат асарлари ва саноатини шунчалик тўла ва батафсил тасвирлаб берганки, бу асар ёзилган шаронини кўз олдингизга келтирадиган бўлсак, шу мақсадда келган сайёҳлар ҳам бунчалик ёза олмаса керак.

Бу асарнинг жозибадорлиги асар муаллифининг феъл-атворидадир. Узоқ умрнинг барча азоб-уқубатларини кўргандан кейин ҳам, яна саҳий қалб эгаси ва саховатли инсон қисфасини сақлаб қолиш, юмшоқ кўнгил ва сабр-қаноат билан яна ўз фаолиятини давом эттириш ҳаммага хан хос бўлавермайди. Ҳукмдорлик ва улуғворлик одатда кичкиннинг иезик дидини ва сезгирлигини ўтмаслаштиради.

«Осие тарихининг совуқ улуғворлиги ўртасида, кун бўйи йиғлаб юрган ва бу йиғиса ҳақида бирга ўйнаб юрган ўртоғига айтганидек бизга ҳикоя қилиб бераётган подшоҳни учратиб дилимизга таскин беради»,— деб ёзди «Бобурнома»нинг таржимони. У ўз онаси ва аёл қариндошлари ҳақида шунчалик қизиқарли ҳикоя қилдики, гўёки уларнинг ёвдани ҳеч қачон нари кетмаган деб ўйлаймиз.

Ўртоқларининг феъл-атвори ҳақида эса, гўёки ўзи ҳақида гапирётгандек ҳикоя қилади. Уларнинг айтган гапларини қайтариб айтади, улар учраган воқеалар ёки касалликлар ҳақида, уларнинг саргузаштлари ҳақида сўз юритади ва баъзан эса, улар устидан ҳазил-омуз кулиб ҳам қўяди.

Агар Бобур ичкиликдан эртaroқ воз кечганда улуг иш бўларди. Чунки унинг ҳаётини эртaroқ қисқартирган ана шу оғу бўлиши мумкин. «Бобурнома»да кўп жойларда ичкилик ичиш манзараси худди жанг ёки музо-

кара тафсилоти каби тасвирлаб бериледи. Бобур тарихида бундай ҳодисалар тез-тез учраб туради. Бу ўтиришларда даврадагилар уни шахзода сифатида эмас, балки шу давранинг оддий бир аъзоси сифатида кўрар эдилар. Бундай ўтиришларга, асосан, салқин ўрмонлар, ям-яшил қирлар ёки дарё бўйлаб қилинган кема саёҳатидан олиннадиган яхши кайфият сабаб бўлар эди. Бундай давраларда шеърхонлик, туркий ва форсийда айтиладиган мушоира, хонанда ва созандалар мусобақаси ўтказилар эди.

Бобурнинг феъл-атворидаги энг олижаноб фазилатлар унинг инсонпарварлиги ва беғараз кўнглидир. «Бобурнома»да баъзан бешафқат қатл этиш манзаралари учраб туради, лекин бунинг сабабини айрим бир шахснинг фаолиятидан эмас, балки ўша тарихий муҳитдан қидириш зарур. Ўша давр тарихчиларининг айтишига қараганда, унинг укалари ёки амирлари Бобурга қарши бош кўтарган ёки фитнага бош қўшган бўлса, улар ўз айбини тан олиб, тавба қилиши биланоқ, тарихчи Хафихоннинг таъбири билан айтганда, эрон, араб ёки ҳинд шоҳларидан фарқли ўлароқ, уларни кечирибгина қолмай уларга нисбатан ҳеч қандай гина ҳам сақламас эди.

Бобур бақувват гавдали, ўрта бўйдан юқориқроқ киши бўлиб, жисмоний ҳаракат талаб қиладиган ўинларни яхши кўрар, ўткир мерган ва моҳир қиличбоз эди. Жуда кўп ҳолларда у шижоатини намойиш қилар ва яккама-якка жангда рақибдан устун чиқарди. Унинг гавдаси шу даражада бақувват эдики, айтишларинча, баъзан ҳар иккала қўлтиғига икки кишини қисиб олиб, қалъа девори устида айланиб юрар ва шу тизда йўлдаги тўсиқлардан ўтар эди.

БОБУРНИНГ ОИЛАСИ

Бобурдан тўртта ўғил қолган эди.

1. Муҳаммад Ҳумоюн Мирзо, унинг тахт вориси, 1508 йил 5 апрелда туғилган.

2. Қомрон Мирзо, 3. Хиндол Мирзо, (1525 йил февраль), 4. Аскарый Мирзо. Энг кичик ўғли Анвар болалигидаёқ вафот этган. Бобурнинг бир неча қизлари бўлиб, уларнинг туғилганлиги ҳақида маълумот сақланиб қолмаган. Уларнинг баъзилари сарой амалдорларига турмушга чиққанлар.

1. Ойша—Султон бегимдан туғилган қиз, ҳеч қанча вақт яшамай вафот этган.

2. Маъсума—Султон бегимдан туғилган қиз. Бу қизнинг исми ҳам Маъсума Султон Бегим бўлиб, у чақалоқлигидаёқ онаси вафот этган. Бу қиз Хирот ҳукмдори Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаронинг невараси бўлиши Бадруззамоннинг ўғли Муҳаммад Мирзо Замонга куёвга чиққан. 3. Гулбадан Бегим—Ҳумоюннинг синглиси, мўғул хонларидан бўлиши Хўжа Хизрга турмушга чиққан. 4. Гулранг бегим—Ҳумоюннинг иккинчи синглиси бўлиб, Нуриддин Муҳаммад Мирзога турмушга чиққан. Уларнинг қизи Салима Султон Бегим аввал Байрамхонга, унинг вафотидан сўнг эса, ўзининг қариндоши Акбаршоҳга теккан. 5. Гулчеҳра Бегим—Ҳумоюннинг энг кичик синглиси, акаси ҳукмронлиги даврида ўзбеклар султони Аббос Султонга тумушга чиққан. 6. Шаҳрибону Бегим—Бобурнинг энг кичик укаси Носир Мирзонинг ўғли Ёдгор Носир Мирзога теккан, уларнинг Санжар Мирзо исмли ўғли ҳам бор бўлиши керак. Бобурнинг яна бошқа қизлари ҳам бўлган, улардан бири Бобурнинг вафоти олдида тахтни эгаллашга уриниб кўрган Зиёд Маҳди Хўжага турмушга чиққан.

Бобурнинг хотинлари ёки унинг харамдаги канизаклар ҳақидаги аниқ маълумотга эга эмасмиз. Бизга маълум бўлганлари қуйидагилардир:

1. Ойша Султон Бегим—Бобурнинг тоғаси Самарқанд ҳокими Султон Аҳмад Мирзонинг қизи. У беш ёшга киргандаёқ Бобурга унаштириб қўйилган эди. Ундан битта қиз туғилиб, бир неча кундан сўнг вафот этган.

2. Зайнаб Султон Бегим—Бобурнинг кичик тоғаси Хисор ҳокими бўлган Султон Маҳмуд Мирзонинг бешинчи қизи. Унга Бобур Кобулни қўлга киритгандан кейин уйлانган. Икки-уч йилдан сўнг у чечак касали билан вафот этган.

3. Маъсума Султон Бегим—Бобурнинг биринчи хотини бўлиши Ойша Султон Бегимнинг энг кичик синглиси. Ойша Султон Бегимнинг вафотидан сўнг Бобур уни Ҳуросонда учратиб қолиб, ўзига турмушга чиқишини сўради ва Кобулга келиб унга уйланди. Ундан Маъсума исмли қиз туғилиб, у чақалоқлигидаёқ онаси вафот этган.

4. Моҳин Бегим—Хирот шоҳи Султон Ҳусайн Мирзо (Бойқаронинг) қариндошларидан бўлиб, «Акбарнома»да айтилишича, Ҳумоюн Мирзо, Гулбадан Бегим, Гулранг Бегим ва Гулчеҳра Бегимнинг онаси бўлган.

5. Дилдор Оғача Бегим — Ҳиндол Мирзонинг онаси («Акбарнома»).

6. Ранка Бегим — Бобур вафотидан сўнг бева қолган ва Қобулда яшаган.

7. Юсуф—Зай афғонларнинг сардори Малликшоҳ Мансурнинг қизи.

БОБУРШОҲ ҚҶЛ ОСТИДАГИ ҶЛКАЛАР

Бобур вафот этган пайтда унинг ҳукмига бўйсунадиган мамлакатлар Амударёдан тортиб Ҳиндистоннинг Баҳор вилоятигача, Ҳиндукуш тизмалари бўйлаб Бадахшон, Кундуз ва Балх чегараларигача ястаниб ётарди. Теса тизмаларининг жанубида эса Қобул, Ғазна ва Қандаҳор вилоятлари, тоғли Ҷлкалардан афғон ва аймоқ қабилалари яшайдиган Паронамисан тизмалари, жанубда эса саҳро ва қир-адирли воҳалардан иборат бўлиб, Белужистонгача етиб борарди. Бу Ҷлкаларда яшайдиган қабилаларнинг айримлари ўз-ўзини бошқариб яшасалар-да, Бобур ҳокимиятини тан олардилар. Қобул ва Ғазнанинг шарқ томонидаги қуйи Ҷлкалар, Жалолобод, Пешовар, Қўхдомон ва ҳатто Савод ва Бажур вилоятларигача Бобур ҳукуматига бўйсунар эди. Биз ҳозир Афғонистон деб атайдиган мамлакатнинг оёқ етмайдиган узоқ водийларида яшовчи қайсар қабилалари Ҷлпон тўлаб туриш билангина чекланардилар. Шунинг учун улар устига тез-тез юриш қилиб турилар ва улардан солиқлар ундирилиб туриларди. Улар ҳам ўз навбатида савдогар карвонлар йўлига ҳужум қилар, ерли аҳолининг подаларини ҳайдаб олиб кетар ёҳуд қуйироқдаги деҳқонларнинг етиштирган ҳосилини талаб кетар эдилар. Синд дарёсининг қуйи қисмидаги вилоятларда Бобурнинг номи ҳутбага қўшиб ўқитилар эди, лекин уларга тўғридан-тўғри ҳукмдорлик қилмас, ҳокимият маҳаллий ҳукмдорларга берилган эди. Ҳинд дарёсининг шарқий қирғоғидаги Панжоб ва Мултон вилоятлари, жанубий шарқда Ҳиндистоннинг Сатлеж сингари Баҳор вилоятигача бўлган бой Ҷлкалари бир томондан, Ҳимолай тоғларидаги Ҷлкалар, ражпутлар яшайдиган вилоятлар ҳамда Малва вилояти иккинчи томондан Бобур ҳукуматига бўйсунар эди. Ғарбий чегаралар эса Биёна, Рантамбор, Гувалёр ва Чандирий қалъалари билан белгиламар эди. Бироқ Бенгал билан чегарадош Ҷлкаларнинг чегараси аниқ белгиланмаган эди. Баҳор вилоятининг

каттагина қисми Бобур ҳукуматига бўйсунса ҳам, қир-адирли ва ўрмонли қисмлари афғон ёки маҳаллий ҳинд ҳокимлари томонидан бошқарилар эди. Бу томонлардаги ражпут вилоятларидан ярми парчаланган Малва, Бандилхонд хонликлари ва Бенгалия мустақил давлатлар эди. Бу улкан салтанатдаги сиёсий вазиятни барча ерларда бир хил тизимда ушлаб туришнинг имкони йўқ эди. Ҳар бир вилоят, ҳар бир хонлик, ҳаттоки ҳар бир қишлоқ ўз удуми, ўз анъанасига асосан бошқарилар эди. Бутун салтанат учун қўлланилиши мумкин бўлган қонун чиқариб, унинг ижросини таъминлашнинг имкони йўқ эди. Шунинг учун бутун салтанат миқёсида адлия ишларини назорат қилиб боровчи маъмурий идора йўқ эди. Ҳиндистондаги ўлкаларда катта миқёсдаги баҳсли масалалар туғилганда ўша қишлоқ, шаҳар ёки вилоят ҳокимига арз қилинар эди. Мусулмонлар яшайдиган вилоятларда мунозарали масалаларни ҳал этиш учун қози тайинланган бўлса ҳам, қозилар асосан, никоҳ ва ажратиш масалалари, ажралиш жараёнидаги мулк даъволари ва диний масалаларни ҳал қилардилар. Ер масалаларини шу қишлоқ оқсоқоли ёки заминдорлар ҳал этарди. Юқори мансабдаги ҳокимлар фуқаролар масаласидан ташқари жиноий масалаларни ҳам ҳал этардилар.

Ўша пайтда жорий қилинган солиқ ва бошқа турдаги йиғимлар ҳақида камроқ маълумотга эгамиз. Ҳиндистондаги асосий солиқ турларидан бири ер солиғи эди. Аҳоли тинч яшайдиган вилоятларда ер солиғи ўша жойнинг ўзидаёқ ундириб олинарди. Агар юрт маҳаллий ҳокимлар томонидан бошқариладиган ва улар бўйсундирилмаган бўлса, сарой вакилларига даврий тарзда ўлпон тўлаб турардилар. Ерга икки хил тарзда эгаллик қилинар эди. Ўша пайтда ота-бобосидан мерос қолган ер эгалари ва ҳукумат ерлари мавжуд эди. Ҳукумат ерларидан олинган ҳосилнинг маълум қисми хазинага топширилар эди. Кўпинча сарой амалдорлари ёки ҳарбий мансабдорларга маълум миқдорда ер мулки (жагир) ажратиб бериларди, лекин уларнинг ерга бўлган ҳуқуқлари анча чекланган эди. Қадимдан ривож қилиб келинган удумга биноан олинган ҳосилнинг бир қисми ҳукумат томонидан йиғиб олинар эди. Уҳда (ҳадя) қилинган ер эгалари, агар ер унга мерос қолмаган бўлса, бир ердан иккинчи ерга кўчирилиши мумкин эди. Ердан олинадиган солиқлардан ташқари бошқа юртлардан карвон орқали олиб келинаётган моллардан ҳам солиқ сли-

нар эди. Солиқ (бож) олинган молларга махсус муҳр (тамға) босилар эди. Мамлакатнинг бир қисмидан иккинчи қисмига олиб бориб сотиладиган моллардан ҳам бож олинар эди. Шаҳарларда эса дўкон солиғи ҳам олинар эди. Мусулмонлар яшайдиган вилоятларда ғайри мусулмондан «жузъя» солиғи олинар эди. Шуниси диққатга сазоворки, Бобур биринчи бўлиб, ҳарбий юришларни ҳам, сайру саёҳатларни ҳам, ҳатто ов қилишни меъёрлаб қўйган бўлиб ва ўша меъёрдан ошишга йўл қўймас эди. Аградан Кобулгача бўлган йўл бўйига ҳар ўн беш мил масофага олтидан от ва унга қарайдиган хизматчилар қўйилиб, улар чопарлар учун от алмаштирадиган ва дам оладиган мусофирхоналар вазифасини ўтар эди.

Илмий-маърифий асар

Ўзбек тилида

У. ЭРСКИН

БОБУР ҲИНДИСТОНДА

Муҳаррир *Ҳ. Имонбердиев*

Рассом *М. Гумиров*

Расмлар муҳаррири *У. Солиҳов*

Саҳифаловчи муҳаррир *Е. Толочко*

Мусаҳҳиҳ *Ш. Соатова*

ИБ № 0567

Босмахонага 03.05.95 да берилди. Босишга 3.10.95 да рухсат этилди. 84×108¹/₃₂ форматда. Босмахона қоғози. Адабий гарнитурда. Босмахона усулида босилди. Шартли босма т. 5.88. Шартли кр.-оттиски. 6.3. Нашр. т. 6,03. Буюртма 4471. 12.000 нускада. Баҳоси келишилган нарҳда.

«Чўлпон» нашриёти, 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг 1-босмахонасида босилди. 700002, Тошкент, Сағбон кўчаси, 1-беришма кўча, 2-уй.